

all 38

Бобораҳим МАШРАБ





ЎЗБЕКИСТОН ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ
НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бобораҳим Машраб

КИМЁ

Тадқиқ қилувчи, лугат ва изоҳларни тузувчи:
Ҳожи ИСМАТУЛЛОҲ АБДУЛЛОҲ

«НАМАНГАН»
нашриёти



«КИМЕ» буюк Машрабнинг бизгача етиб келган муҳим ахлоқий-тарбиявий, тасаввуфий шеърый асарى. Бу ҳам «Мабдаи нур» каби маънавий усулида ёзилган бўлиб, ахлоқ-тарбияга оид кўплай Қуръон оятлари, ҳадислар, ривоят ва ҳикояларни ўз ичига қамраб олган. Асар тасаввуфнинг ҳамма машаққатли, оғир йўлларидан чидаб, бардош билан ўтиб, нафси тамоман ўлдириш, дунё ҳирсу ҳавосидан воз кечиb, вужудни, қалбни ва рудни ҳамма иллатлардан поклаш, тозаланиш йўли билан камолга етиб, Аллоҳ дийдорига мушарраф бўлиш фалсафасини олға суради.

Республикамызда ваҳҳобийлик ва ақиданарастлик каби турли-туман мазҳаб ва диний қарашлар пайдо бўлиб, ижтимоий ва ҳаётий тузумимизда салбий воқеалар юз бераётган бир вақтда. «КИМЕ» халқимиз, айниқса ёшлар онгини тарбиялашда ижобий аҳамият қасб этиши муқаррар. Шу мақсадда уни биринчи мартаба кенг ўқувчилар оmmasига зозирги имлойимизда ҳавола этмоқдамиз.

Масъул муҳаррир; Ҳожи ИСМАТУЛЛОҲ АБДУЛЛОҲ

Тақризчи: Филология фанлари доктори; ИБРОҲИМЖОН ҲАҚҚУЛОВ.

Эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчилар:

**Ҳожи ИСМАТУЛЛОҲ АБДУЛЛОҲ, ГУЛМУРОД НИЁЗ,
ҚУЛДОШ АҲМАД.**

НГ 81—277,5—230. 850 1999 й.
82—8,5—(06)—99

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ВА УНИНГ «КИМЕ» АСАРИ

Бобораҳим Машраб Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Туркистонда машҳур буюк мутасаввиф шоир, Ислом ва унинг йўл-йўриқлари, бутун мусулмон шарқида яратилган тасаввуф адабиётининг йирик намоёндаси ва билимдони. Бутун ҳаётини саргардонликда, дунёни кезиб ўтказиб, оддий халқ орасида шўҳрат қозонган, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаган, халқ учун қайгурган жаҳонгашта, қаландар шоирдир. У Шоҳ Машраб, Девона Машраб, Телба Машраб номларини бежиз олмаган.

Машраб таржимаи ҳоли чалқаш ва ноаниқ, турли афсоналар билан сугорилган. Шоир ҳақида XVII аср тарихий манбаларида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Ҳозиргача машрабшунослар томонидан ёритилиб келинаётган, шоир таржимаи ҳолининг ягона манбаи «Девона Машраб» деб атаб келинаётган манобеидир. Баъзи олимлар бу асар Пирмат Сеторий ёки Иёҳоқ Богистоний томонидан ёзилган деб тахмин қилсалар ҳам, бу асар муаллифи илмий жиҳатдан ҳанузгача аниқланмаган.

«Қисса Машраб» оддий халқ орасида ниҳоятда шўҳрат қозонган, у қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқилиб келинмоқда, уни махсус машрабхонликларда, чойхоналарда, масжидларда, мадрасаларда, турли йиғилишларда иштиёқ билан ўқидилар, унинг жозибадор шеърлари қаландарлар томонидан халқ орасида, кўчалар, бозорларда ўқилган. Қисса отин аёлларнинг ҳам севиб ўқийдиган китоби бўлиб, ундаги шеърларини ёдлаб олганлар, хонандалар эса мусиқага солиб, мароқ билан куйлаб келганлар. Бу шоир ғазалларининг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди. «Қисса Машраб»да шоир ҳаётига мансуб бўлмаган, кейинги хаттолар томонидан қўшиб кетилган анчагина афсона ва ривоятлар ҳам учрайди. «Қисса»нинг Машраб туғилган жойи ва йили ҳақида кейинги вақтда икки хил фикр ҳукм суриб келди. Бу масалада шоир таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан ёзилган мақолалар ва юбилей таъналарида сўзлаган маъруза, нутқларда Машрабнинг 1640 (ҳижрий 1050) йили Наманганда туғилганлиги илмий асосда қайд қилинди ва бу баҳсларга чек қўйилди. Бундан кейин тадқиқотчилар яна чалқашликларга йўл қўйишмасинлар деган ниятда шу масалага бир оз тўхтаб ўтишни лозим топдик.

1959 йилга қадар Машраб ҳақида ёзилган ҳамма манба ва адабиётларда Машрабнинг Наманганда туғилганлиги кўрсатилган. 1959 йил 12 июлда «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида Ғафур Ғуломнинг «Икки Машраб» мақоласи босилиб чиқди. Бунда таъкиранивис Малиҳо Самарқандийнинг 1688—1692 йиллари ёзилган «Музаққир—ул—аҳоб» таъкирасидаги қуйидаги сўзлар келтирилган: «Машраб — қаландар Раҳимбобонинг тахаллусидир. Асли Андигондан (тарихий манбаларда Андижон баъзан Андигон ёзилган, — И. А.) бўлиб, болалик чоғларида илм ва фазилатлар касб этиш учун Наманган вилоятига борган»¹. Таъкира муаллифи Машрабни шахсан кўрган ҳақида маълумот йўқ. Яна шунини қайд қилиш керакки, «Андижондан» деган сўздан Андижонда туғилган деган маъно чиқмайди.

1. Малиҳо Самарқандий *Музаққир—ул—аҳоб*. Ўз. ФА Шарқишунослик илмгоҳи. 4270 рақамли қўлёзма, 316—316б-варақлар.

Ғафур Ғулом мақоласи босилгандан кейин адабиётшунос олимлардан В. Абдуллаев, А. Ҳайитметов, М. Зокировларнинг китоб ва мақолаларида Машраб Андижонда туғилган деган ёзувлар пайдо бўлди. Бизга Машраб ҳақида муфассалроқ маълумот берувчи асар номатлум киши томонидан ёзилган «Қиссаи Машраб» асаридир. Бу қиссани шубҳасиз Машрабни қўрган, унинг сафарларида бирга бўлган киши ёзган. «Қиссаи Машраб»да шоир Наманганда туғилгани, шу ерда мулла Бозор Охунд (ваф. 1668 й.) қўлида тарбиялангани, ота-онаси ҳам шу ердалиги очик-ойдин айтиб ўтилган.

Абдулмутталиб Хожан Фаҳмий 1763 йили туғган «Тазкирани Фаҳмий» асарида: «Мавлоно Машраб Намангоний ҳазрати Хожа Ҳидоятуллоҳ Офоқ Хожам муридларидандир» дейилган².

Шуниси диққатга сазоворки, бу тазкира муаллифи Малиҳо Самарқандий тазкираси билан таниш бўлган. Машрабнинг «Маро» радифли фореча газалини келтирган ва уни Малиҳо тазкирасидан олганини қайд этган. Энг муҳими Малиҳонинг «Андигондандир» деган фикрига кўшишмай, Машрабни Намангонлик деб кўрсатган. Шарқшунослик илмгоҳида сақланаётган «Мусаввадан Абдушукур Зиё» қўлёзмасида ҳам Машраб номи зикр қилиниб: «Намангандан эди. У жанобнинг номи Бобораҳимдир», деб ёзилган.³

Машраб ҳаётини илк бор илмий ўрганган рус шарқшуноси Н. С. Ликошин (1860—1922) ҳамто Машрабнинг туғилган уйи ҳақида ҳам маълумот бериб: «Намангон шаҳрининг ўртасидаги қатта бозор. Маллоххон маҳалласи ва Машраб қаландархонаси яқинида, Бозор Охунд қабридан 550 кадамча жойда Шоҳ Машраб туғилган уйнинг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган», деб ёзган⁴.

Садриддин Айний ҳам «Тазкирани Фаҳмий» маълумотларига суяниб, Машрабни намангонлик деб ёзган.⁵

Абдурауф Фитрат ўзининг «Машраб» мақоласида Машрабни Намангонда туғилганини таъкидлаб, Малиҳо Самарқандий маълумотини ҳам келтирган⁶. Бу мақолани Совет тузуми даврида Машраб хақида ўзбек тилида илмий асосда ёзилган биринчи мақола деб атасаك ҳато қилмаган бўлармик. Ундан кейинчалик кўплаб машрабшунослар истифода этдилар.

Таниқли адабиётшунос А. Абдуғафуров Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида чуқур илмий ишлар олиб борди ва теран манбаларга асосланган ҳолда Машрабнинг 1640 йили Наманганда туғилгани ва 1711 йили Балхда ўлдирилганини далиллар асосида исботлаб берди⁷.

Одатда шоир ва олимлар туғилган жойи нисбаси билан юритилади. Баъзан яшаган жойини ҳам кўшиб иккита, ҳатто учта нисба олгандар ҳам бўлган. Ҳамма манбаларда Машраб Намангоний деб кўрсатишган.

2. У. Ҷ. ФА Шарқшунослик илмгоҳи. 2331 рақамли қўлёзма. 386-саррақ.

3. 2315 рақамли қўлёзма. 1896—саррақ.

4. «Туркестанские ведомости», 1902. 9-11—сонлар. «Қиссаи Машраб»нинг 1915 йил Самарқандда Н. С. Ликошин таржимасида рус тилида нашр этилган нусхасида ҳам юқоридаги маълумотлар келтирилган. (4-6).

5. Намунаи адабиёти тожик. Самарқанд, 1926. 169-бет.

6. «Илмий фикр», 1930 йил, 1-сон, 47-57—бетлар. Бу мақола Б. Дўстқороев томонидан қисқа сўз боши билан «Ёш Ленинчи» рўзномасининг 1991 йил 29 июнь, 23 июль сонларида қайта нашр этилди.

7. Эрк ва эзгулик куйчилари. Тошкент, 1979 (Бобораҳим Машраб боби); Машраб биографиясининг баъзи бир нуқталари. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1978, 6-сон; Машраб қачон туғилган? «Адабий мерос тўплами», 1980, 4-сон қабили.

Агар шоирнинг ўз асарларига мурожаат этадиган бўлсак, унинг таржимаи ҳолияга оид шеърларининг деярли ҳаммаси Наманган билан боғланган.

О. Абдуғафуров томонидан Машраб таваллудига оид муҳим бир ғазал ўз. ФА Шарқшунослик илмгоҳи қўлёзмалар хазинасидан топилди ва бу шоир таваллуд топган жойи масаласидаги бахсларга тўла чек қўйди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу ғазалда шундай байт бор:

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидан,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман⁸.

Машрабнинг туғилган йили ҳақида икки хил фикр ҳукм суриб келар эди. Кўпчилик олимлар уни 1644 (ҳижрий 1050) йил туғилган деб ёзган бўлсалар (Фитратнинг юқорида эслатганимиз мақоласида), В. Абдуллаев, А. Ҳайитметовлар асарларида уни 1657 йили туғилган деб қайд қилинган. «Қиссан Машраб»нинг Шарқшунослик илмгоҳида сақланаётган бир қўлёзмасидаги муҳаммасда қуйидаги байт бор:

Еши етмиш бирга етган банди радди фалак,
Мору каядумлар билан тўлган дилига райбу шақ⁹.

Шоир бу ерда ҳижрий билан етмиш бир ёшдалигини айтаяпти. Агар мелодий ҳисобга айлантириб икки йил олиб ташласак, Машраб бу муҳаммасни 69 ёшида, яъни ўлимидан икки йил аввал ёзган. Бу Ш. Зуннуновнинг «Машраб ҳақидаги янги афсоналар» мақоласида ҳам таъкидланган.

Қўқонлик тарихчи Ҳақимжон Тўранинг «Мунтахаб—ут—таворих». Худоёрхон котиби Мирза Олимнинг «Ансоб—ус—салотин», Мажзуби Намангонийнинг «Тазкират—ул—авлиё», машҳур бухоролик олим Шарифжон Маҳдумнинг «Мусаввадан Абдушукур» номли асарларида ҳам Машраб ҳақида қисман маълумотлар берилган.

Бобораҳим Машраб ҳижрий 1050 (милодий 1640) йили Наманган шаҳрида қамбағал бўзчи Валибобо оиласида дунёга келди. Машраб Намангандаги ибтидоий маътабда ўқиб таълим олди. Ёшлигиданоқ шоирда тасаввуфга берилиш, ягона Аллоҳга иштиёқ ҳислари кучли бўлди. Кўчаларда яланг оёқ, ёғоч от миниб юрар, халқ уни ўраб олар, шоир уларга ўзининг оташи шеърларини ўқиб берарди.

Ўғлидаги кучли истеъдодни сезган Валибобо ёш Машрабни ўша вақтда Фарғона водийси сўфийларининг раҳнамоси бўлган наманганлик машҳур эшон Демурла Бозор Охундга (ваф. 1668 й.) олиб бориб топширди. Эшон Машрабни ягона Аллоҳга эътиқод, дунё ҳаётдан воз кечиш руҳида, тасаввуфнинг қонун қоидалари асосида тарбиялади. Шоир унинг қўлида араб тили, адабиёти, Қуръон, ҳадислари ва тасаввуф адабиётини чуқур ўрганди. У ўзбек, араб ва форсий тиллардаги адабиётни мукаммал эгаллади. Машраб машҳур эрон шоири Хўжа Ҳофиз (1325—1389) ижодига қизиқиб, шеърларидан ёдлаб олар ва қуйлаб юрарди. Машрабнинг яна бир севган шоири машҳур Жалолуддин Румийдир (1207—1273). Унинг «Маснавий Румий»си шоир ижодида жуда катта из қолдирди ва кейинчалик «Мабдан нур» асарининг ёзилшига сабаб бўлди.

Машрабдаги илмга, айниқса тасаввуфга бўлган чуқур муҳаббат ва иштиёқли сезган мулло Бозор Охунд шоир ўз тасаввуфий илмини тўла камолатга етказишни истаб, уни 15 ёшида янада машҳур ва заковатли эшон Офоқ Хожга (ваф.

8. Ўз. ФА Шарқшунослик илмгоҳи, 1017 рақамли қўлёзма, 198-варақ.

9. Ўз. ФА Шарқшунослик илмгоҳи, 172 рақамли қўлёзма, 171а-варақ.

1693 й.) хузурига Қашгарга юборади. Мана шу даврдан то умрининг охиригача Машраб ҳаётида сарсон-саргардонлик йиллари бошланди. Офоқ Хожага шоир маъқул бўлиб, ёқиб қолади ва унга Машраб тахаллусини беради (Машраб сўзи ичмиш жойи, ичимлик, мазҳаб, мижоз, табиат, феъл-атвор, йўл, лоқайдлик, маслак, гоё каби маъноларни билдиради). Офоқ Хожа даргоҳида Машраб мурид сифатида эшон томонидан буюрилган турли оғир ишларни бажаради: уч йил ўтин ташиди, уч йил саночда сув ташиди ва бир йил эшон остонасида қоровуллик қилди. Шу даврлар ичида шоир кийими битта пўстиндан иборат бўлиб, ёзда жунини тепасига, қишда эса ичига қилиб кийиб юрарди. Етти йиллик оғир тайёргарлик, ўзининг жисмоний ва руҳий қобилиятини чичиктириш тўғайли Машрабга тасаввуфий жозибалик сингиб борди. У тасаввуф илмини тўла эгаллади. Офоқ Хожа даргоҳида унинг кўплаб муридлари, ҳарамиди эса тортиқ қилинган ва сотиб олинган чўрилар хизмат қиларди. Шу чўрилардан бирига Машрабнинг кўзи тушади ва уни яхши кўриб қолади. Бундан хабардор бўлган эшон шоирни ўз даргоҳидан қувади.

Фитратнинг ёзишича: «Машраб мана шу чўриларнинг битта чиройлиси билан яширин муносабат боғлаган. Анча вақтдан кейин бу иши Офоқ Хожага маълум бўлди. Машрабни ура-ура эшикдан хайдайдди». Машраб ҳам-хасратда Еркенда йўл олади. У ерда тезда шухрат қозонади, лекин ўзига одамларнинг ихлоси ортиб, кўзга ташланиб кетишини истамаган шоир халқ орасида айрим ахлоқ-одобга зид ғайри табиий қилиқларни қилиб, тезда ҳурматсизланади ва Хўтан шаҳрига жўнайди. Бу ерда ҳам худди ўша кўринишда Исломга зид ишларини давом эттирди, ҳатто Хўтан аҳли уни ўлдирмоқчи ҳам бўладилар. У диний далиллар келтириб, ўзини оқлайди. Кейин Гулжа шаҳрига йўл олади. (Фитрат мақоласида «Ил шаҳрига кетди», дейилган). Бу ерда шоир атрофида мулозим, чўрилари билан отда кетаётган Гулжа ҳокимининг қалмиқ қизини учратиб қолади, унга ишқи тушиб, уч йил тусини боқади, бу давр ичида шоир ёмғир сувини ичиб, гиёҳлар илдизини еб тирикчилик қилади. Пировард оқибатда Машраб Гулжа ҳокими, унинг хотини ва қизини мусулмон оламига киритади.

Қалмиқлар диёридан шоир яна Қашгарга келади. Офоқ Хожа унинг гуноҳидан ўтади. Шу вақт Тошкентда Офоқ Хожанинг дўсти машҳур шайх Нуриддин касалга дучор бўлади. Машраб Офоқ Хожа тоншириғи билан Тошкентга жўнайди, кейин Қашгарга қайтиб, эшондан Наманганга боришга рухсат олади. 18 йил сарсон-саргардонликдан кейин шоир она диёри Наманганга келади, онаси ва синглиси билан дийдор кўришади. Шоирнинг ватаи ва онаи зори иштиёқда болаларга хос содда тугён билан ёзган шеърлари ўқиган кишини юрак бағрини эзади:

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юроғи, бағри қон онам...
Сени кўп интизор эттим, фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилқушон онам.

Қутилмаганда шоирнинг онаси вафот этади. Онани дафн этиб, унинг вафотида ўз шеърларини бағишлади.

Машраб яна эшакка миниб, дўсти Сармаст ҳамроҳлигида Бухорога отланди. Йўл-йўлакай Хўжаанда тўхтайдди, кейин Тошкентга ўтиб, у ердан Туркистонга, кейин яна Хўжаанд орқали Тошкентга, сўнг Бухорога йўл олди. «Қиссан Машраб» ривоятларига қараганда, шоир қаерга бормасин ўзининг кўриниши, сўфиёна, халқчил ғазаллари ва ажойиб оташин сўзлари билан тезда кўзга кўринади, авлиё сифатида шухрат қозонади, унинг орқасидан эргашиб, иззат-

ҳурмати ва ўрнига қўйишади, ҳоким табақалар унга мурид бўлишга ҳаранат қилиб, дабдабали кошоналарига таклиф қиладилар. Ўз номини улуғлашни, ҳурмат эътибори ошириб, хире-харога берилиб, кибраниб кетишини хоҳламаган шоир тезда бирор номақбул, одобга сўғмайдиغان иш кўрсатиб, одамлар ҳафсаласини пир қилади, уларнинг эъсасини қотиради. Бунинг учун ҳаёти бир неча марта таҳлика остида қолади, лекин қаландар шоир диний, ҳаётий далиллар билан ўзини оқлаб, яна йўлини давом эттираверади. Масалан, Бухоро масжидларидан бирининг меҳробига шоир қозиқ қоқиб эшагини боғлаб қўяди ва ўзини уйқуга кетади. Эрталаб имом девонани сўғиб уйғотганда, Машраб унга: «Сиз икки тийинлик кафшингизни ўғри олмасин деб олдингизга қўйиб намоз ўқийсиз, мен эшагини уч сўмга олганман» дейди.

«Қиссаи Машраб» ривоятларича, Машраб Бухорога бормади, Маккага йўл олади. (Фитратнинг ёзишича эса, шоир Маккага Хўжадан жўнайди). Лекин у Маккага етиб бормади, йўлни ўзгартиради ва Ҳиндистонга Хожа Пошшахожа эшон ҳузурига жўнайди ва уч йил унинг таҳоратига сув қўйиб беради. Машраб ҳақида ҳозиргача ёзилган ҳамма мақола ва китобларда уни Маккага бормаган деб қайд этилган. Лекин Шарқшунослик институтида сақланаётган ҳозиргача машрабшунослар эътиборидан бутунлай четда қолган юқорида эслатганимиз 9968 рақамли қўлёзмадан шоирнинг биз «кетдим» радифли газалини топдик. Бунда Машраб ҳамма кўрган жойларини бирма-бир айтиб ўтиб, Макка ва Мадинага боргани, тавоф қилгани ва Замзам сувидан ичганини очик-ойдин кўрсатиб кетган:

Мадина, Маккани тавоф айлабон ҳам чоҳи Замзамни,
Чаҳорёрни тавоф айладим, йиғлаб равон кетдим.

Кейин Машраб Бухорога келади. Бу ерда Машҳур эшон ва мулла Охунд Мавлоно Шариф ҳамда Бухоро хони Убайдуллахон (вафоти 1717) билан кўришади. Бухорода бир кун халқ орасида «Қўлим Худо, ўзим Муҳаммад» дегани учун уни оловда ёндиришмоқчи бўладилар. У оловда куймайди, олов ичидан чиқиб, Балх томонга отланади. Йўл-йўлакай Қабалиёнда тўхтади ва бу ерда ўша даврнинг яна бир машҳур сўфий шоири Сўфий Аллоб билан учрашади.

«Қисса»да келтирилишича, авлиё Офоқ Хожа Машрабни Балхта Маҳмудбий Отолиқ томонидан дорга осилишини олдиндан айтиб, башорат қилган. Шоир ўз шеърларида ҳам бу ҳақда олдиндан ёзган. Шунга қарамай у Қабалиёдан Балхга жўнайди. Маҳмудбий Отолиқ Машрабни даҳрийликда айблаб, дорга осибга фармон беради. Бу ҳижрий 1123 (милодий 1711) йили содир бўлган. Шоир Балх яқинида Ишканмиш деган жойга дафн этилган. «Мажмуаи Абдулмутталиф Фаҳмий»да кўрсатилишича, Машраб Қундуз шаҳрида дорга осилган. Уч кундан кейин Маҳмудбий ҳам том остида қолиб, ҳалок бўлади. Қизиги шуки, машҳур сўфий Мансур Халложни «Анал Ҳақ» дегани учун 922 йили Бағдодда аввал оёқ-қўлини кесиб, кейин қатл этишган. Машраб ҳам Мансур каби дорга осилишини Офоқ Хожа башорати билан билган:

Мансур Халлождек ичиб шароби ан—тахур,
Чарх уриб йиғлаб турурман ушбу дам дор олдида.

Машраб — зуллисонайн, яъни ўзбек ва форсий тилларида самарали ижод этган истезодли шоир. У шеърятнинг ҳамма шаклларида қалам тебратди. Шоир тириклик даврида ўз шеърларини тўплаб, девон шаклига келтиролмади. Бу ишни унинг бирорта яқин кишиси ҳам амалга оширмаган. Унинг шеърлари

«Қиссаи Машраб»да, шоир вафотидан кейин асосан XVIII—XIX асрларда тузилган мажмуалар, таъкира ва баёзларда тарқоқ ҳолда бизгача етиб келган. Котиблар томонидан турли даврларда қўчирилган Машраб шеърларида чалкашликлар, хателарга йўл қўйилган, шоир асарларининг танқидий матнини тайёрлаш ва тўла девонини тузиш ҳали амалга оширилгани йўқ.

Машраб ҳаёти ва ижодини илмий асосда ўрганиш XX аср бошларида Туркистонга келиб ишлаган рус шарқшунос олимлари томонидан бошлаб берилди. Юқорида тилга олганимиз Н. С. Ликошин мақоласи ва у тайёрлаган «Қиссаи Машраб»нинг русча таржимасидан кейин, В. А. Вяткин (1869—1932) ва А. Карцевларнинг Машраб ҳаёти ва ижодига оид мақолалари эълоҳ қилинди¹⁰.

«Қиссаи Машраб»нинг Н. С. Ликошин тайёрлаган русча таржимаси сўз боши ва илмий изоҳлар билан таъминланган. Бу таржима ҳамда В. А. Вяткин ва А. Карцевлар мақолалари рус шарқшунослари ва китобхонларини биринчи марта Машраб ҳаёти ва ижоди билан таништирди.

Урушдан кейин Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш борасида анча ишлар қилинди, рисола ва мақолалар chop этилди. П. Шамсиев, А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, М. Зокиров, В. Абдуллаев, З. Ризаев, Ш. Зунунов, Ж. Юсупов ва бошқаларнинг илмий ишлари таҳсинга сазовордир.¹¹ Ҳ. Гулом ўзининг Машраб ҳақидаги қисса-ривоятини chop этди, 1991 йил 6-сонда илк бор «Қиссаи Машраб» ҳозирги ўзбек имлосида нашр этилди. Уни шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний нашрга тайёрлаган. 1992 йил эса шоир газаллари алоҳида китоб шаклида тўла нашр этилди.

Шуни эътироф этишимиз керакки, Совет даврида Машраб ижодига адабиётда синфийлик ва социалистик реализм асосида бутунлай нотўғри ёндошилди. Унинг ижодига Аҳмад Ясавий, Сўфий Аллоҳёрлар қатори қараб, уни гоҳ сўфий шоир, асарлари диний-тасаввуф асосида ёзилган, ўрганишга арзимайди, халқ онгини захарлайди, деган фикрлар асосида шоир ижодини ўрганишдан чўчиб, унга ҳаққона, илмий ёндошилмади. Гоҳ эса Машраб даҳрий шоир, ўз асарларида дин ақидаларига қарши курашган, деб шоирнинг тасаввуф руҳида ёзилган шеърларини бутунлай нотўғри талқин қилинди.

Машраб ижодини тўғри ўрганиш, ҳаққоний, рўйрост, илмий асосда тадқиқ ва таҳлил қилиш ва ўзбек адабиётида унга буюк шоир сифатида ўз ўрнини бериш пайти энди келди.

10. В. А. Вяткин, Ферганский мистик Диванаи—Машраб. Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А. Э. Шмидта, Ташкент, 1923; А. Карцев, Жизнь и газели Машраба, Ж. «Литературный Узбекистан», книга вторая, Ташкент, 1937.

11. Улардан энг муҳимлари: Машраб. Танланган шеърлар. Нашрга тайёрловчилар П. Шамсиев, А. Ҳайитметов. Тошкент, 1958; Машраб. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров, Тошкент 1963, 1979, 1980; А. Абдуғафуров. Эрк ва озодлик куйчилари. Тошкент, 1980 (Бобораҳим Машрабга алоҳида боб ажратилган); Машраб. Девони, Нашрга тайёрловчи В. Раҳмонов ва К. Исмоилов. Тошкент, 1980; Бобораҳим Машраб. Мехрибоним қайдасан. Нашрга тайёрловчи Ж. Юсупов. Тошкент. 1990.

«Кимё» Машрабнинг «Мабдаи нур»дан¹² кейинги тасаввуфий, ахлоқий-тарбиявий, маснавий усулида ёзилган шеърин асари.

«Кимё» асли ювонча сўз бўлиб, мис, қалайи каби қиймати паст маъдан-жисмлари олтинга айлантириш тушунчасига эга. Фалсафий маънода қиммат-баҳо тош, иксер. Барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб фараз қилинган. Кимё илми ажойиб, ноёб, подир нарса. Тасаввуф тушунчасида гилу ғашдан ариган, сўфийликнинг ҳамма машаққатли йўлларидан ўтиб, тобланган, покланган инсон. Камолга эришган улуг зот — пирнинг назари, таъсири ҳам кимё. Фавқулодда таъсир кучига эга бўлган нарсалар: ишқ, ошиқлик, унинг азоб-дарига бардош бериш ҳам кимё:

Ишқ куйи тупроғи бир кимёдурким, эрур
Юз қуёш иксерича балким фузун қиймат анго (Навойи).

«Кимёи вужуд». — инсон вужудини ҳамма иллатлардан, гуноҳлардан покловчи, тозаловчи кимё. Алишер Навоий шундай деган:

Чу ҳиммат эрур кимёи вужуд —
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.

Мумтоз шойрларимиз айниқса, тасаввуф йўлидан борган Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Машраб, Сўфи Аллоҳёр кабилар шеърда кимё сўзи Аллоҳга яқинлашиш, унинг дийдорига мушарраф бўлиш учун тасаввуфнинг ҳамма машаққатли, оғир сулукларидан чидам-бардош билан ўтиб, нафси тамоман ўлдириб, дунё ҳирсу ҳавосидан воз кечиб, қалб ва руҳан покланиш, камолга етиш маъносига кенг қўлланган. Машҳур илоҳиётчи, фақиҳ, сўфий ва файласуф Абу Ҳомид ал-Ғазолийнинг (1058—1111) «Ихё улум ад-дин» («Дин илмини тирилтириш») ҳақидаги асарининг ўзбекча таржимасини «Кимёи саодат» деб аташган.

Тасаввуфнинг буюк намоёндаси Бобораҳим Машрабнинг «Кимё» китоби маснавий усулида, арузнинг ҳазаж мусаммани вазида ёзилган ва 24 кимё (боб) дан иборат. Кимёлар форс тилида «Кимёи аввал», «Кимёи дуввум» сарлавҳалари остида берилган. Ҳар бир бобда тасаввуфий ахлоққа оид бирор мавзу қисқа баён этилиб, кейин ўша мазмунда ҳикоятлар келтиради. Асарга жами 42 та ҳикоят киритилган. Ҳикоятларда қадимги авлиёлар, сўфийлар, саховатли, тақводор, ҳудожўй кишилар ҳақида ривоят қилинади. Айрим кимёларда эса иймонсиз, дийнатсиз, нопок, риёкор, фосиқ, мунофиқ ёлгончи, каззоб, ўғри, хасис, молпараст, мутаккабирлар ҳақида сўз юритилади. Ҳар бир кимё тугагач:

Бу сўзлар кимёи ҳар ажамдур,
Ажам улдурки, дойим аҳли ғамдур.
Агар огоҳ бўлай десанг Худодин,
Кўнгилни узма шундоғ кимёдин.

Ёки
Илоҳий, оқибат Маҳмуд қилгин,
Кетарда бандани хушнуд қилгин

каби мисралар такрорланади.

12. Бу асар ҳақида гўла маълумот олиш учун қаранг:

Бобораҳим Машраб. «Мабдаи нур». Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи доғи Исмагуллоҳ Абдуллоҳ, Тошкент, «Фан», 1994 йил.

Агар «Мабдаи нур» билан «Кимё»ни қиёс қилсак, ҳар икки асарда ифода қилинган гоя бир-биридан кам фарқ қилади. Комил инсонни тарбиялаш, инсон ҳаётидаги салбий яллатларни йўқотиш шоир жон кўйдириб қуйлаган асосий мавзу ва гоядир. Асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида аниқ фикр юритиш қийин. «Мабдаи нур» ва «Кимё» тадқиқотидан хулоса қилиб сўз юритсак, Машраб бу асарни «Мабдаи нур»дан кейин ёзган, унда ифода этолмаган баъзи гояларни «Кимё»да берган ва «Мабдаи нур»га киритолмаган ҳикояларни бу асарга киритган. «Кимё», чамаси, тугалланмаган китоб. Машраб кимёларни давом эттиришни кўзлаган, лекин улгуролмагандай кўринади.

Бизга маълумки, Машраб дунёдан тамом воз кечган, нафсини ўлдириб, ўзини ҳаммадан паст тутган, гуноҳкор, осий банд деб билган. Шоир шеърлари, ғазалларида, «Мабдаи нур»да кибрлик, ҳирсу ҳавога берилиш, молпарастликни қаттиқ қоралаган. Бу гоя «Кимё»да ҳам ўз аксини топган.

Ғурури илм чашми дилгадур мўй,
Зиёда мўйдиндур чашми бадрўй. (384-б.)¹³

(Илми билан ғуруланиб, кибрланиб кетиш юрак кўзи учун бир ортиқча тук—мўй, кўзнинг ҳунук бўлиши ундаги мўйларнинг кўнайиб кетишидандир).

Машраб шеърлятида дилозорлик, бировга азият бериш, кўнгилни оғритиш, ранжитишни қоралаш асосий мавзулардан бири бўлди. Бировнинг кўнгилни оғритиш иймон дарахтининг илдизини қирқиб ташлаш билан баробар, дейди шоир:

Топаи десанг чунин гавжи муайян,
Кишини кўнгилни оғритмагин сан.
Дедилар: бандалар кўнгилни бузмоқ
Иймонни нахлини беҳидин узмоқ. (436-б.)

Машраб бола тарбияси инсон учун энг масъулиятли, оғир иш эканини назарда тутар экан, ёмон хулқли, тарбиясиз фарзанд ота-она учун мусибат, у дарахтнинг ортиқча, ёмон шохи, ундан қутулиш ота-она учун оғир мусибат, чунки у дарахтнинг томир, юракда, уни кесиб ташлаш ниҳоятда қийин, дейди:

Дарахтни офатидур шоҳаи бад,
Кесар ул боғбон, боғдин қилдур рад.
Писар ноаҳл бўлди, бад дарахтдур,
Жигарда решаси, кесмоги сахтдур (446-б.)

Жамоатдан ажрамаслик, халқ билан бирга бўлиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ёрдам қўлини чўзиш, дўст — тотув яшаш, халқ ғамини ейиш мумтоз адабиётимиздаги инсоний гоялардан биридир. Машраб шеърлятидан кенг ўрин олган бу олижаноб гоя «Кимё»да ҳам ўз аксини топган.

Кишики жумладин барканда бўлди,
Жаҳон бандини узди, банда бўлди. (354-б.)

Лекин жамоат билан бирга яшаган инсон у жамоатдан ўзини баланд тутмаслиги керак, тавозелик, камтарлик, ўзининг паст тутиш инсоннинг олижаноб хислати, одамийлик белгиси:

¹³ Қавс ичидаги бетлар «Кимё»нинг 1906 йилги наشري бўйича берилляпти.

Қарамли баҳрга урмак керак даст,
Ўзиви жумладин билмак керак наст. (395-б.)

Мол-мулк, бойлик орқасидан қувиш, дунёпарастлик ҳаммавинг орзу-умиди дер экан, шоир диловарлар — жасур, баҳодир, донолар жаҳонда ранжу ғам, азоб-уқубатда эканлигини таъкидлайди:

Диловарлар жаҳондин топтилар ранж,
Ҳама халқини умиди топсалар ганж. (373-б.)

Машраб тасаввуфий шоир, унинг шеъриятида бу дунё ўткинчи, бевафо, унда яшаётганлар бир мурда бўлса, дунё уларни бир-бир ювиб, қабрга тиқувчи «мурдашуй» эканлигини мажозий иборалар билан ифодалайди:

Тамоми мурдадур халқи бу дунё,
Буларни мурдашуйидур бу дунё. (377-б.)

«КИМЁ»НИНГ ҚҮЛЁЗМА ВА БОСМА НУСХАЛАРИ.

«Кимё»нинг қўлёзмалари Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида кўплаб сақланмоқда. Фақат ЎзФА Шарқшунослик институтида унинг олти нусхаси мавжуд. (Рақамлари: 3985/V, 8373/II, 9968/III, 3373, 3386/III, 9082). Бундан XIX ва XX аср бошларида турли хаттотлар томонидан турли жойларда кўчирилган қўлёзмалардир. Улардан энг аввалгиси 1274 (1857-1858) йили кўчирилган 3985 рақамли қўлёзмадир.

«Кимё»нинг кўрсатилган ҳамма нусхалари «Мабдаи нуր» билан бирга кўчирилган. Ушбу наشرни тайёрлашда Шарқшунослик институтида сақланаётган иккита тўла ва яхши кўчирилган нусхадан фойдаландик.

I. 9082 рақам билан сақланаётган нусха. Қўқон қоғозига қора сиёҳ билан настаълик хатида кўчирилган. Ҳар саҳифага 32-34 мисра жойлаштирилган бўлиб, 16-17 мисрадан икки қатор қилиб ёзилган. Қўлёзманинг аввалида «Мабдаи нуր» асари (16—235а варақлар) берилган. «Кимё» 61 варақ (135—294а). «Кимё» сўзи ва рақамларини (кимёйи якум, кимёйи дуввум каби) ёзиш учун бўш жойлар қолдириб кетилган. Ҳаммаси бўлиб 16 та кимё берилган. Кейин босма нусхаси йўқ бир ҳикоя (194б—197а варақлар) берилган. Охирида Машрабнинг 12 та ғазали, 11 та мухаммаси ва учта мусаддаси берилган. (297б—318б). Ғазаллардан тўрттаси, мухаммаслардан 9 таси ва ҳар уччала мусаддас Машрабнинг аввалги тўннамлари ва энг охириги тўнлами «Меҳрибоним, қайдасан»да йўқ. Қўлёзма қалин қоғоз муқовада. 1288/1871 йили номаълум хаттот томонидан кўчирилган. «Кимё» қисмининг аввали:

Эсиз умрувғки, оламдин фанодур,
Вафодорим дема, дунё балодур.

Охири 16-кимёнинг қуйидаги байти билан тугайди (294а-варақ):

Агар сад марта айтсам гўши қарсан,
Дилингда маъни йўқ, қардан батарсан.

2. 3985 рақамли қўлёзмада кимёлар сони 25 та. Бир қанча боблари (кимёлар) тошбосма бобларига тўғри келмайди. «Кимё» 90 варақ (342б—432а).

«Кимё» сўзи ва тартиб рақамлари (кимёйи аввал, кимёйи дуввум кабилар) қизил сиёҳ билан ёзилган. Қалин Қўқон қоғозига настаълиқ билан ҳар саҳифага икки қатор қилиб 15 қатордан (30 қатор) жойлаштирилган. Саҳифадаги ҳар икки қатор атрофи икки йўл (қора ва қизил рангли) рамка билан ўралган.

Қўлёзмада «Кимё»дан кейин яна форс ва ўзбек тилларида бошқа шеърый дикоятлар берилган. Қўлёзма охиридан бир—икки варақ йўқолган бўлиши керак, чунки охирида тугалланмаган форсча шеър бор. Шунинг учун котиб номи ва кўчирилган йили маълум эмас. «Кимё»нинг бошланиши:

Эсиз умрумки, оламдин фанодур,
Вафодорим дема, дунё балодур.

Охири:

Бу сўзни айдилар султони иқбол,
«Қўлингдин келса, ҳар кимдин дуо ол».

Хозиргача бизга «Кимё»нинг «Мабдаи нур» билан бир жилдда етти марта тошбосмада нашр этилгани маълум. Бу нашрлар нусхалари ЎзФА шарқшунослик институти, Қўлёзмалар институти, бошқа диёр ва шаҳарлар кутубхоналарида ҳамда ил шахсий кишилар қўлида сақланмоқда, уларнинг ҳаммаси битта қўлёзма асосида қайта-қайта босилган. Кимёлар сони 22 та:

1. Мулло Абдулҳожи ибн Асадуллоҳ хожи Тошкандий эҳтимоми билан Тошкентда босилган нусха. Охирида нашр йили кўрсатилмаган, лекин цензура 1898 йили рухсат берган. Аввал «Мабдаи нур» (2-340-бетлар), кейин «Кимё» (340-448-бетлар) берилган.

2. Мир Увайсхоҳ ибн Мир Тоҳиршоҳ Намангоний эҳтимоми билан 1316 йил зулҳижжа ойи (1899 йил апрель)да чоп этилган. 448 бет (339 бет «Мабдаи нур», 109-бет «Кимё»).

3. Ширкати хайрияи жаид эҳтимоми билан 1319 (1901 милодий) йили Тошкентда чоп этилган. 458 бет («Мабдаи нур» 1-349-бетлар, «Кимё» 359-458—бетлар).

4. Шоший домла Еқубхожа эшон Подшоҳхожа эшон ўғиллари эҳтимоми саъий ила Сирожуддин маҳдум шоғирди Муҳаммадшоҳ Мурод қалами ила кўчирилган нусхадан 1901 йили Тошкентда чоп этилган. 462-бет. «Мабдаи нур» 349-бет (2-349), «Кимё» 112-бет (350-462).

5. Мулло Юсубжон ибн Зокиржон кўчирган нусха асосида 1324 (1906 милодий) йили Тошкентда О. А. Порпев матбаасида босилган. 462 бет («Мабдаи нур» — 349 (2-349), «Кимё» 92-бет (350—442)).

6. 1331 йил рабиъ ал-аввал (1913 йил феврал). Бухоро (Когон)да босилган. 448 бет («Мабдаи нур» 334 бет (2-334), «Кимё» 114-бет (335-442)). Бу юқорида айтганимиздек, Абдурауф Фитрат эслатган ва у фойдаланган нусха. Фитрат чоп этилган йилини 1912 деб нотўғри кўрсатган.

7. Сиддиқ Хожи Хўжандий эҳтимоми билан 1319 йил сафар ойи (1901 йил июнь) Истамбулда Маҳмудбек матбаасида босилган. 448-бет. «Мабдаи нур» — 339, «Кимё» 108 бет (340-448-бетлар).

«Кимё»нинг ушбу нусхасини тайёрлашда унинг 1324 (1906) йил нашридан фойдаландик. Уни юқорида тавсифлаганимиз иккита қўлёзма билан солиштириб чиқдик ва айрим фарқларни бет охирида юлдузчалар қўйиб кўрсатиб кетдик.

«Кимё» асари ҳозиргача илмий ўрганилмаган ва октябрь тўнтарилишидан кейин нашр қилинмаган. Диний-мистик асар тамғаси билан қараб суриб ташланган ва олимлар диққатидан четда қолиб кетган.

Абдурауф Фитратнинг «Машраб» номли мақоласида «Кимё» ҳақида шундай дейилган: «Бухорода босилган» «Мабдаи нурнинг охирида «Кимё» исми бир китоб.

бор. Аруздаги «ҳажаз» баҳрининг (мафойилун, мафойилун, фаъулун) вазнида ёзилган турли ахлоқий ҳикоялардан иборатдир. Асарни босирган китобчининг сўзига қўра бу ҳам Машрабнинг асаридир. Бу асар услуб ёғида «Мабдаи нур»дан айирмайду. Лекин буниг ҳам ҳақиқатан Машраб томонидан ёзилиб ёзилмаганига оид қониқарли бир ишорат ва қайдга учрай олганимизни эътироф қиламиз¹⁴.

Шу мақоладан кейин Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида бирор бир илмий мақола ёзилмади. А. Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти» (Тошкент, 1980, 143-бет) китобида: «Адабиётшуносликда яқин йилларга қадар «Девонаи Машраб», «Мабдаи нур» ва «Кимё»—уч асар Бобораҳим Машрабга нисбат берилар эди. Олимларимизнинг тадқиқотлари «Мабдаи нур» номли мистик асарнинг Бобораҳим Машрабга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатди. «Кимё» асарининг Машрабга тааллуқли эмаслиги ҳозиргача аниқланган эмас»,—дейди.¹⁵

Э. Р. Мусурмонов ҳимоя қилган «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини» номзодлик диссертациясида (Самарқанд, 1995 йил) ҳам «Кимё» ҳақида сўз юритилмаган.

«Кимё»даги тасаввуфий, тарбиявий-ахлоқий ғояларни, унинг услуби, мазмуни, тил хусусиятларини таҳлил қилсак, бу асар Машрабнинг қаламига мансуб эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди. Қўлёзма ва босма нусхаларда «Мабдаи нур» ва «Кимё» Бобораҳим Машраб асарлари сифатида ёнма-ён берилиши, айниқса «Кимё»да берилган қуйидаги байт асар Машрабники эканлигини тўла тасдиқлайди. XVII—XVIII аср адабий ва тарихий ёдгорликларида ўзбек тилида «Мабдаи нур» ёки «Кимё» асарларини ёзган бошқа бирорта Машраб исмли шоир яшагани маълум эмас.

Кел, эй Машраб, муаллимдин гапургин,
Ўшал донанда олимдин гапургин.¹⁶

Шундай қилиб, «Кимё»да Бобораҳим Машраб инсон ҳаётидаги салбий иллатларни қоралаш, танқид қилиш билан, улардан қутулиш, покланиш, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳийлик каби инсоний хислатларни тараннум этди.

«КИМЁ»НИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Машраб тили XVII аср мумтоз ўзбек адабиётига хос турк—ўзбек содда, тақаллуфсиз, халққа яқин шаҳарликлар услубидаги адабий тилдир. Бу мумтоз адабиётимиз анъаналаридаги умумий хусусиятдир. Ҳозирги замон китобхони учун бошқа мумтоз шоирларимиз каби Машраб асарларини тушуниш ҳам анча мушкул. «Кимё»да учрайдиган Машраб шеъриятига хос айрим тил хусусиятлари ҳақида қисқа тўхтаб ўтамиз.

1. «Дур» («дир») қўшимчасининг «р» сиз «ду» шаклида ишлатилиши (350, 351, 353, 357, 359, 381, 386 ва бошқа бетлар).

Бу йўлда маркабим ланг, йўл хавотир,
Ибодат манда йўқ ажзимду зоҳир (350-б.)

2. «Шояд» сўзи баъзи ўривларда «шод» шаклида қўлланган (352, 373, 396, 443-бетлар):

14. «Илмий фикр» журнали, 1990 йил, 1-сон, 47-57-бетлар. Бу мақола Б. Дўстқороев томонидан қисқа сўз боши билан «Еш ленинчи» рўзномасининг 1991 йил 2 июнь, 23 июль сонларида нашр этилди.

15. Ғафур Ғуломнинг «Қизил Ўзбекистон»да босилган юқорида кўрсатганимиз «Икки Машраб» мақоласига ишора.

16. «Кимё», мати, 447-бет, ушбу китоб, 58-бет.

Тириксан, сайъ қил, ўлтирма беғам,
Топилгай шод бу дардинга марҳам (373-б.)

3. Ўрин — пайт келишиги қўшимчаси «да» ўрнида «га» ишлатилиши (352, 385, 386 ва бошқа бетлар);

Санга дард бўлмаса, дил пурхатардур,
Каломуллоҳ ўқусанг беасардур (372-бет).

4. Чиқиш келишиги «дан» ҳамма жойда «дин».
5. Биринчи шахс кишилиқ олмоши «мен» ҳамда жойда «ман».
6. Ҳамма мумтоз шоирлар ижодига хос нарса қаратқич келишиги қўшимчаси «нинг» доим «ни» шаклида қўлланган.
7. «Бундоқ» кўрсатиш олмоши ҳамма ўринда «мундоқ» ёзилган.
8. «Эмасман» сўзи «эмамдур» шаклида келади.
9. Қофия тақозоси билан қуйидаги ҳолларни учратиш мумкин:
 - 1) «Ҳ»нинг «О»га кофияланиши (351, 431-б.).

Аминуддин ани туш кўрди ногоҳ,
Пирини кўрди фирдавс ичра аъло (351-б.).

2) «Дўзах» сўзи «дўзахт» шаклида келган.

3) Жўналиш келишиги қўшимчаси «га» кўп ўринларда «го» (манго, санго) шаклида келади. Агар қофия узун бўгин талаб қилса, шундай шаклда қолдирдик, бошқа ўринларда «га» ёзиб кетдик.

4) Арабча «ё» ҳарфи ҳозирги ўзбек имлосида гоҳ «и», «ий» ёзилса, гоҳ «е» шаклида келади. Шунинг учун байтнинг биринчи мисраси охирида биринчи мисрада «и», иккинчисида «е» ёки аксинча ёзилиш ҳоллари «Кимё»да жуда кўп учрайди.

5) Арабча «во» ҳарфи араб имлосида бир хил ёзилса, ҳозирги ўзбек имлосида «в», «у» ва «ў» ҳарфлари сифатида қўлланади. Шунинг учун мисра охирида «у» ва «ў» қофияланиш ҳоллари учрайди.

6) «К» ва «г» ҳарфлари араб ёзувида битта «к» билан ифодаланса, ҳам, ўрни билан «к» ва «г» ўқилаверади.

«Кимё»ни ўқишда араб ёзувидаги асарларни ҳозирги замон ўзбек имло-сига ағдаришда учрайдиган юқорида айтганимиз каби ҳолатларга билимдон ва зукко адабиётшунос ва ўқитувчиларимиз эътибор берадилар, деган умиддамиз.

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР ҲАҚИДА

Машраб араб, форс ва қадимги ўзбек тилларини, Ислом тарихи, Қуръон ва ҳадисларни, тасаввуф тарихини ниҳоятда чуқур билган ва улуғ мутасаввиф авлиёлар, сўфийлар ҳақидаги ривоятлардан тўла хабардор бўлган аллома эканлиги унинг шеърлари ва «Мабдаи нур», «Кимё» асарларидан яққол кўриниб турибди. Шоир Қуръон оятларини баъзан айнан ўзини араб тилида берса, баъзан қисман арабча, қисман ўзбек тилида, баъзан эса мисрага сингдириб, маъносини беради. Диний адабиётдан узлиб қолган ҳозирги китобхонлар учун бу оят ва ҳадислар маъносини тушуниш қийин, уларни тушунмай, чуқур англамай туриб, Машраб асарлари, шу жумладан «Кимё» маъносини англаш, Машраб мақсадларини тушувиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун изоҳларда Қуръон оятлари таржумаларини бериб, қавс ичида қайси сура сяти эканлигини кўрсатиб кетдик.

Ҳадислар таржимаси ҳам бериб кетилди. Асарда жуда кўп тарихий шахслар, машҳур мутасаввифлар, олимлар, ҳукмдорлар ва бошқа тоифа кишилар номи зикр қилиниб, улар ҳақида ибратли ривоятлар келтирилган.

Ҳозирги тилимизда истеъмождан чиқиб кетган, маъноси тушунарсиз арабча-форсча сўзларга лугатларда маъно бериб кетдик, тарихий шахслардан маълум бўлганларига изоҳлар бердик.

«Лугат ва изоҳлар»ни тузишда Порсо Шамсиев ва С. Иброҳимовлар тузган «Навоий асарлари лугати» (Тошкент, 1972 й.), М. А. Раффоровнинг «Персидско—русский словарь» (Москва, 1976 г.), Х. К. Барановнинг «Арабско—русский словарь» (Москва, 1985 г.), лугатларидан, араб, форс, тожик, ўзбек, ва рус тилларида тарихий, адабий ва тасаввуфий асарлардан ва қомуслардан фойдаландик. «Кимё» учун тузилган ушбу «Лугат ва изоҳлар» қадимий адабиётимиз ва тарихимиз ёдгорликларини ўқиб, ўрганувчилар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Асарнинг мен ва Тошкент вилоят Педагогика институти доцентлари, филология фанлари номзодлари Г. Ниёзов ва К. Аҳмедовлар билан биргаликда нашрга тайёрланиши бу институт ва Наманган Давлат университети уртасидаги илмий ҳамкорликнинг янқ намунасидир.

«Кимё»ни нашрга тайёрлашда айрим нуқсонларга йўл қўйилган бўлши табиий ҳол. Теран фикрли адабиётшунос олимларимиз ва зукко китобхонлар ўз мулоҳазаларини холисона изҳор этидилар деган умиддамыз.

Ҳожи Исмагуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор.

К И М Ё

КИМЕИИ АВВАЛ

Бисмиллоҳ-ир—рахмон-ир—рахим

Эсиз умрунги, оламдин фаводур,
Вафодорим дема, дунё балодур.
Бу ҳасрат хонадин чолок чиқсанг,
Бу йўлда пок келдинг, пок чиқсанг.
Ҳамани хавфи кетмадур ҳамиша,
Хазон келса, қуругай баргу реша.
Бу йўлда чобук собитқадам бўл,
Адам дарёсига кирдинг, адам бўл.

Ҳ И Қ О Я Т .

Деди бир сўфийга, эй олий ҳиммат,
Кетар вақтнингда қилмангми васият?
Ўшал гавси замон, ул сўфийи пок,
Кетар бўлди жаҳондин ул байдрок.
Хазорон жон фидойи хатми номинг,
Жаҳон муштоқи бир ширин каломинг.
Бу қолгонлар ҳама вобастаи ғам,
Тўқар руҳсрлардин ашки пурнам.
Жаҳон устодисан, яхши батамкин,
Буларни беҳбудига дафтар очгин.
Писар ҳарчанд баддур, бад камоли,
Падарни кўб эрур кўнгли кашоли.
На муҳтожика, қор осон эмасдур.
Кими осон бўлибдур, булҳавасдур.
Забон очти ўшал соҳиб хидоят:
Ман ўз қоримни қилмайман қифоят.
Бу йўлда марқабим танг, йўл хавотир,
Ибодат манда йўқ ажзимду зоҳир,
Шу ожизлик била ўлсам баяқбор,
Қабул айлаб, қарам қилгайму жаббор?
Ани зотини чун воҳид билинглар,
Бу йўлда тақия зотиға қилинглар.
Деманглар раҳбарим гавси замондур,
Пиримиз* лутфи манга соямондур.
Агар Ҳақ лутфи манда йўқту дастини,
Чунон сизлардин ҳам ожиз эрур пир*.
Муниингдек айди ул Гавси замони,
Муборак жисмидин зуд чиқти жони.
Ҳама мотамда бўлдилар ҳалоки,
Қилиб ул Гавси вақтни дафни хоки.
Аминуддин ани туш кўрди ноғоҳ,
Пирини кўрди Фиодавс ичра аъло.
Хазорон хулла кийғон қолибига,
Турубдур маст Кавсарни лабига.

Савол этти Аминуддин баяқбор.
«Нечук ўттунг хатардин Гавси мухтор?
На бўлди оқибат тоаткоринг?
Нечук сўрди сани ҳожатбароринг?»
Забон очти ўшал покиза кирдор:
«Амалдин холи эрдим ман гунаҳдор,
Сияҳ эрди тамоми рўзгорим,
Қабул қилди ишимни Қардгорим,
Оқорди мағфират дарёси даржўш,
Гуноҳлар бўлди хотирдин фаромуш.
Шу ожизлик манга асбоб бўлди,
Шаби тийра манга маҳтоб бўлди,
Қўлига файзи Аллоҳ ёр қилди,
Ениб айбимни ул саттор қилди.
Ки борсанг, эй Аминуддин баяқбор,
Салом айт, қавмга зинҳор-зинҳор.
Хулочи ёдидин айрилмасунлар,
Бу йўлни хавфини саҳл билмасунлар.
Ҳамиша бандага бордур зарурат,
Ҳама ҳақ дерлар ҳафтод ду миллат,
Бу йўл сар то қадам печу гириҳдур,
Киши билмас кудомин қавм беҳдур,
Бошинг аршга тегиб турганда ноғоҳ,
Ҳазар қил бўлмагайсан радди дарғоҳ.
Бу сўзларни санга айттим амонат,
Дуруст топширғини қилма хиёнат,
Мўсоли қофиру мўминки, Намруд,
Киши билмас ки мақбулу ки марруд,
Алардин англаб олди анча асрор,
Дили ноғаҳ бу кашфдин бўлди бедор.
Ҳама ёронларини айлади жамъ,
Ўзи ҳам ўртада ўлтурди чун шамъ,
Деди: ман Гавси ботамкинини кўрдум,
Ўшал жаннатга Нуриддини* кўрдум.
Кўрунли манга ул хуррам-нақуқор,
Салом айтти силарга Гавси асрор,
Деди, настрафталарни қори ғамдур,
Агар қон йиғласа, ҳар рўз қамдур,
Нафас чиқти, вале ўз жодасини,
Ҳама мастдур латинини боласини,
Ибодат бермагай бир дард учун ранг,
Эсиз умрунг амал қамлир лаҳад танг,
Жаҳон аяқомидин жоғи гирёми,
Киши сўзини излар вақти шоми,
Агар оқилдусан, беҳбудинини кеч,
Бу дунёни анёчу судидин кеч.

* Қ.: *пиримни.*

* *Гавсул Аъзамнинг оти Нуриддин эмас, Муҳйиддин.*

Сафар қаттиг ва роҳинг гарчи аршдур,
Қадам қунигики манзилгоҳинг аршдур.
Ҳама муштоқи сандур эртарағ ет,
Бу дев асооии булага қуниб кет.
Буларким, зийнат излар жисми хоки,
Турар маҳшарда ҳамчун кирми хоки,
Бу сузни билдилар уч юз мурид зор.
Чунон қолиб таҳи қилди баякбор.
Ҳамага тушти шундоғ оташи тез,
Булуб меҳрооб масжид жумла ҳунрез.
Ҳамага гавҳари мақеуд даркор,
Асардик нолаи Довуд даркор.
Санга дард бўлмаса, дил пурхатардур,
Каломуллоҳ ўқусанг, беасардур.
Жароҳатлик кўнгилга, эй мукаррам,
Еқар қуйгон сугун албатта марҳам.
Бўлай десанг бу йўлда гарқи анвор,
Жароҳатсиз табиб ахтарма зинҳор.
Бу сўзлар кимёи аҳли диндур,
Ки беғам бўлмагин, маҳшар яқиндур.
Хусусан кимёи дин баланддур,
Тамоми кимёлар мунда банддир.
Валеқ осон топиламас шамъи иймон,
Жадал қил нафени ўлдур, бўл мусулмон.
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
Кетарда байдани хушнуд қилгин.
Лабии нафси саркашдин паноҳ бер,
Бу муфлисларга, ё Раб, кимё бер.
Машоми жонии қил нурдин муаттар,
Баҳаққи оли, асҳоби паймбар.
Илоҳий, тийра қилма хотиримни.
Ки шайтон чашмига еткур тийримни.
Агар элтай десанг маҳшарга бир уй,
Дуогўй топ, дуогўй топ, дуогўй.

КИМЁИИ ДУЮМ.

Кетиб борур эди Суфёни Саврий,
Йўлига* учради соҳиб гурури.
Кўрунди шайхни қадди камони,
Таманно бирла сўрди: «Эй фалони!
Сўрайин сандин, эй гавси мукаррам,
Ешинг чуи бистдин ўтган йўқ, қадинг ҳам».
Деди, бошинга чун нашъу намо йўқ,
Сани бу тараз кўрмоғим раво йўқ.
Жавоб айди, ўшал покиза кирдор:
«Манга бир муршид эрди соҳиби кор.

Улар вақтида қилдим ман назора,
Дили эрди бу хавфдин пора-пора.
Чунон пуризириб эрди даруни,
Дилига жўш уриб селоби-хуни».
Савол эттим: ушал бирдин мани зор:
«Кел, эй ири муқаммал, не ҳолинг бор?»
Деди: «Кўб кавлама иймон хатардур,
Ки ҳар тоатники қилдим, зарардур.
Ман анга айтур эрдим рози мутлақ,
Ани чуи ронда қилди, охири Ҳақ.
Бу ҳасрат бирла охир чиқти жони,
Қулидин кетди ул шамъи иймони.
Ўшал кундин манга шул кун аламдур,
Шу боисдин қадим бисёр хамдур.
Ани кўрдим баланддин пастга туштум,
Шу даҳшат бирла нуқсон топти пуштум.
Баланддин тушса ҳар ким соғ қолмас,
Тошар иллат, дили боҳроқ қолмас.
Шу иллат бўлди охир садри оҳим,
Дуго қадимду маҳшарда гувоҳим.
Баробардур бу дард пиру жувонга,
Тирикдур жамла халқ шамъи иймонга.
Муборак сийнаси дарёйи уммон,
Шу дард бирла жаҳондин ўтди Суфён.
Ажаб, хўблукда доим шуҳрадурсан,
Ки ё гавҳар ва ё хармуҳрадурсан,
Бадунеки чу охир даргумонда
Бўлур маълум тарозуйи мезонда.
Амални ганижидин кўб бўлма навмед,
Сафар қилсанг, жадал қил мисли хуршед.
Дийдангдан хун тўқуб, бообрў кет,
Шафақдек чун кетарда сурхрў кет,
Саранимонинг бу йўлда талла хоки,
Ато қилгаймукин иймони ПОКИ?»
Дилингни холи қил хавфу хатардин,
Ўзинг ўлмай тузолигин бу касалдин.
Мушарраф айлагай хуршид жонга,
Етуштиргай сани ул бўстонга.
Бу йўлда ҳамчунон Суфёни вақт бўл,
Ҳамиша гарқайи бозори бахт бўл.
Қади хамлардадур бори ҳақиқат,
Егар наст ерга доим абри раҳмат.
Ўшандоғ баҳрига бўлсанг шиновар,
Тегар дастинга доим тоза гавҳар.
Дилинг мойил эмас рангин суҳанга,
Билур бош чирмагон сўнгра кафанга.
Ки сандин урса сар бир зикри тасбеҳ,
Яқин билгил Сулаймон тахтидин беҳ.
Башарти мунда хос-ул-хос келсанг,
Бу йўлда соҳиби ихлос келсанг.
Ҳама ардишадин дилни унутсанг,

* Қ.: аларга

** Байт қўллэмбадан олинди.

Кўзунг очсанг, ўшал одамни кўрсанг.
 Чунон деди ўшал покиза устод:
 «Киши зиндондаду ҳаргиз эмас шод.
 Жаҳон зиндонду, мўминга саройи,
 Яқин билгилки, кофирларни жойи.
 Киши зиндонга ҳеч беғам юрарму?
 Иймонлик қул чу бегомат юрарму?
 Талаблик халқнинг такрори кўбдур.
 Бу йўлни нуридин ҳам нори кўбдур.
 Пароканда кишини жойи дўзахт.
 Ки элтмасдур жаҳон айвонидин рахт.
 Хамиша ахтарур беғамни солик.
 Хатарлик йўлга* бўлма бемувфиқ.
 Мусофирсан, мусофирвор юргин,
 Бу мастлик тарқамай хушёр юргин.
 Хазорон мастни хушёр этарлар.
 Бу йўлда хобгоҳин нор этарлар.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Мунаввар қил чароғи жонимизни.
 Ўзинг рост айлагин иймонимизни.
 Агар минг марта айтсам ёрчи қарсан,
 Дилинг огоҳ эмас, қардан батарсан.
 Чароғи жон керак мезанчи хушнуд.
 Ани равшанлиги чун мисли ноҳид.
 Азиялар кетти, огоҳи сафар бўл.
 Бу йўлни акбарлар* беҳабар бўл.
 Қадим кўйсанг юсума бечароғи.
 Ки ё бир раҳнамо топ акли соғи.
 Йиқилгон сўнгра қўймоғинг маҳоли.
 Ки бордур шамъи иймончи заволи.

КИМЁИ САВВУМ.

Сафар вақтида ул Довуд тойи.
 Тетиб бир горига оғи ду пойи.
 Ки прғиб чикти андин қаллаи хушк.
 Машоми шайхга андин тегиб мушк.
 Ниҳон айлаб али хусни Илоҳий,
 Бу манзил шерамарчи хобгоҳи.
 Тушти самъига андин бир овоз.
 Ўшал гўрдин экан бу англади роз.
 Печл: «Охиста юр, ай шайхи мухтор.
 Сафарда мард бўлмасми хабарвор?
 Ки минг йўл Касбага торки бу бошим.
 Оқиб чун отминг уч йил кўла биним.
 Ўнгирма икки лок гавси мукамал.

* Қ. дилга

* Асли «саҳаб», сазм тақозоси билан «ақба» ёзиляпти.

Хама манди тошибдур руҳи манзал.
 Кўрунг ул қудрати рози Илоҳий,
 Манингдек мард бўлди тахти пойи.
 Агар аъмо мани босса ғамим йўқ,
 Чунон дилгир эмасдур мотамим йўқ.
 Қадронлар ўз ақлин хор этарлар,
 Билиб Мансурни бардор этарлар.
 Қоронгу бости халқни, ваҳми доим,
 Писар мунда надар ўлдурса дозим.
 Санингдек шайх вақтдин бу ажабдур,
 Бу йўлда юрмоғин тарки адабдур,
 Бу ерда мунтазирдур неча мўре,
 Ки ҳар бир мўрни кўнглига шўре.
 Мабодо кўрқаман бир оҳ тортгай,
 Жаҳонни бориини кўнглига ортгай».

Бу сўзни эшитиб ул шайх автод,
 Бошига ҳокларни қилди барбод.
 Деди: «Шармандаи ду кун эканман,
 Ханузам бўлса ман Фиръави эканман.
 Жаҳонга ўротибман рози иймон.
 Хануз нафсимни қилмабман мусулмон».

Бошини қўйди қабристонга ул дам,
 Тўқуб чандон анидек дийданди нам.
 Ки то уч кунгача урли бошини,
 Кўзидин хун била тўқди ёшини.
 Машаққат бирла мақбул бўлди оҳи.
 Ки ғайбдин афв қилди Ҳақ гуноҳи.
 Нидон айлади Ҳақдин муайн.
 Кўтар бошингники, бандам дедим Ман.
 Ўшандоғ шайхга бўлди лағзичи пой,
 Бизингдек осийларнинг холига вой.
 Чунон марг олдида кўп беҳабармиз,
 Ки умр ўтди, бу йўлда беасармиз.
 Сақол оқарди, тиш тушти бағоят,
 Хануз кўнгида йўқ ваҳми қиёмат,
 Азизи умр бесарошта ўтти.
 Жаҳондин турмайин орифки ўтти.
 Ки боқий қолмади марди дурандеш,
 Мағасдин ўзга ҳаргиз қолмади пеш,
 Хама овора саргардон бўлди.
 Бу йўлда жони халқ гумном бўлди.
 Ажаб расмики, хилватгоҳи даврон,
 Бу йўлда нон талабла ул берур нон.
 Ғарз қилгайки, яъни бир намули,
 Лимоғи халқдин тортгай чу лўли.
 Назарда чун сани кўре қилибман,
 Тарадуд қил, сазовори жаҳимсан.
 Етимлик ўрган аввал Мустафодин,
 Жадал қилгин, қудуқ қолма дуодин.
 Кимпки, даст уриб навмид келди,
 Ўшал хуффон беҳуршид келди.

Тамом олди борини мулкени дев,
Зуд огаҳ бўлмади ул мардга лев,
Кўлидин кетди асбоб-гарозу,
Лаъин қилди сани мағрур—бозу.

Х И К О Я Т.

Сулаймон Абу Дороний ногох,
Ирода қилди ҳаж йўлига танҳо.
Ҳама айдики: султон тариқат,
На учун сизга айлолук рафоқат.
Яқин билгинки, танҳо гард-ғамдур.
Рафиқсиз бўлди хуршедам адамдур.
Забон очти ўшандоғ қутби иршод,
Топингиз бир рафиқи ғамдин озод.
Рафиқ изларсан, эй аммораларни,
Жаҳонни мулкидин ўзгон* ҳаёли.
Тараддуд эттилар халқи баробар,
Ўшал орифга ҳамроҳ тошмадилар.
Йиғилди саксон уч лак кас баякбор,
У халқдин топмади бир марди диндор.
Жўнай берди ўшал марди накукор,
Дилига мавж уриб дарёи асрок.
Урор рди дилида рози Ҳақ жўш,
Йўлиқти йўл уза марди намадпўш.
Деги: Дороний, душвор қилдинг.
Бу йўлда розлар изҳор қилдинг.
Йиғибсан саксон уч лак кас баякбор,
Тараддуд айладинг бир марди диндор.
Ўзи мўъмин ҳамани мўъмини дер,
Ҳазар қилгайки, ким рубоу ким шер.
Забон пўшида қилгин очмагин лаб,
Узоғдур вақт йўл юрмоғда матлаб.
Ҳазорон шерлар бу водийда гум,
Ҳамани-коридур зору тазаллум.
Ривож кор бўлди илми ғайби,
Ҳунардин қўбду ҳар махлуқни айби.
Нафас чиққунча охи керак боз,
Чу хас сув устига бўлмасту мумтоз.
Ани айтгонлари тавфир қилди,
Ўшал рамъни Абу Дороний билди.
Деги: «Сан қайси гулни булбулисан?
Магар Ҳақни азиз этган қулисан?
Ки зоҳир суратинг марди намадпўш,
дилинг чун зикри Раббонига даржўш.
Табассум қилди Хизри вақт эдилар,
Анга ҳазле қилиб мундоғ дедилар:
Евингга турганигни тонимайсан,
Нечук дерсан мани чашмимду равшан?
Танисанг Хизрман устози Мусо,

Башорат берди манга Ҳақ таоло.
Абу Дорони, ёлғуздур, сафар қил,
Дилиндин ҳар қудуратни балар қил.
Дилига товлади монавди хуршид,
Ча учун бандаларни қилди навмид.
Эйёи руҳ тоатдин топиб вво,
Ҳанузам манга етмоғи узоғдур.
Ғанур ширкатни кўнглидин кўторсун,
Дуо излаб чу ҳар дарағга борсун.
Ҳазорон хослар бордур ба ихлос,
Аларни кўчасидур онқадар рос.
Тонай десанг азиз жони гиروми,
Бориб бир мардга бўлгин гуломи.
Талабда соҳиби иршод қилгай.
Бу мотамдин сани озод қилгай».
Хизр* маърифати розини билди,
Обёига қўйиб бош, тавба қилди.
Ўшандоғ шайхи асрори ҳақиқат,
Дилига ҳамчунон йўл топти ширкат.
На шайхлик мунда кор омад, на мулло,
На шогирд мунда мақбулу на устод.
Агар афв айласа лутфи амиқи,
Мажозийлар бўлур охир қилқий.
Зарардур коридин ориф ғанурмоғ,
На лозим аҳли зиндонга дам урмоғ.
Жаҳон зиндонду ҳардам садди роҳинг,
Бу зиндон хонага қўбтур гуноҳинг.
Ўшандоғ анбиёлар турмадилар,
Бу дунёда дами хуш урмадилар.
Чунон шоди тилайсан, аҳмақисан,
Саъидлар гардига етмай шақийсан.
Сан учун Мустафо мотамда бўлди,
Давомат — «уммати» деб ғамда бўлди.
Нечук умматдусан исёнга жусти,
Чунон Ҳақ корига бисёр сусти.
Азоби ду жаҳондур дарбарингга,
Сан ўлгондин сўғун мотам сарингга.
Ўзини билмаган қўб беҳабар мард,
У дунё офатидин тортмаган дард.
Қилур кўнглига шайтон макри бисёр,
Фалонни наслисан, эй соҳиби кор.
Яқин бил асли ул соҳиб валоят,
Ул ўз қавмини ҳам айлар шафоят.
Паямбар қавмисан қўб ғамда бўлма,
Мухаммад ҳомийдур, мотамда бўлма.
Биров деса югуртур асби тозий,
Ўку сан, то тирик беш вақт намози.
Улила қўрқутурлар, норасида,
Жаҳондин ҳам келибдур саркафида.
Шу иллат бирла ғарқоб этти охир,
Мадоринг кетти, бўлдунг охири пир.

* Б. ўзга.

Улар вақтида солғай хотирига,
 Киши огоҳ эмас шундоғ сорига.
 Дариго, нақд умр барбод кетти,
 Риёлик тоатинг чун бод кетти.
 Муҳалло танг солур бошинга гавго,
 Ўтуб бозор, хатми бўлди савдо.
 Адо бўлдинг қўлингдин нақд анжом,
 Еди бошингни охир шўри айём.
 Насимдин баҳрасиз афтода қолдинг,
 Халал топти дилинг, бобода қолдинг.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Бетарда бандани хушнуд қилгин.
 Чароғи жонимизни айла равшан,
 На гулшан* гулимиз мунда, на гулхан.
 У ерда йиртмагайсан пардаминни,
 Бу йўлда қолиби афсурдамизни.
 Кўнгилда маърифатни роҳи бергин,
 Абу Доронийдек огоҳи бергин.
 Бу сўзлар кимёни ҳар ажамдур,
 Ажам улдулки, доим аҳли гамдур.
 Агар огоҳ бўлай десанг Худодия,
 Кўнгилни узма шундоғ кимёлинг.
 Хусусан кимёи дин баланддур,
 Тамоми кимёлар анга банддур.
 Муҳаббат йўлида бўлгин чароғи,
 Очилгай нури хуршедингни боғи.
 Ҳақиқат шулки, дурандиш бўлмақ.
 Ўзидан беҳабар дарвиш бўлмақ.
 Ҳазорон айтаман бир аҳли дард йўқ,
 Сафар қатъиду, йўл тай урса мард йўқ.

КИМЁИ ЧАҲОРУМ.

Эсиз умрунгни, саргардонлигинг бор,
 Бу боисдан сани хайронлигинг бор.
 Қўлунгдин кетса ганж соат-басоат,
 Дами қилмабсан умрингдин ҳаловат.
 Бошинга лангаре халқни гуноҳи,
 Гадосан, лек исминг подшоҳи.
 Бу йўлда баҳри исёнга ботибсан,
 Эсиз, динингни дунёга сотибсан.
 Зийнати дей-дей дилинг** шод этарсан.
 Ки ўқбо йўлини барбод этарсан.
 Шу олойиш билан кетсанг баякбор,
 Пишургай хомларни охири кор.
 Пишугайлар сани, кетмасда пишгин,
 Агар мардсан, баландинг пастга тушгин.
 Ким оқилдур баланддин жой олмас.
 Баланд ердин йиқилгон соғ қолмас.

* Қ: гулшанни.
 ** Б. дилингини.

Бор эрди мунъими чун моли бисёр,
 Ани қурқуттилар халқе баякбор.
 Шаҳаншоҳ охтарур, топ деб, ганҷни,
 Қачон қайтиб берур шаҳ олганини?
 Ёшунгин халқдин санга зиёнду,
 Баяборики, шаҳ тутса, ёмондур.
 Ўзига маслаҳат қилди бу пандни,
 Минора устига чиқти баланди.
 Мави-охтармарғизлар чарх анжум,
 Хаям шоҳид бўлунглар ман ёшундум.
 Минора тахти эрди жойи бозор,
 Фаровон халқлар келди баякбор.
 Дили Ҳақ тарсиди кўб бўлди ношод,
 Ки ул: «Ман мунда йўқ»-деб қилди фарёд.
 Замона халқини сан ҳам чунон бил,
 Ушай мунъимчи сан анлешай қил.
 Фақирлики булар боиллат излар,
 Ниҳонсиз дийдаларга шухрат излар.
 Алаҳки бўлли гарқоби шу дупё,
 На Илёсу Хизр ул халқдин огоҳ.
 Тафаккур қилди, бўлсам деб сарафроз,
 Баланд ердин ўзини ташлади боз.
 Ёўлиб ифшо ҳама рози ниҳони,
 Бу йўлда майда бўлди устухони.
 Ҳиродар, кори дин осон эмастур,
 Чу осонликда чиққан жон эмастур,
 Магар лутфиға олғай Кардгори,
 Чунон барқанда бўлгай дил ғубори.
 Ёўлуб жону қилинга нур муайян,
 Мутё бўлғай санга бу нафси душман.
 Агар минг марта қилсанг хатми Қуръон,
 Ки бенир бўлмагай нафсинг мусулмон.
 Хизр келди, бўлиб дастгир, ахтор,
 Қўзингни нури кетмай пир ахтор.
 Талабгори нафсе бўлгин бу соат,
 Яқин билгин қариб келди киёмат.
 Тўташти тушти одам, бўлли ахгар,
 Сани банд айлади бу кохи манзар.
 Қўлунгни тутгудек бир мунисинг йўқ,
 Бўлибсан гарқи гафлат номусинг йўқ.
 Агар мўъминду сан, афсус қилгин,
 Ўдук бўл, токи махшарат тирилгин.

Ҳ И К О Я Т.

Гузаргоҳи талабда Шайх Зуннун,
 Йўлукди анга бир марди жигархун.
 Деди: «Лабташнаман, эй қутби мухтор,
 Қарамлик тавбалди қилмангми саршор?
 Ҳамиш наваҳа бўлди қору борим,
 Қуруди сардарахти мевазорим.
 Қўзумни нури кетти равшани йўқ»

Мани боғи муродим равшани йўқ.
Балони доғидин кулфат олибман.
Шу савдодин галат йўлда қолибман.
На бўлгай тавба бирла шод қилсанг,
Бу Фиръавдин мани озод қилсанг».
Деди ориф анга: «Вақтинг утубдур,
Қўлингдин гайжи умринг зуд кетибдур.
Ривожни кор эрур вақти жавони,
Қаригон сўнг бўлур ранги хазони.
Хазон фаслида чун ҳеч гул очилмас.
Хама мотамдадур, ҳеч гунча кулмас.
Мани девонаидин юз ўғурди,
Бу мазлум дийдасидин хун оқузди.
Иймонни гавҳариға муштарийман,
Қадам қўйдумки, маргдин илгариман.
Дема уқбо йўли бисёр сахтдур,
Танимда ним нафас бор, ҳоли вақтдур.
Умидим булки, чиққай деб чу хуршид,*
Мани Ҳақ йўлида қўб қилма навмид».
Ўшал вақтики, кўрди раҳми келди,
Дуои сидқи дил Ҳаққиға келди,
Дили бўлди ани бадри мувири,
Худони лутфи бўлди дастгири.
Қилиб ҳар кунда уч юз тавба ул мард,
Ки ҳар соат зиёда бўлди ул дард.
Ҳама мақсуди изди бўлди пайдо,
Дилиға нури Ҳақ бўлди ҳувайдо.
Тамоми сўфийлар қилди маломат,
Деди, бир тавба солиққа зарураат.
Ким оқилдур малолни пир қилмас,
Пирини тавбадин дилгир қилмас.
Эшитдилар бу сўзни шайх Зуннуи,
Муборак дийдаси дарёйи Жайҳун.
Дедилар: «Кимки бўлса Ҳаққа толиб,
Кўмилгунча муридга тавба вожиб.
Агар минг йилда умринг бўлса боқий,
Дилингдин кетмагай сўзи, фиरोқи.
Ажалнинг салласидур гардинингга,
На заҳматлар келур ўлсанг сарингга.
Иморат дилга қил, зинҳор бузма,
Тириксан тавбадин дастингни узма.
Нафас чиққунча то гамлик танингдин.
Ҳазар қил, эй биродар, душманингдин.
Чароғи нури иймондур бу таълим,
Халилдек йўлида жон айла таслим.
Кўрунгу ул мардини ҳоли на бўлди,
Уч ҳафта ўтдию умри узилди.

*Б. гаҳ хуршид.

* Б. да йўқ.

** Б. борони

Авалдан пок эди жисмида жони.
Дуруст эрди, дуруст эрди иймони.
Агар мардсан, дами тарк этма зикрин.
Фаромуш айлама кетмоғни фикирин.
Тамошун жаҳондин бўлмадинг сер.
Кими гафлатга ботган сўнг борур, шер.
Худо қилса дилингни нуруни пок.
У вақт жаннат кўрингай дийдаи хок».

Ҳ И К О Я Т

Бор эрди ҳолати дармондаи қут,
Баякбори кўрунди анга тобут.
Дили бедор эди пурдард бўлди.
Ду олам хотиридин сард бўлди.
Рафиқ эрди гами ошу, гами нон,
Яқин келди гами марғу гами жон.
Дилини арши авзамдин Ҳақ очди,
Ҳама йиққонларини ерга сочди.
Сениб ер узра бир доман тилони,
Ки чандин гавҳари қиммат баҳони.
Забон очти: «Келинг, эй аҳли дунё,
Маҳад яхши манга, сизларга тилло».
Ҳама қўл солибон олди хурўше,
Бор эрди ўртада бир жаидапуше.
Улам қўл солди то олгай баякбор,
Қўлини ушлади ул марди хушёр.
Забон очтики: «Олам барча олди,
Гуноҳим нима,* дастим хушк қолди?»
Деди: «Эй мардаки соҳиб фаросат,
Раво кўрмам санга дунё—нажосат.
Сениб ман зарни халқ ичра солиб шўр,
Умид шулки, заҳар есун заҳархўр.
Дилинда бўлса доим Ҳақни номи,
Ўзатма қўлни, дунёдур ҳароми».
Асар қилди анга нури Илоҳий,
Жунундин бошидин тушти кулоҳи.
Қўлидин тўқди саксон уч тилони.
Паямбар бердилар шундоғ башорат,
Суҳан иймонни қулга яхши давлат.
Тамоми халқни хуроки заҳардур,
Еганда бирта мунда бохабардур.
Яқин билгилки, дунё уйи настдур,
Дурустлик излама, дойим шикастдур.
Ўшал мардеки, қилди тарки дунё,
Шу соат бўлди чилтонларга ҳамроҳ.
Ёғиб бошига дарёйи муҳаббат,
Худо бошқарди тобут бўлди жаннат.
Хазорон мурда кўмдинг ибратинг йўқ,
Худо йўлиға ҳаргиз рағбатинг йўқ.
Тутубдур толеинг қўб вожғуни,

Еқонгдин тутмади ишқни жунуви.
 Иноёти азалдин бўлмаса нур,
 Ки сан ўлгунича то дунёга ранжур.
 Дари давлат маҳалли дард келди,
 Кимики, дард тоғли фард келди.
 Хавойи нафс ила кўб бўлма машғул.
 Қўлингдин келса бир ҳамдам билд бўл.
 Асар қилғай дилингга шод дарди,
 Юқар марддин, эшит, мардига гарди.
 Рамузи дардин аҳли дилга айтгин,
 Зарарлик йўлга кирмай зуд қайтгин.

Ҳ И К О Я Т .

Ўлиб эрди бу ерда марди мурдор,
 Ўликни уйғотай деб, марди хушёр.
 Урунди чун танига неча сузан,
 Қиёмат субҳи бўлди қоҳил улжап.
 Ўтуб борур эди бир марди тақво,
 Деди: «На иш қилурсан марди доно.
 Сани қилгон ишинг кони хатодур,
 Ўликка игна санчоқ нораводур».
 Деди: «Билдимки мурда бўлмағай беҳ,
 Санингдек худпараст зоҳидга танбеҳ.
 Биродар сан раҳи аҳли сафо тут,
 Қадам ҳар ишга қуйгон сўнг, бажо тут.
 Раҳи тақлид бирлан бўлмағай кас,
 Улуғ дарёга кишти бўлмағай хас,
 Бу андеша билан ўткармагин рўз,
 Дилингни шўришича излагин сўз.
 Ки то гафлатди дил бедор бўлғай,
 Дилингга лутфи мавло ёр бўлғай».
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Етуштиргин қарамлик манзилимга,
 Ато қил раббим Аллоҳни тилимга.
 Хамиша равшан этгин шамъи ғаймон.
 Мусулмон қил, мусулмон қил, мусулмон.
 Бу сўзлар кимёйи аҳли тақво.
 Ки ҳар бир назмидин минг маъни пайдо.
 Башартики, бери бўлсанг ҳавасдин,
 Қўнғил қўзини соқла ҳору хасдин.
 Киши ҳамдард эрур жонига боқар,
 Мунофиқ ҳаққи бағрини чоқар.
 Агар элтсанг жаҳондин зарра нуре,
 Топилғай санга ул нурдин ҳузуре.
 Раҳи уқбони тут бекор кетма,
 Келибсан, тоҳир ўл, мурдор кетма.
 Кеча-кундуз улўғлардин дуо ол.
 Кетар вақти қўлуиңга кимё ол.
 Хусусан кимёйи дин баланддур,

Тамоми кимёлар бунга банддур.
 Иймоннинг зикри Ҳақдин шод бўлғай,
 Жаҳаннамдин танинг озов бўлғай.
 Қутулдунг ранжи бедард бедавонин,
 Дилинг чун бохабар бўлди Худонин.
 Тонай десанг қалиди хашт жаннат,
 Қаноат қил, қаноат қил, қаноат.

КИМЁИ ПАНЖУМ.

Авваддин қилмадинг сан шукри неъмат,
 Бошинга тушти савдоини қиёмат.
 Қўнғулди мулкини дев этти торож,
 Вагарна манзилинг чун эрди меърож.
 Бўдуб бедонишу воҳонда қолдинг.
 Сабаб бўлдурки, дарғаҳ ронда қолдинг.
 Бу андеша билан ўткармагин рўз,
 Дилингни шўришича излагин сўз.
 Ки то гафлатди дил бедор бўлғай,
 Дилингга лутфи мавло ёр бўлғай. . . .
 Умидинг бор эди вақт ўтқарибсан,
 Қулар охир ҳолингга дўсту душман.
 Киши сар манзилига хона қилди,
 Тузюлгон хонани вайрона қилди.
 Мулом беҳуда тортинг қони ранжини,
 Қўлуиңга олмадинг, вақт ўтти, ганжини.
 Машомингга етушмайду сани мушк,
 Ажаб лаб ташнасан дастинг сачи хушк.
 Саройинг бўлди чун охир хароби,
 Дилингга товламас ҳеч моҳтоби.
 Ғалат йўлга кириб бежо тушубсан,
 Бу дунё мулкига танҳо тушубсан,

Ҳ И К О Я Т .

Мудом қон йиғлар эрди шайх Яхъё,
 Савол этти у шайхдин марди доно,
 Деди: «Кўп йиғлама, жон беҳузурсан,
 Сабаб недурки, мундоқ беҳузурсан.
 Не боисдин дийдангдин тўкилур хун,
 Қўзингни ёшига рухсора гулгун?
 Бўлай десанг ҳақиқат ичра маъмур,
 Ўзунгни зоти бечунига топшур.»
 Забон очти ўшал дам шайх Яхъё:
 «Илоҳим йиғламоғдур, даст кўтоҳ.
 Эронлар чун камарни боғладилар,
 Бу йўлларда қизил қон йиғладилар.
 Амалдин ҳолимиз йўқ бизга дастгир,
 Ки шояд оҳи сарди қилса тавқир.
 Жаҳон зиндонини меҳмонидурмиз,
 Бу саркаш нафени саргардонидурмиз.
 Кеторда қўрқамиз вақти сафардин,
 На илмдин бохабармиз, на хазардин.

Ҳама донишларим барбод кетти.
 Қўлимдин вақд истеъдод кетти.
 Қолибдур Ҳақ йўлида нимжоним.
 Умидим бор, қабул этгай фиғоним.
 Кетар вақтимда манга йўқ васила,
 Тамоми қору борим бўлди ҳийла.
 Билолмаيمان бу бахти вожғунум,
 Фалакни чархи тўкди дилда хунум.
 Тиларман рўзў шаб алтоғи Ҳақни,
 Ҷи ўргатса шояд бу сабақни.
 Жасад Фиръавнига ҳаммолдурман.
 Чу вақтим танг, алифга ломдурман.
 Қўлимдин кетадур ганжи бизоат.
 Сира умрумда қилмабман ҳаловат.
 Фалакни маскани ҳайронидурман,
 Мусибат шаҳри ичра хонидурман,
 Қўй эмиди қўб урай ҳар ерда бошим,
 Тўқай хунобаи ҳасратли ёшим.
 Дилимни доғини ғам тоза қилди.
 Жафоу жабрини андоза қилди.
 Тамоми қору борим бўлди бози,
 Ҳамиша тоатим бўлди мажози.
 Мусофирман бошимга шўру мотам,
 Аламлик хотиримдур кишвари ғам.
 Қунига мардин топдим хабарни,
 Не зевари танурман мунда зарни.
 Саодат боғини каж тушти фолим.
 Қарибдур ҳол, умрумда заволим.
 Дами охирда савдои талабда,
 Абас қилдим ишимни рўзу шабда.
 Етушмай борадур гўшумга пайғом,
 Фалак бузди қилур вақти саранжом.
 Қаю меҳнатни солса Қардгорим,
 Маяга йўқтур инону ихтиёрим.
 Сафарда жон керак, чолок кетса,
 Киши ҳиммат била мақсудга етса.
 На ғайрат бору маида, ҳиммати қор.
 Мудом беҳуда топдим равжи бисёр.
 Жунунимдур бошимга кўҳи аъзам,
 Қаридим асли жаҳлим бўлмади кам
 Шў коҳиллик била кетсам баякбор,
 Ўйивилсам лўзах ичра сарнигўнсор.
 Мудом барбод кетти хом хиштим.
 На бўлгай охирида сарнавиштим.
 Жаҳон мулкни оташ порасиман,
 Тамоми халқни авворасиман.
 Чунон озор эрур мушти тилимга,
 Фалак оташни солди манзилимга.
 Шу оташдин димоғимдин чиқар луд,
 Бўлуб пурпеч бу йўлда будо нобуд.

Қулоқ тут қиссани буёд айлай,
 Ман ўтганларни ҳолин ёд айлай.
 Бу йўлда бир дилабтар аҳли таҳқиқ,
 Абзига бир аврат бўлди ошиқ.
 Ҳаёи шарм бошидин кўторди,
 Битиб кўз ёшидин иншо юборди.
 Етушти самъи Маҳмудга бу овоз,
 Буюрди ўлдуриглар деб ани боз.
 Келиб олдиға бир-икки маҳосил,
 Деди: «Тургинки, бизлар санга қотил,
 Буюрди бизни санга шоҳи мухтор,
 Сани қилмоқ керак бу йўлда сангсор.
 Тоқинг аспни думига мўйи сарни,
 Эшитинг шоҳи вақтдин бу хабарни».
 Бу сўздин бўлди ғамгину дилафгор:
 «Мани элтинг чу шоҳга ҳожатим бор».
 Кетурдилар ани шоҳ олдиға пеш,
 Кўзидин қон оқар эрди дили реш.
 Деди: «Эй шаҳриёри боадолат,
 Санга чун бир сўзум бордур омонат.
 Ки охири ўлдурурсан манга боққин,
 Сочимни сан ўзинг отинга тоққин.
 Ўзи топсуну ўлдурсун мани ҳам,
 Кишини маъшуқ ўлдурса, емас ғам.
 Бири шулдур ўзи кўмсур базинҳор,
 Бу эрди ҳожатим, эй шоҳи солор».
 Қилични солмадилар бўйни хамга,
 Ани топшурдилар аҳли ҳарамга.
 Аёл бирла қилиб ҳам суҳбати хўш,
 Дилидин сард бўлди нафси пурижўш.
 Баҳонажўй эди ҳамроз қилди,
 Ўзи ишқ бердию дамсоз қилди.
 У жондин кечтию жононга етти,
 Чу булбул бўлди ул, бўстонга етти.
 Бу йўлда булҳавас келдук йўв ҳиммат
 На марди-мард келдук, кўр, на аврат.
 Сабаб будурки, юз хуноба юттуқ,
 Бу боисдин раҳи мотамни туттуқ.
 Бу саргардонлигимга йиғлайин ман,
 Сафар қаттиғ камингоҳимга душман.
 Нафас тангу қўлум кўтаҳ, дилим танг,
 Урарман ҳар замони бошимга санг.
 Мудом ўлтурганим қони халалдур,
 Фиғоним хаста жонимга касалдур.
 Кўюнғ максални ман бешу кам излай
 Кўзумни нури кетмай марҳам излай.
 Қилэй фарёдо додиларни* лай бисёр,
 Умидим улки, афв этгайму жаббор.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,

* Б. додилай.

Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Мунаввар қил чароғи жонимизни.
 Бағишла афв этиб иймонимизни.
 Амалдин дилни бархурдор қилгин,
 Ўзунгни яхшиларга ёр қилгин.
 Бу сўзлар кимёйи ҳар ажамадур,
 Ки улким, банди собитқадамдур.
 Билур беморлар бемор қадрин,
 Ким ошиқдур, билур ул ёр қадрин.
 Ҳама андишани сомоқидур марг,
 Ахири умрини дармонидур марг.
 Жаҳон айвонидин бебаҳра кетма,
 Келурда лаъл келиб, хармуҳра кетма.
 Агар дунёда чун Исқандарисан,
 Ахир умрунгда боди сарсарисан.
 Чиқор бўлса танингни жони покнинг,
 На иллатлар кўрар гурбатли хокнинг.
 Агар элтай десанг маҳшарга бир уй,
 Дуоғу тоб, дуоғу тоб, дуо гўй.

КИМЁИ ШАШУМ.

Сафарда бўлмагин мундоғ парижон,
 Мусофирдур танингда бу азиз жон.
 Бу йўлда харж қилгин ғайратингни,
 Худо бергай камоли давлатингни.
 Юрусанг бир қадамда неча ғам қил,
 Зиёд эт тавбани, жаҳлингни кам қил.
 Муҳаббат йўлида собит қадам бўл,
 Бу ишқни баҳрига дурдек адам бўл.
 Юрусанг бетараддуд юрма зинҳор,
 Йўдунг устида минг бир аяқда бор.
 Мабодо кўрқаман ул виш ургаёй,
 Санга хубобаи захрлар ичиргаёй.
 Халалдин дилни пок этгин чу Нуъмон,
 Ҳама мушкул бу йўлга бўлгаёй осон.
 Саранжесинг топилгай ул замони,
 Очилгай санга асрори ниҳони.
 Дари раҳмат очилгай қолибинга,
 Етуштиргай бу химмат матлабинга.
 Чароғи жон мунаввар бўлгаёй ул дам,
 Келиб шоди, кетиб андишаю ғам.
 Дилингда товлагай иймонни нури,
 Топиб чун хар қадамда минг ҳузур.
 Килиб руҳинг Худо йўлига парвоз,
 Эшитгунг дам-балам ғайбдин бу овоз:
 Дилингни мулкидан кетти ғуборинг,
 Очилгон гунча бўлгаёй долазоринг.

* Б: ашробон

Тегиб ул дам машомингга насиме,
 Каромат айлагай дутфи карими.
 Кўнгул чун маърифат дарёсига ғарқ,
 Замину осмон бўлмаёй даме фарқ,
 Худодин роз эшитгунг мисли Мусо,
 Бўллуб қатранг бу йўлда дурри якто.
 Аламлик жон керак жононга етса,
 Ғадони охи чун султонга етса.
 Мудом холис қилиб юргин виятни,
 Қулуангин берма ганжи офиятни.
 Шу иҳлосинг била борсанг боякбор,
 Тонарсан мақсадингни охири кор.
 Бўллуб султонга маъдум сийна чокинг,
 Фалакни тешса охи дардинокинг.

ҲИКОЯТ.

Муҳаббат йўлида Султон Бистом,
 Барои ҳаж учун боғлоди эҳром.
 Қўяр эрди қадам соат-басоат,
 Оёғи йўл юруб, дилда ибодат.
 Ўн уч кунда еди бир луқмаи нон,
 Қиёмат хавфидин кўп дийда гирён.
 Қариби Қазбага етти шу автод,
 Дилига ҳажни қилди хар замон ёд.
 Диди: «Ё Раб, мани маҳжур қилма,
 Ҳамиша раҳматингдин дур қилма.
 Бу ҳажжимга гуноҳларни кечиргил,
 Шаробан* ан-тахуродин ичиргил.
 Қўлумга гавҳари дурри ятим бер,
 Машомимга муҳаббатдин насим бер.
 Дари раҳматни боз этгин юзумга,
 Дийдори бечунунг кўрсат кўзумга.
 Агар ҳар кимга лутфунг бўлса ҳамроҳ,
 Дили поки бўлур, минг Қазбатуллоҳ.
 Умид айлаб бу даргоҳга келибман,
 Сани воҳидлигингни бир билибман»
 Нидои келди, қўб қилма хуруши,
 Ман ул Холиқ эмам раҳмат фуруши
 Бу йўлда бандалик бўлса нишона,
 Кетурмоғинг надур ҳаж дар миёна.
 Амал шундоғ керак, эй хушёр,
 Мудом холис керак орифни кори.
 Ҳама қилгонларинг бу йўлда хасдур,
 Кўтар бошинг ҳажинг мақбул эмасдур.
 Бу даҳшатни эшитти шайхи Бистом,
 Йунунидан гусуста бўлди эҳром.
 Арақ рези бўлиб жисмида жонв,
 Туғулди ул замон кому забони.
 Дилини тиги Акбар хаста қилди,
 Ҳамадин хотири баржаста қилди.

Тўқуб кўздинки, ёш ўрнига ҳуши,
Олибон бошига шўри жунуни.
Тамом авзосини тутти бу мотам,
Кўрунди кўзига ҳафтум жаҳаннам.
Дилига рў бериб чандин хавоғир,
Мадина мулкидин зуд чиқти охир.
Баландга қичқирурди шоҳи мухтор,
Ҳажимни сотаман, борми харидор?
Ўн олти пайсага сотгум бу ҳажни,
Дилимга он қадар туттум харажни.
Деди халқ: Эғнида исён балоси,
Ўн олти пайса бўлса ҳаж баҳоси.
Муниингдек ҳажни ҳеч оқил олурму?
Балоу арду меҳнатга солурму?
Азиз қичқирди эллик икки бозор,
Ҳажига топмади содиқ харидор.
Шу навмеллик дилига қилди кори,
Гадодек йўлда турди интизори.
Бор эрди муъйме савдогари хуш,
Дили ҳаж боисидин кўп мушавваш.
Ўзига олмади қаттиғ харажни,
Ажаб арзон ганимат топти ҳажни.
Ўн олти пайса берди ҳажни олди,
Ҳама халқ қорига таҳсин қолди.
Бўлуб ул дамда хуррам шайх Вистом,
Муборак сийнасига йўқтур ором.
Қўюб хурсандидин бир неча пойи,
Фули хажга олиб бир шўрбое.
Саги бор эрди мотам бирла навзой,
Тамоми халқ анга бермас эди жой.
Қўюб саг олдиға ул шўрбони,
Ўшал шайх олди сагдин бир дуони.
Гурусна эрди саг, чун бўллубон сер,
Дилини очти ул мовандаи шер.
Дуо қилики: «Ё Раб, Боязидни,
Сан очгин аршга қалб-ул-мажидни.
Бу йўлда гўшна эрдим айлади сер,
Бу дурафтодани мақсудини бер».
Ажойиб охиратдин ғам едилар,
Дуо саг қилди, шайх омин дедилар.
Қабул бўлди ҳақиға саг дуоси,
Етушди Боязидни муддаоси.
Нидо келдики: «Жизвинг бўлди кулли,
Ҳақиға етти лак ҳаждур қабули.
Бу давлатхонага ким пок келди,
Худони амрига чолок келди.
Дилингда бўлмаса андуҳу мотам,
Тириклик савгадур мисли жаҳаннам.

Бор эрди ошиқи шўридахоли,
Дилига келди маъшукни хаёли.
Шаби торик эди, чиқти баяқбор,
Ўмиди шулки, кўргайму чу дийдор.
Йўлиқти чун асас қувлаб замони,
Қочиб боғига ул бўлди ниҳони.
Ўшал манзилга эрди маъшукни ҳам,
Топиб танҳо тутиб дастини маҳкам.
Қўйиб ерга бошини бенавое,
Асасни ҳақиға қилди дуое:
«Илоҳий, бўл асасга муждае бер,
Кўзумни қилди чун дийдорига сер.
Шабоҳунлар дилимни қовлагайди,
Асас ҳар кеча бизни қувлагайди.
Бу умрум боқи бўлса то қиёмат,
Дуо айлай асас бўлсун саломат.
Муяссар бўлди бизга чун маҳи бадр,
Шаби меърождур ё лайлатулқадр.
Қилиб маҳрўйни ҳар лаҳза оғуш,
Дилидин кулфати бўлди фаромуш.
Илоҳий, бандага мақсуд чуван бер,
Бўлай дийдори* маҳбубимга чун сер.
Агар дилда яқин ошуқлигинг бор,
Балои дарду ғамдин қочма зинҳор.
Кн қилгай Мажнунини сарфарози,
Баён айлабки, Лайли анга рози.
Агар оқилу ақлига саломат,
Ким оқилдур қилурлар халқ маломат.
Агар девона келсанг бешумори,
Қачон санга бўлур оламини кори.
Бу йўлда лутфу омурузиш қаҳрдур,
Шакар ишқи анга қони заҳрдур.
Киши ишқда талабни қилса маъюс.
На ҳожаат аҳли дардга нангу номус.
Ғараз ошиқ эмасмиз, булҳавасмиз,
Шакарни кейнидан юрган магасмиз.
Мажозидин ҳақиқат бир қаламдур,
Кимини ғайрати йўқ, ақли камдур.
Нишон берди рамуздин аҳли таҳқиқ,
Сотиб олган била бўлмас бу тавфиқ.
Жибаллийдур азалдин бандаларга,
Худо боғини еткургай самарга.
Агар ҳимматли қулсан, ихтиёр эт,
Ҳамиша ёди ул Парвардигор эт.
Назарни ғайрига қилма, ҳалалдур,
Йўлунг устида марги бемаҳалдур.
Талаб қилгонда қайтаргай йўлунгдин,
Иймонинг нақдини олгай қўлунгдин.
Ешунгай дийдадин бу офтобинг,

* Б. да «дийдори» сўзи йўқ.

Зиёда бўлмай ул дилда азобинг.
 Қабули омма бўлсам деб югурма,
 Тариқат дардини дилда югурма.
 Нафас чиққунча то гапни танингдин,
 Бошинга олмагаи шармайдликдин.
 Илоҳий, оқибат махмуд қилгин.
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Мунаввар айлагил шамъи ймондин,
 Дилимни холи қилгин инсу жондин.
 Чунон дутфунг била парварда қилгин,
 Дилимни анда, нафсим мурда қилгин.
 Бўлай ваҳдоният дарёсига фарқ,
 Замину осмонни қилмайин фарқ.
 Бошимга сол бу товба соясини,
 Карам қил дутфни сармоясини.
 Жунун тахтига миндур, полшоҳ қил,
 Исодек бандани сохибқуо қил.
 Ҳама уммид ила қўл боғлагонлар,
 Омонатдорман ўлгунча, ё Раб.
 На миллатни тавурман мунда, мазҳаб
 Жаҳозат дардини пур бўлди жоним,
 Ҳадафга тегмади ҳаргиз нишоним.
 Эсиз умрумки, ўтти барқу боди,
 Ки этмабман чу қори бомуруди.
 Бу сўзлар кимейи ҳар акамдур,
 Тариқи бандаи собитқадамдур.
 Тириксан саъй қил, ўлтурма беғам,
 Топилгай шод бу дардинга марҳам.
 Ўшал озодалар мақсудга етти,
 Ҳамани ташлади, чолок кетти.
 Қўлунгдин келса гар ўртонганинг хўб,
 Суюр куйгонларини яхши, матлуб.

КИМЕИИ ҲАФТУМ.

Вафо кўрсатмади бу зулмат обод,
 Биравни шод этиб, минг бирни ношод.
 Кўнглини зангидур гаддор дунё,
 Ҳама орифга ҳамчун бор дунё.
 Жаҳон сарғаштасини рангтоҳи,
 Ҳама мўъминга бахш этти гуноҳи.
 Такаллуфдин хазонидур фаровон,
 Ҳама ободидур, охирда вайрон.
 Кимики бул жаҳонда баҳя урди,
 Кетар вақтида сўзанин югурди.
 Аничун захри йймондин қилиб салб,
 Кимики нақд тоншурди ҳама қалб.
 Ўшал Қоруң ёшини чашмидин зуд,
 Ани бир пашшасига ўлди Намруд.
 Ажойиб бетавақуф корхона,
 Бўлуб Одомга бир гандум баҳона.

Сулаймон олди дуведин ийгини,
 Жафо кўрсатди ул ангуштирини.
 Павомат лавҳа қилди ҳазрати Нуҳ,
 Бўзилди ёши оқиб, бўлди мажруҳ.
 Ўшал Мусоки чандин қавн топти,
 Охирла душманни Фиръавн топти.
 Жаҳонни луқмасилин топти Айюб,
 Жафо кўрсатди бу чархи пурошуб.
 На билсун қудратини Кўҳи Алванд,
 Аёсий бир сўзингга бўлди пайванд.
 Азадин кўрсатиб ҳукми Худони,
 Кесилди боши охир Зикриони.
 Диловарлар жаҳондин топилар ранж,
 Ҳама халқни умиди топсалар ганж.
 Жаҳон гофил ажални ноясини,
 Ҳама уммид етар сармоясини.
 Қўлаи беҳи дилпораларни,
 Солиб гафлатга, ҳам қилмоққа сарни.
 Ҳама зоҳиду обид жуфт ила тоқ,
 Бу гаддор, кўр дил дунёга муштоқ.
 Тамоми айшу нуши қаҳр билди,
 Шақар ўрнига бердим захр, билди.
 Билолмайменки, бу чархи балоқаш,
 Нечук бўлмай дами охир мушавваш.
 Хатода беҳи пайкониингга тир йўқ,
 Ҳазорон зиндадил ўлса гамай йўқ.

Ҳ И К О Я Т .

Ўшал озодадил бечора Нўъмон,
 Олиб бир парраи кўҳу биёбон.
 Деди: «Ё Раб, қулунгман, шод қилгин,
 Қарибман, сан мани озод қилгин.
 На қувват бору манга, на табиат,
 Ҳама айтур қариллик қони иллат.
 Ҳанийлар аввалин олғай гуломи,
 Қариди умри чун бўлди тамоми.
 Берур қўлига охир парчаи хат,
 Сани озод қилдук, бўлди рухсат.
 Қаримдур афзали исботи номинг—
 Ки, сан ҳоҷамсану манман гуломинг.
 На бўлмай қўнглими озод қилсанг,
 Дийдоринг бирла қўлни шод қилсанг.
 Дилига келди нурдин бир талотум,
 Баянборига ақлин айлади гўм.
 Бўлуб Мажнун бу йўлда бесаруно,
 Чиқиб, тинглаб яна ул гавси даргоҳ.
 Худодан гарданиннга қолмади қарз,
 Намозу рўза анг бўлмади фарз.
 Ўшандог шайх Зуннун айди ул дам:
 «Кўрун Нўъмонни идроки дурур кам.

Ки неъматдурки дарёи шарият,
 Худо суйган қулига берди меҳнат.
 Расулни пайрави бўлса уруб бош,
 Қиёмат ваҳидин кўздин оқиб ёш.
 Ушавдоғ рўзаи моҳи шарифни,
 Мудом қувват топиб руҳи латифни.
 Мунигдек вақтни таркин қилса ҳар ким,
 Демаслар марди орифу баталим.
 Садо чиқмасду ҳаргиз муттаҳидин,
 Қачон юз қайтарур шоҳ хизматидин.
 Кишики бўлди Мажиун лавҳи сода,
 Дигар халқ андин элтмас истифода.
 Қутули икки олам лангаридин,
 Замоиа халқининг шўру шаридин.
 На неъматдурки Ҳақ дишод қилса,
 Худойим бандани озод қилса».
 Ман айдим бу суҳанни ўрта ердин,
 Ошай сардафтари рози кўҳандин.
 Ушал сўфийки, ҳўб қилмаски дебдур,
 Илоҳий, қабра бўлсин гарқ пурдур.
 Ани қўли ҳама орифга хўшгард,
 Ибодатдин қачон дилгир эрур мард.
 Худони амри махдўкига фарздур,
 Лаҳад оғзига боргунча бу қарздур.
 Тасадуқи бўлай ул хайрунассож,
 Муборақ сийнаси дур бахри маввож.
 Талаба ориф эрди Ғавси* мухтор,
 Бўлуб тўққиз юз иллатга гирифдор.
 Мариэ эрлию хам шал бўлди пойи,
 Хамиша ўлтуса хун эрли жойи.
 Ушавдоғ орифи соҳиб башорат.
 Қилурди қула уч минг йўл иборат.
 Юз ўнга кириб эрди асли ёши.
 Заминдин қанда бўлмай ўтти боши.
 Азиялар килдилар қаттиг сафарни,
 Тўкиб ўтти жаҳондин чашми тарни.

Ҳ И К О Я Т .

Нишопур юртига ранж тортти қози,
 Тавил бўлди ани равижи дарози.
 Абдулқосим Жунайд келди баякбор,
 Ани қўрдик, ранжиру дилафгор.
 Давомат ғавси вақтга тош отарди,
 Шикоятлар била юртга сотарди.
 Қошига кўрди Азроилни ночор.
 Ки шайтон ҳам йиғилди хейли-бисёр.
 Жунайд айди, ишинг мўзтар келибдур,
 Қўп эмди, қози—даъвогар келибдур.

* Ғавси-ул-аъзам ҳақида сўз кетяпти.

Урарлар ҳар тарафдин сангдасти,
 Бўлар жон бирла иймонингга қасди.
 Баду неки жаҳонни кўп кўрдунг,
 Тамоми халқни даъвосини сўрдунг.
 Ўзунгга келди навбат кар эурсан,
 На учун он қадар мўзтар эурсан.
 Мудом айтур эди бу ганда кирдор,
 Вилоятга мунигдек шайх на даркор.
 Зарурдур санга, биз халқни тавоф эт,
 Хутурни ташлагин, давлатни соф эт.
 Бу майдондин ўшал майдонга борсанг,
 Умид этгинки, шол Рабборга борсанг.
 Дилига келди дарёи тараббур,
 Забон очтики: «Жоҳил шайх, дам тур.
 Чақор нимжон била ниммурда бўлса,
 Бўзвини қосасига хок тўлса.
 Оёғ остида қолса ноғаҳон хор.
 Қадалмоғи на шақдур наштари бор.
 Агарчи душманинг лоғар бўлубдур,
 Ҳазар қилгин, гумон қилма ўлубдур».
 Тамоми қавм айчи мудлао ол.
 Мунигдек орифи вақтдин дуо ол.
 Азалдин йўқ эди иймон насиби.
 Ажал келганда, ожиздур табиби.
 Нечук дард айтийин, бир аҳли дард йўқ,
 Киёмат ваҳидан ўртанса мард йўқ.
 На кишт килдўк ва на вақтида коре,
 Гуноҳлар бўлди чун бўйнимга боре.
 Лаҳадга борамиз мағрур ул пўст,
 На боисдинки, рўгардон эрур дўст.

Ҳ И К О Я Т .

Биёбонегга туфон бўлди яқсор,
 Қочиб бир ғорига кирди Сикандар.
 Арасту бирла Тоталис ҳукми,
 Кейиндан кирди ул ҳарқарра шоми.
 Суҳанни толибига айла изҳор,
 Чиқарни фикрини қил, марди хушёр.
 Ҳама ҳикматни сандин ўрганибдур,
 Баланду паст не идрокинг билибдур.
 Мудом айтур эдилар қоримиздин,
 Талаба мудлао асроримиздин.
 Кел эмди вақти мўзтарликда Жибрил,
 Жаҳон ўртанди қилгин эмди таъжил.
 Хавони шўричи паст бўлди охир;
 Сикандар дилга олди кўп хавотир.
 Дедилар: «Билмадқ шаҳ аҳтиёжи,
 Худо бергай бу мушкулни ривож.
 Ҳама ўз ҳолига бўлди гирифтор,
 Вағоят торикун зулмат эди ғор.
 Ҳақимлар ҳарфини ул шоҳ унутти,

Думи харкуррани мазбут тутти.
 Агарчи хар эди ул таъби рӯҳуд,
 Юборди жойи дурдин асру нурҷуд.
 Сикандар айди хуноба ютуңглар,
 Силар ҳам харни думдин тутуңглар.
 Ҳама тутти чиқарди охири хар,
 Бу санъатдан ҳақимлар бўлди музтар.
 Бу йўлда ақли нақлиғни нурутгин,
 Азизо, зарра подонлиқни тутгин.
 Кўнгиш донишига қилма назора,
 Худони қудратига ғам чи кора?
 Ниёдадур бу йўлда ақли ғдрок,
 Магар дурғ айласа донои афлук.
 Худо отини музтарлиқда ёд эт,
 Муриди вақт бўл, тарки мурод эт.
 Ўшал вақт бўлди жамъ гирдида лашкар,
 Унутмас бўлди бу дардни Сикандар.
 Кўзунгни ёшиви барвақт қурутма,
 Агар мардсан, қиёматни унутма.

Ҳ И Қ О Я Т .

Қидирди бир шаҳарни мў бамъе,
 Ўлук ўлдимуқни деб мурдашўе.
 Бериб даргоҳларига нола бисёр,
 Гузарлардин бўлунглар деб хабардор.
 Ўлук ўлди, хабар келтурди охир,
 Бориб ювди ўшал мард беҳавотир.
 Ки уч йил бўлди шаҳрдин ўлмади кас,
 Ўшандог мурдашўй йиғларди бесас.
 Деди: сарбаста бўлди бизга мақсуд,
 Қилинғ ёлғончи тобут бунда мавжуд.
 Кетурдилар қуруқ тобутни ночор,
 Ки ўгли булдию бир кунда бемор.
 Еди бир ҳафтада авлоди барҳам,
 Юди, кўмди, емади зарраи ғам.
 Деди: кўз ёши таҳтидан қурубдур,
 Ҳазорон мурдани дийдам кўрубдур.
 Сари таҳҳо қолиб манзида ночор,
 Ўзи уйқуда эрди қақди бир мор.
 Дилда йўқ эди бир нек хўйи,
 Кафансиз кетди охир мурдашўйи.
 Ҳазорон мурдалар қўмса ғами йўқ,
 Ажалдин дилда ҳарғиз мотами йўқ.
 Тамоми мурдадур халқи бу дунё,
 Буларни мурдашўйидур бу дунё.
 Илохий, оқибат махмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Қулунгга нафси шайгондин паноҳ бер,
 Кетар вақти қулунгга кимё бер.
 Хусусан кимёни дин баланддур,

Тамоми кимёлар мунга банддур.
 Агар элтай десанг маҳшарда бир ўй,
 Дуоғў топ, дуоғў топ, дуоғўй.

КИМЁИ ҲАШТУМ.

Бу йўлда бўлмагин отингга мағрур,
 Чу Балъамдек кароматингга мағрур.
 Харобот аҳдини жонингча кўргин,
 Аларни хизматига сан ююргин.
 Белингни боғлагин ҳиммат қурига,
 Дилинғ тўлғай Худойингни нурига.
 Агар минг йил юрусанг беҳабарсан,
 Турарман демагин, бир кун кетарсан,
 Шу кетмақдур, келмақ қайдадур боз,
 Ажал келса бўлур динингга миқроз.
 Агар топсанг Сулаймонни нигини,
 На суд қилсинки, йўқтур илми дини.
 Фариза ўтқариб холис лулодин.
 Хабар топсанг керак дурғни Худодин.
 Сани маст айлагандур банги дунё,
 Қулоғингга мудом оҳанги дунё.
 Фалакни тиги бошингга чопибдур,
 Бу водийда сани таҳҳо топибдур.
 Ғараз нуқсон етуштирғай динингга,
 Солиб зулмат бу равшан ойинингга.
 Иморат қилса ким, кўб қилма бунё,
 Тузотлию жаҳондин кетди Шаддо.
 Санам охир тузотмай ташла зинҳор,
 Тузотганда бузулғай охири кор.
 Шабохуни фалақдан беҳабарсан,
 Мусофирсан, агар минг йил юрарсан.
 Шабу рўзе мудом аҳволингга қил,
 Назар қилсанг ҳамиша ҳолингга қил.
 Керакмас колани сотмоқга даллод,
 Йўл устида санинғ қулабанг, хабар ол.
 Ибодат расмини доводин ўрган,
 Ҳамиша орифи биллоҳдин ўрган.
 Замона судини сан кўз очиб кўр,
 Бу йўлда гўши кар бўл, гўши кар бўл.
 Бу тунд андишалардин онқадар қоч,
 Буларни иллатидир санга ихроҷ.
 Сухани рост айтсанг фаж билурлар,
 Замона халқи қаждур, қаж билурлар.
 Урарлар ҳақни айтсанг халқ доим.
 Агар чандеки, ҳарфингдур мулоим.
 Ўшал соҳиб масалдин беҳабарсан,
 Гўлў танглиқда доим беҳабарсан.
 Заҳар юттунг пушаймон қилмади суд,
 Бўлуд барбод мунда булу вобуд.

ҲИКОЯТ.

Ўшал сўфийки шаб маҳтоб кўрди,
Етиб эрди паришон хоб кўрди.
Тошиб руҳи муҳаббат боғиди кут.
Тушида кўринур эрди чу тобут.
Кўриб жамъи касира тушли ул дам.
Ҳамани бошига тушган бу мотам.
Дилига ваҳм тушуб, бедор бўлди.
Бу сўфий маст эли, хушёр бўлди.
Алам йўл топти дилдан кетти шоди,
Пирига арз қилди бомдоди.
Деди: «Арзимни авгла, пир, комил,
Тушимга тобуте кўрдум мукамил.
Бошимга тушти шундоғ бори вазим,
Гумон қилдимки бир кўхи батамкин.
Кўтордим бошимга ул юкни танҳо,
Манга олам қилур эрди томошо.
Тушимни таъбирини айтгин, эй пир,
Паришон бўлди мендан кулли хотир».
Табассум қилди ул шайхи мукаррам:
«Кўторгон бўлсанг, ҳаргиз емагин гам.
Намоз шом вақти* дунёдин кетарман,
Бу дунёдин у дунёга етарман.
Дилимни қилмагин бисёр равижур,
Бошинг устига тушган тобутимдур.»
Буви сўфийи дарёдил эшитди,
Бўлиб беҳуд ўзиди пок кетди.
Нидо келди: «Пиринг гавси замондур,
Тафаккур қилма, пиринг боиймондур.
Етар санга ҳақиқатдин нигини.
Бўлурсан гавси вақтни жонишини.
Қолур пирдин бу нисбат ёдгори,
Ки дарёйи ҳақиқат беканори».
Машоми жон бўлди гарғаи нур,
Кўз очти пир оламдин кетибдур.
Оёғига қўюб ҳар лаҳза бошин,
Тўқуб хунобаи ҳасратли ёшин.
Деди: «Афсеу, корим бод бўлди,
Ҳама йиқанларим барбод бўлди.
Дилимга қайси ердин тегди зулмат,
Бу пирдин омайин қолдим насихат.
Фаровон эрди дилда сирри жоним,
Даме айтолмадим рози ниҳоним.
Падардин гўра колдим муддао йўқ,
Манга йўл кўрсатурга раҳнамо йўқ.
Қўлимда шарбати марғдинду жомим,

* В.: вақтида, Қўлабу сўз йўқ.

* Қ.: машаққат.

** Магида: пайғамбар. Вазинга тушмайди.

Шу лардин айтиб-айтиб йиғлар эрди,
Кўзи ёши била ёқа тар эрди.
Илоҳий, бўлмасун ҳеч ким гирифтور,
На мушкул умр кўрмай кетса дийдор.
Ҳидоят йўлида гарқ бўлмаини пой,
Нечук боргай пирини манзилга,
Муюн таъшиши кўп эрди дилига,
Нечук сўфийга ақли қолса бар жой.
Бағоят қовлар эрди жо бажойе,
Пирини чикмади ҳаргиз сатое.
Гарав қўйдик, уч фарзандини ҳам,
Пирини тақфинини қилди ул дам.
Кўторди тобутини йиғлади боз,
Пирини тобутидин келди овоз.
Деди: «Кўп хотиринга тутма кина,
Чиқар қабримдин етмиш уч хазина.
Пайамбар** дунёга қўл солмадилар,
Нажосатдур дебон ҳеч олмадилар.
Бу ерда сулҳ қил, эй марди диндор,
Санга иймон керакми, зарми даркор?»
Деди: «Эй неқ, гавҳарни нетай ман,
Манга лутфунг керак, зарни нетай ман?»
Гирибонини дам-дам қилди чоки,
Мукамилни қилиб ул дафни хоки.
Чиқарди бори етмиш уч хазина,
Елиб келди, балодур деб дафина.
Халос этди писарларни гаровдин,
Ғами йўқ эрди ҳаргиз ними жавдин.
Дили тоқат қилолмай халқни йиғди,
Пирини равзасига жони чигди.
Ана комил муриди бобашорат,
Кейин қолмай пиридин ним соат.
Ўшандоғ сўфий бўлгин, нурга тўлгин,
Жадал қил, пир била бир кунда ўлгин.
Ҳамани тарк қилгин кордон бўл,
Талаб қил мунда, беному нишон бўл.
Назар қилма авосирдин умид уз.
Бу йўлда жаннату ҳурдин умид уз.
Дару девор дийданга ҳур кўрингай,
Ҳама зарроги олам нур кўрингай.
Башарти ботинингга топса Ҳақ роҳ,
Бўлурсан маърифат баҳридин огоҳ.

ҲИКОЯТ.

Кўрунгим, шайх комил Абдурахмон,
Қийинроқ* бўлди анга кандани жон.
Деди бир сўфий: «Эй султони олий,
Бу ерга кимгадур кўнгиш кашони.
Нишонур юртида бир аҳли ло чак,
Манга ихлоси бор эрди чу андак.
Ки йўл юрмоққа йўқ эрди мажолӣ,

Пирим деб йнглар эрди моҳу соли.
Бу тўқсон лак муридга руҳсат олдим,
Эгамдан чунки озоди хат олдим.
Паршон хотиримга бу сабабдур,
Ки авратни Худо бандам демабдур.
Бу боисдин чу саргардон бӯдубман,
Иложим топмаини ҳайрон бӯлубман.
Қўл очиб жумлангиз айланг дуоин,
Худо шоядки, бергай рўшвойи.
Ўшал бахти каро ҳолига мушкил,
Ахири умри бўлиб тутганду манзил.
Муридлар қўл очиб қилди дуое,
Ато қилди Худойим рўшвойи.
Каму беш бандага бор эрди нуқсон,
Қарам қилдию айбин ёпти Раҳмон.
Ҳама озодаларни бағри хундур,
Аларни гамлари аз ҳал фузундур.
Кўзингни оқи борида фигон қил.
Шу дард бирдан қора бағрингни қон қил.
Дилини жамъ қилди шайхи қомил.
Булам жон берди, охир қилди таъжил.
Агар қалбинга қувват бўлса бори,
Биродардур биродарга қашоли.
Мунингдек бўлмасанг, лоф урмагин пир,
Киришсиз ёйга нолийқ эрур тир.
Жаҳонни куйидур мисли таразу,
Қаники Ҳайдар ургай зўр бозу.
Фашу дастор бирла кас эмас мард,
Ўшал марддур дилидан чиқса бу дард.
Жаҳонни сайр этар ботин ҳамиша,
Ўшандог қутби ботамкин ҳамиша.
Ажални тиги чун бағрини тилди,
Нечук ул пир, мурид ҳолини билди?
Бор эрди ботинида гавҳари хос,
Қаромат пирдин, андин бу ихлос.
Ўзини аршга элтар сидқи қомил,
Вашарти бўлмаса бу йўлда гофил.
Ҳама саргашталиклар бесабаб йўқ,
Худо ҳозир эрур санга, талаб йўқ.
Бўлай десанг бу йўлни қадхудоси,
Сол илқингга маломатни либоси.
Маломат тигини бошинга олгин,
Набийдек нечаларни йўлга солгин.
Халилдек ҳамчунон чолок кетгин,
Бу йўлда хок келдинг, хок кетгин,
Овозанг кетса мурғи то ба моҳи,
Ҳамани ҳаққига қилгин дуои.
Туфайлидур бу йўл, эй беҳабар мард,
Абас ишга юругон тобмади дард.
Қароматингни узма бандалардин,
Манидек осию шармандалардин,

Агарчи ибратим йўқ, мўй сафедим,
Ҳамиша раҳматингдандур умидим.
На бўлғай бир имо бирла баянбоб,
Талабда топса иймон хайли қуффор.
Бир отинг воқифи аҳли қарамдур,
Ҳама топса хазинангга на камдур.
Бу сўзлар кимейи жони дилдур,
Насихат олманг марди бахилдур.
Жаҳон айвонидин, эй нури дийда,
Кетар вақтингда топмангму натижа.
Илоҳий, нафси шайтондин ланоҳ бер,
Қулунгга нури аршдан кимё бер.
Дилимда жўш урар ваҳми қиёмат,
Ўзунг лутф айлагил, ё Раб, қаромат,
Ишим тушти мани оламда дурреч,
Қаромат этмасанг, қорим ҳама ҳеч.
Мани яксон этибдур чарх барбод,
Ўтуб умрум бу йўлда шоду ношод.
Гуҳарсанжлар ҳама мақсудга етти,
Ҳамани ташлаб арш Аллоҳга етти.
Алардин топмадук огоҳи пайғом,
Ўшал субҳи қиёмат бизгадур шом.
Назар кўп қилма айёмим эрур шўр,
Ва лекин зоҳиримдан ботиним кўр.
На мани бирла бўлди дилда тақво,
На уқбо қўлга келтурдинг, на дунё.
Ўшал дарвозаи маргдин баянбор,
Чиқарса тобутимни халки бисёр.
Қулар ҳолимга олам жамъи боҳуш,
Ча учун Ҳақни айлабдур фаромуш.
Жаҳон айвонидан бебаҳра кетган,
Келурда дурр келиб, хармуҳра кетган.
Қўйиб исмини «ман олам амири»,
Ишидур жангу жўшу қалъагири.
Агар хўб айласам мунда назора,
Худони ишига махлуқ чи қора.
Қадимга бўлмағай ҳодис муқобил,
Муқобил айлагонлар аҳли жоҳил.
Хатодур кори махлуқ, эй жигарбанд,
Узулгани қилурлар мунда пайванд.
Бутундек бўлмағай пайванд бисёр,
Тузотганда гиреҳни маълуми бор.
Қадимга лек, бил ҳодис чуниндур,
Гумонга қирмағай ваҳм яқиндур.
Қиёсу ваҳму идроки маъони,
Ҳама бу йўлдадур миқдоре доне.

Ҳ И К О Я Т .

Ўшал олимки қилди кори хўбе,
Қилиб эллик йил ул хатми қутубе.
Ҳамани йиғди берди тўйи бисёр,

Муборакбод айланглар ҳама ёр:
 «Шариат шамъини таҳтига еттим,
 Расулни ҳақ каломини эшиттим.
 Жаҳон хуршиди жои бўлди кўзумга,
 Авалдин тифл эдим, келдим ўзумга.
 Агар тоғларга бўлсам рўбарўйи,
 Бўлур чун ғайратимдин ҳамчу мўйе».
 Румузни ҳар кишига айтса бўлмас,
 Бу ноқобилга йўл кўрсатса бўлмас.
 Шунидек айттию хомуш бўлди,
 Дили чун ғайратидин жўш қилди.
 Ушал мажлисида бир шўрида ногоҳ,
 Йирогдин қилди олямини тамошо.
 Чидолмай ғайратидан деди ул мард:
 «Эрур маълум харесан, тови дилсард.
 Тамоми айтасан, бу хомликдур,
 Санга бу бандалик бадномликдур.
 Ўқубсан сад ҳазоров қоғозе пеш,
 Қачон дарвешсан, эй марди дилреш.
 Олибсан дузд сифат қўлга яроғи,
 Қилай деб ҳаққни бағрини доғи.
 Агар тахтинга боқсам бевуқуфсан,
 Азобн халқ учун доим ўқубсан.
 Амал қилсанг етар ҳарфи алифга,
 На коринг бор ҳарифи мухталифга.
 Ушандоғ жойига бир тун муҳолиф,
 Сабаб будурки анга қилди тақлиф.
 Кимйки жумладин барқанда бўлди,
 Жаҳон бандини узди, банда бўлди.
 Ҳама аъзоларингни пок ювубсан,
 Танаида мўй агар хушқдур жунубсан.
 Гурури илм чашми дилгадур мўй,
 Зинда мўйдикдур чашми бадрўйи.
 Ки сан ул илмга бир мўйдурсан,
 Дилиннга маъни йўқ, бадрўйдурсан.
 Равон бўлганда тифл, побасти андақ,
 Верурлар то ани қўлига галтак.
 Қўлингга янги тушти тиги Ислои,
 Кесар ул тиг ҳар ким бўлмади ром.
 Ҳамага бор чун* шамширу ханжар,
 Қани тиг** ургудек ул шери Ҳайдар.
 Ушал рўзе жаҳондин элсанг иймон,
 Қарам қилса бўлур нафсинг мусулмон.
 Етушмас жоларига боз етушсанг,

* Б.: хун

** Қ.: зарб

*** Б.: малакларга.

* Б. да: + «ул авсала».

** Б. да: + «ил».

Худодин мисл Мусо роз эшитсанг.
 У вақт маргингга юз минг шодидур боз
 Малаклардин*** муборакбодидур боз.
 Бахайр бўлгай ҳама хотималар зуд,
 Худо ул бандадан бўлгонда хушнуд.
 Расулни руҳи бўлгай обрўйинг,
 Бўлур марг вақтида устунга тўйинг,
 Тузотгай ҳар шикастинг бўлса ул дам.
 Набийни дастидан гар тегса марҳам,
 Нуринг икки жаҳонни равшан айлар.
 Бу зулматхонани бир гулшан айлар».
 Асар қилди анга панди тамоми,
 Тариқат шарбатидан топти коми.
 Уруб дасторини ул мард дардинок,
 Дилини тиги ғайрат айлади чок.
 Деди: «Рост айтасан, эй марди хушёр,
 Залозат аҳлига бу илм на даркор?»
 Қани мардеки, уммедини узгай,
 Бу малъун уйини «ху» бирла бузгай.
 Муборакбод деб ман бад қилибман,
 Иймонимга улуг заҳмат қилибман.
 Жаҳон зиндонига банди фаровон,
 Қачон хушвақт бўлур ул аҳли зиндон?
 Киши зиндонда хушвақтликни излар,
 Анингдек мардни аҳмақ демишлар.
 Қачон хушвақт эрур зиндонда банди,
 Кимйки гарқ исёнга уланди.
 Қўлим ол, тавба бергин, тавба ўтмай,
 Тақабурлик йўлида умр кетмай».
 Бериб тавба ани хушнуд қилди,
 Мақоми аслини носут қилди.
 Худо қилса бу давлатни мулссар,
 Ки сан садсоласан даҳсола айлар.
 Муборак сийнаси нур бирла тўлди,
 Амални тутти илми ҳилм бўлди.
 Дилига мавж урди икки дарё,
 Тушти домонини «фатҳан қарибо».
 Чупон барқанда бўлди дил хатури,
 Замину осмонни тутти нури.
 Анга хатм бўлди* авват бирла охир,
 Ҳақиқат бул эрур**, асрори ул эр.
 Дили асрордин таълим топти,
 Мақоми «аҳсан—ут—тақвим» топти.
 Етушти хатми «нун ва—л—қалам»га,
 Бўлуб шуҳрат араб бирла аҷамга.
 Хатодин қолибига қолмади гар,
 Машоми нур билан бўлди муаттар.
 Сафойи ботини асрор топти,
 Ҳақиқат мулкидин анвор топти.
 Бу йўлда марди диндор даркор, эй шох,
 Бу волидан ҳамиша бўлса огоҳ.

ҲИКОЯТ:

Мудом қўрқар эди ул шайх Юнус,
Лаҳадга бораман, йўқ манга мунис.
Деди ул сўфийларга пир—раҳбар:
«Уйим ўртосига гўрим қозинлар,
Мазороти дигарга элтамғиз боз,
Нухустин шаб эрур ким манга дамсоз.
Будур уч шабгача ким ҳоли мурда,
Лаҳадни ваҳидин қалби фусурда,
Сари қабримга келсанлар баробар,
Ки то уч кунгача Қуръон ўқунглар».
Азизе айди: «Гар бўлса иймонинг,
Лаҳадга бўлғай охир роздонинг.
Азалда бўлмаса иймон намуди,
Санга йўқдур ибодатларни суди».
Кўзин юмдию тўқди чашми тарни,
Дилига боғлади мазбўт сафарни.
Ўлар вақтида келди Ҳақдин овоз,
«Лаҳадга қўрқмагин, ман санга дамсоз».
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
Кетарда бандани хушнуд қилгин.
Дилини ҳоли қил рағу ридин,
Насиб этгил қулунга кимёдин.
Бу сўзлар кимёни ҳар акамдур,
Дили доим ани гарқоби гамдур.

КИМЁНИ НУҲУМ.

Баланду пастдин андеша қилгин,
Ўлуб дунёга, уқбога тирилгин.
Ўзунгни ест қилгин, фикри жон топ,
Кўнгулни аршидин нури иймон топ.
Сани хоқингадур ганжи хазойин,
Ҳама дунё бўлиб мавжуд, ҳам дин.
Кўзингни оқидан ортиқду дардинг,
Ибодат қилмоғингдур охи сардинг.
Биҳишти дўзахам сандинду мавжуд,
Ки то сан борсан, мазбўту мазбўт.
Ўзингдин кечингу бўлгин паноҳе,
Эмас умрун сафели ва сиёҳи.
Табиат хоҳиши ноҳушдугунгдур,
Кўнгилини офати боҳушлугунгдур.
Кўнгилини офати боҳушлугунгдур,
Дилинги бўлса ўшал қудратдин огоҳ,
Не учун тийра қилсун абри дунё?
Ҳама гофиллигингдур бу нуқсон,
Ва гарна одамийга йўқту шайтон.
Ўзингсан душмани жонинг бад анчеш,
Қачон нуқсон қилур бегонау хеш.

* Қ: *Имомуддин*

** Қ: *Лағин шайтонни дур.*

Ҳаёли бирла саргардон эурсан,
Юрусанг, йўл аро ҳайрон эурсан,
Қадам қўйсанг бўлур чун банд нойинг,
Қилмаст офтобидур бу жойинг.
Ҳамани биласан қилмоқга мўътал,
Қудуратларни айирмоқга мўътал.
Тилинги дил бирла чун бўлди мувофиқ,
Юруб келгай йўлунга аҳли таҳвиқ.
Кўнгулни холи қил ишк-ҳавасдин,
Битар касни иши албатта касдин,
Ҳақонни улфатин мисли мағас бил,
Ўлеки илми динни тобти кас бил.
Агарчи нури жон ихлодиндур,
Ҳама зулмат «авом-ун-вос»диндур.
Ҳақон аҳд этсаларким, ҳукми мурда,
Мисоли яхдек ул оташ фусурда.
Эшиб то риштан мовалдай хом,
Узулмасдин бурун узгин, наку ном.

ҲИКОЯТ.

Ўшандоғ Бозиди қутби аброр,
Ўлар вақтида боғлаб ўтти зуннор.
Қақирди шайхи Шиблийни ул автол.
Деди: «Мандин насиҳат сангадур ёд.
Мани руҳим хузури қут келтур,
Бориб бутхонадин бут келтур.
Югурдум неча миллатларга салбор,
Бугун боғлаб ўтай дунёга зуннор».
Азизе айди: «Ташбеҳ ҳам гуноҳдур,
Санингдек шайхдан бу нораводур.
Давомат изладинг роҳи адабини,
Сира тарк этмадинг бир мустаҳабни.
Вуқуъ келмайду ҳаргиз мунтаҳидин,
Қачон уммат чиқар шаръи Набийдин?
Бу йўлда илтижо қўп қилди-бисёр,
Қашоли дин эди ул шайхга зуннор.
Ҳама айдики, панд этмак зиёидур,
Магар буд шайх азалдин бейимондур.
Дилин таҳтига чиқса жамъи куффор,
Кўнгул сахтдур, насиҳат қилмағай қор.
Эсиз шайхки сарвакти ўтибдур,
Ахир вақтига дўзахга кетибдур.
Азалдин бўлмаса сармоия бахт,
Кўнгили исёнга мойил анга дўзахт.
Кўрар кўзга бу зуннор занжиридур,
Шарардур, лек дўзахни биридур.
Азалдин тақдиридур шайхи вақтни,
Кўнгулга келтурди исёни сахтни.
Имомуддин* деди, эй шайхи мухтор,
Башардур чунки ҳушдин кетса бемор,
Агарчи оҳ уриб ул деса ҳам қўб,
Лағин шайтон ани** айлаб бу мансуб.

Дилида эрди зуннорин хаёли,
 Муяссар бўлмас эрди лек ҳоли.
 Хама Қуръон ўқуди, юз ўғурди,
 Мудом хотирга зуннорин кетурди.
 Ахир чоғида мужда олди сўфий,
 Бор эрди вақтида кутбларни кўпи.
 Ҳамани жамъ қилди бир канора,
 Қилиб бир неча ориф истихора.
 Чунон бир гавҳари мастур эди гум,
 Қани бир олийҳиммат қилса маълум.
 Ҳамани ақли охир дол бўлди,
 Бу ёронларни чашми хунга тўлди.
 Деди: гамгин юраклар бўлди пора,
 Шақоват изласа шайх чун, начора.
 Кетурди сўфий чун охирда ночор,
 Ушал бир бут била бир кўҳна зуннор.
 Солиб бўйнига ул покиза тийнат,
 Кўзидин тўкди ашк, қилди надомат.
 Узуғ дединики, ҳафтодсола, кофир,
 Калима арза қилди, бўлди тоҳир.
 Мамам кофирдуман иймонга нобуд,
 Ана зуннор ҳозирдур, ана бут.
 «Ҳама шоҳид бўлунглар яғни келдим,
 Ҳамон кофир, калима арза қилдим.
 Юругон йўдум эрди роҳи шайгон,
 Бўлунг шоҳид кунун бўлдум мусулмон».
 Узуб зуннор калима арза қилди,
 Дилига икки олам кашф бўлди.
 Ушал зуннорни узгон замони,
 Калима арза қилди—чиқти жони.
 Мунидек қурб билан покиза гавҳар,
 Ибодатга назора қилмадилар.
 Агар ҳимматни излайсан чунин бил,
 Кўнгулдин чиқти сан «айн-ул-яқин» бил.
 Хама қилгон ишимиз бозий бўлди,
 Нечун халқдин Худойим рози бўлди?
 Амад қилгуну тақя қилма зинҳор,
 Ғурури илмдин* чавдин хатар бор.
 Дилинг бўлмайду илмини динига сер,
 Ки бордур илм дононларга шамшир.
 Жаҳолат ёри берса динни бузгай,
 Ахир иймонини беҳилан узгай,
 Ўқусанг охирини, фаҳм қилсанг,
 Қисмат шиддатидан ваҳм қилсанг.
 Амалсиз бўлса, ҳар кўнгулда гамдур,
 Кўнгулга жаҳл келди-илм камдур.
 Ки мунъим жамъ қилса моли бисёр,
 Дилига ҳире қўбдур, моли бекор.
 Талабда илм шундоғдурки, нури:

* В.: ғурури амалдан (вазига тушмайди).

Амалсиз бўлса, йўқ илмини ҳузври.
 Агар тонай десагг нури Худони,
 Улардин илгари тутгин азони.
 Хама қисватларинг нобуд бўлди,
 Нафас бекор чиқти, дуд бўлди.
 Мунаввар чехралардин марг пайдо,
 Ҳамани бошини ебдур бу дунё.
 Шукр, дундин агар чопок кетсанг,
 Мақоми нури Раббонийга етсанг.
 Сафардин ким саломат келди ҳар вақт,
 Кўрунмас ранж анга чуи раҳи сахт.
 Мабодо қўрқаман дуздлар каминда,
 Халал солгай у вақтла мулки динда.
 Хама йиққонларини қўлдин олгай,
 Ғариб бошинг хиёбон ичра қолгай.
 Кўрунгай санга ул вақт ранжи роҳинг,
 Бошингдин ул замон тушгай кулоҳинг.
 Қуларлар санга ҳамдамлар ўшал вақт,
 Очар оғзини санга мулки дўзахт.
 Ки жойи келса номахрам нафсдур,
 Нафсдан беҳабар бисёр касдур.
 Нечук жонсанки, боғлабсан дилингни,
 Берибсан деви малъунга қўлингни.

Ҳ И К О Я Т

Зиёрат қилди Аҳмад Каъбатуллоҳ,
 Зиёрат вақти дилдан урди бир оҳ.
 Деди: «Бисёр эди қилгон гуноҳим,
 Чиқардим тарсдин оҳим-гуноҳим».
 Худо қилди ани жузвини кулли,
 Ҳақиқа бўлди чун минг ҳаж қабули.
 Ушандоғ оҳи сардини топса ҳар кас,
 Ани аҳли ҳазорон ҳажга бермас.
 На давлатдурки, чиқса оҳ сарди,
 Юракга бахшласа асрори дарди.
 Илоҳий, хотиримга дард бергин,
 Дилимга гамдан оҳи сард бергин.
 Азиз жоним масаддин қилса парвоз,
 Ўзунг ҳомий бўл, эй доналдаи роз.
 Дилимга ҳиммате бер мисли Одам,
 Қилай ман уч юз йил дийламини пурнам
 Ичургин жони ваҳдатдин сабуҳи,
 Тирикмаң навҳа айлай мисли Нўҳе.
 Чунон сармаст қил, лоҳутни билмай,
 Халилдек оташин Намрудни билмай.
 Таваккулдан мани собит қадам қил,
 Забиҳуллоҳдек бошим қалам қил,
 Қилай оламни мақсудумча мавжуд,
 Кўнгулга ғайрати бер мисли Довуд.
 Сулаймондек топиб нашъу намойи,

Бўлай ман инсу жинга подшоий.
 Мусодек руҳи поким қил сароброз,
 Ки умрум борича ман айглайин роз.
 Исодек дийдани бийранда килгин.
 Бир оҳимдан жаҳонни зинда қилгин,
 Шуъайблек дарлингга йиғлай давомат.
 Чунон йиғлайки, то рўзи киймат.
 Чу Жувржислек жаҳонга мосуво қил.
 Агар минг марта ўлсам жон ато қил.
 Дийдамга нам, дилимга оҳи сард бер,
 Мисоля ҳазрати Айюб дард бер.
 Етүштүр аршга охи дилхарошим,
 Берай чуғ Зикриёдек йўлда бошим.
 Гирибон чок этэй монанди Яъқуб,
 Эшиттай июнд ул оҳимни Маҳбуб.
 Мухаммаддек дилимга рабате бер,
 Абу Бакрдек дилимга шафқате бер.
 Умарлек адл бер, иясофия комил.
 Қилай шаръингда фарзандимни қотил.
 Чу Усмон маст қил, хушумга келмай,
 Бошимга тиги бууро кесса билмай.
 Алидек хуммате бергин дилимга,
 Етүштүгич макоми манзилимга.
 Хасандек йўлунга собит қадам қил,
 Хусандек чун шаҳид, қонин алам қил.
 Кўнгулга нафси шайтондин паноҳ бер,
 Кетар вақти қўлумга кимё бер.
 Хусусан кимёйи дин баланддур,
 Тамоми кимёлар мунга банддур.

КИМЕИИ ДАХУМ.

Азизлар жон берурлар номи Ҳақга,
 Кетар овозаси ҳафтум табақга.
 Муҳаббат дарсини дамсос этарлар,
 Қаламга чарх уруб парвоз этарлар.
 Бўлуб огоҳ замин бирла замондин,
 Бўлуб огоҳ рози ломакондин.
 Чу гоҳи Нўҳдек мотам тутарлар,
 Муҳаббат бирла хуноба ютарлар.
 Санам носихдусан ойини хос,
 Насихат садину толибдин ихлос.
 Ўшал жондурки, Акбарга етушса,
 Ҳамон нури паямбарга* етушса.
 Зиҳи қудратки қулли хом хишти,
 Башорат топсау бўлса биҳишти.
 Ўшал суду зиёдин беҳабарсан,
 Чаман йўқсан, хазондин беҳабарсан,
 Тириклик тоза айлар ранги рўюнг.

* Б.: пайгамбарга.

Ажал етса тўқулгай обрўюнг.
 Бу роҳатлар била ҳаргиз етушмас,
 Хажарни кўмсалар оташга, пишмас.
 Сабаб будур нишургай марг охир,
 Хазон келса тўқилгай барг охир.
 Дилингда барг бор, андешаи қил,
 Шу марғни хотиринга пешаи қил.
 Бу йўлдин гар саломат ўтти боринг.
 Умид члдурки, равшандур шароинг.
 Агар беравшану торикга қолсанг,
 Сиротлин ўтмайин ногоҳ йиқилсанг.
 Нишону бенишонинг маълум эрмас,
 Асардин холидур куйгон сўғун хас.
 Сани хотирга келтурмаслар ул дам,
 Бўлдурсан охири аҳли жаҳаннам.

ҲИКОЯТ.

Ду олам хокнойи, пойбўси,
 Кетиб борур эди маъшук Тусий.
 Ки йўлда ташнае кўрди баякбор,
 Қуруб ҳалқи ётибдур йўлга афгор.
 Савол этти ўшал ғавси мукаррам:
 «Қаерга борасан, эй аҳли мотам?»
 Деди: «Бағримга тушти бу ҳарорат,
 Дилимга бор эди ҳажга зиёрат.
 Хамиша тиёра эрди офтобим,
 Бор эрди кўб гуноҳи беҳисобим.
 Қилиб гайрат бу йўлда хок бўлсам,
 Зиёрат айласам, то пок бўлсам.
 Таваккул йўқ учун мен йўлда қолдим,
 Бало бирла аламга улфат олдим.
 Асар қилди юрагимга ўшал дард,
 Қолибман ташналиб рухсораси зард,
 Умидим йўқту ҳар соат ўзумдан,
 Хамиша қон оқар икки кўзумдан.
 Дуо қилгин ҳақимга бо кифоят,
 Худо қилгайму иймонини саломат.
 Ижобат Ҳақдину мандин бир омин,
 Вагарна йўқту манда ғавҳари дин».
 Дуо қилди ўшал Ғавси замони,
 Дари давлатга элти ногоҳонини.
 Мунодо қилдилар шайхи муаззам;
 «Турунглар қарвонлар,—деб ўшал дам.—
 Ёшим олтмишга етти охири қор,
 Қилибман мунда чун тоатни бисёр.
 Ибодатлар қилибман бешумори,
 Хамиша зикри ул Парвардигори.
 Ахир бўлди чу умрим моҳитоби,
 Хамани сотаман бир қоса оби,
 Йўқ уйни равзани, маҳтоби қайда,

Ўзунг то ташна бўлмай, об қайда.
Чувин жаҳд этти мундог гавси мухтор.
Бу ерда толмади содиқ харидор.
Деди: «Бу ерда йўқ, содиқ харидор.
Иечук мақбул қилур бу йўлда Жаббор».
Мунигадек деди ул гавси наку ном.

Хизрга Ҳақ таоло қилди илҳом.
Деди чун Хизрга, донанда Гаффор:
«Ушал шайхга ўзунг бўйган харидора».
Худони амрини ул Хизр эшитди.
Қўтарди сувни шайх олдига элтди.
Деди орифта: «Ғамгин бўлма бисёр.
Тамоми тоатингга ман харидор.
Худони жонибидан ёрдурман,
Хизрман, соҳиби асрордурман.
Паямбарман ўзум устоди Мусо,
Мани отимни билсанг Хизри даргоҳ».
Ҳақиқат кўчасига шайх ноёб,
Ушайдог ташна дилни қилди сероб.
Гулистони вафоси бўлди пурпур,
Оқизди мағфиратдан гавҳари нур.
Тутар дастини бир дармондаларни,
Ҳамиша охтарур помондаларни.
Санам охтар, агар дарди дилинг бор,
Риёзат чек, таладин қолма зиҳор,
Дилингни душманидур тилу дийда,
Ки безикри Худо тошманг натижа.
Бу икки хасм дастида ғарибсан,
Сабаб будур талабдан бенасибсан.
Бу йўлда ташна бўл ҳамчун ғарибе,
Сўраб келгай чу Тусийдек табиби.

Ҳ И К О Я Т .

Биров сўрдик: «Эй Мажнуни ғамнок,
Гирибонинг фироқи Лайлидан чоқ.
Агар кўнгулда бўлса еди дилбар,
Қилай бир соате ҳоло муясар».
Деди Мажнун: «Манга басдур хаёли,
Фироқидин улуг эрмас висоли.
Ки мандин дард, андин манга дармон,
Агар ёд айласа Мажнуни ҳайрон.
Деса дардим била аҳгар бўлубтур,
Ҳама аъзоси хокитар бўлубтур.
Ити гар йўхласа ман муштпарни,
Бориб айтинг у дилбарга хабарни».
Ушал афтадин еткурди пайғом.
Салом айдию Мажнундин накуном.
Жавоб айди ани ҳарфига Лайло,

* Б.: ноҳийлар

«Ки ул ошиқ эмас, Мажнуни шайдо.
Мақоми ишққа беҳбуди чикора?
Ким ошиқдур анга мақсуд чикора?
Баҳори ишқдур мованди Қулзум,
Ки ҳар жинс анга тушти йўқту маълум.
Талаблик халқ кўймай йўл тополмас,
Дури мақсудни қулга ололмас.
Киши ошиқ эрур йўқтур анга хуш,
Заҳарни шаккар ўрнига қилур нўш.
Дили пурлард ила пурхун эмасдур,
Манам Лайлики, ул Мажнун эмасдур».
Гирибонин кўторди сийна софи,
Ки ҳар ноҳувага чун шашаэд шикофи.
Деди: «Кўнгулмга Мажнун иштиёқи,
Бу ноҳийлар* ҳама Мажнун фироқи.
Забон очмоқ дили ошукқалур жабр,
Агар оташга кирса, ангадур сабр».
Авизлар лаҳза-лаҳза қон ютубдур.
Шу ҳасрат бирла оламдан кетибдур.
Авизим, охири бир кун кетарсан,
Қаро ер ичра қайтиб, сабр этарсан.
Савам марлидусан, кори қилиб кет,
Сийнаггни ғамдан афғори қилиб кет.
Бу йўлда шерларни мўр этар ишқ,
Кўнгулни қийнагиб пуршўр этар ишқ.
Бировга гавжи султони берур ишқ,
Чунов тожи Сулаймони берур ишқ.
Бировни дарбала айлаб наришон,
Етолмай маҳубубига бағри бирён.
Бировга рўйи зебо кўрсатур ишқ,
Бировга Қабъатудлох кўрсатур ишқ.
Ки Мажнун кўзига Лайли кўрунур.
Ки хар дамда анга зайли кўрунур,
Бу йўлга соҳиби ихлос бўлгин.
Дуо айлайки, хос-ул-хос бўлгин,
Дили содиқ эди, асрор топти,
Ҳамиша раҳмати жаббор топти.
Дема мавлони тошмоғи кийиндур,
Раги гардананам Холиқ яқиндур.
Бу боисдан раҳи амниятинг йўқ,
Қолибсан йўлда холис ниятинг йўқ.
Қачон руйингга етгай бу мақомот,
Керак қилсанг элик йил нафъи исбот.
Ушал вақт сояйи бир тушса ногоҳ,
Бу йўлда мавж урса нури дарё.
Қадам қўйсанг тамоми роҳ бўлгай,
Дилу жонинг жамолудлох бўлгай.
Бўлуб ҳар соате фазли Илоҳий,
Эшитгай узрларни узрихоҳи.
Бу йўлда ҳар дилини сўзи йўқтур,

Мудом торик эрур, наврӯзи йўқтур.
Ўшал наврӯздин бебахрасан боз,
Самар тоғин, санам бўлгин сарафроз.
Раванда халқларни роҳи боҳдур,
Самарсиз умрни кўтоҳи боҳдур.
Жаҳонни гийбатидин тийра келдинг,
Мисоли оби дарё хира келдинг.
Солибсан гарданиннга гулли бисёр,
Бўлуб соат-басоат вазни бисёр.

Ҳ И К О Я Т .

Бер эрди Румда бир нахлавоне,
Кўтарди бошига санга калоне.
Муқалладе келиб устига минди,
Фасил йўл юридио бели синди.
Азизи айди: «Эй чиркин табият,
Эсиз жонингки, санга ҳайф меҳнат.
Худо амрини олмай гардапингга,
Кўтардинг бори вазинни таниннга.
Бошингга лангари шайтонки минди,
Миснинг охири бевақт синди».
Илоҳий, афв қилгин, вақтимиз танг,
Хатарлик йўлдадурмиз, пойимиз ланг.
Бу сўзлар кимёи аҳли жондур,
Насихат олмаган дилга зиёнду.
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
Кетарда бандани хушнуд қилгин.

КИМЕИИ ЕЗДАҲУМ.

Хабар олмоқ керак ҳар неку баддин,
Ки булма соати гофли Аҳаддин.
Ўшал нурдурки, ожизларга доим,
Дуосини қабул қилгай Худойим.
Қабули тавбадур сарбоз дилга,
Худо нурин тўқубдур мушти тилга.
Ҳама судинг сани ул зотдандур,
Не орифлар Худога ҳамсухандур.
Қудуратли кўнгулга бу шифодур,
Чу ғайб Аллоҳдин навшу намодур.
Карамлик баҳрга урмак керак даст,
Ўзини жумладан билмак керак наст.
Алам тортубдулар шеро жаҳони,
Кўрунмай дийдасига хонумони.
Муроди фатҳни очмак керак зуд,
Билиб бўлмас, ки мақбулу ки мардуд.
Ҳама машғулдулар ўз матлабинда,
Ҳама молчулар ўз мазахбинда.
Мақом қурб бирдан банда муштақ,
Билиб бўлмас кудоминни сўзи ҳақ.

Хабар топмасду махлуқи жаҳонгард,
Бу йўлда мард кимдур, мунда номард.
Ҳама афтодалар хуни жигардур,
Киши билмас, нечук халқ бохабардур.
Улуг паймонадин нўш айламабсан,
Қудуратни фаромуш айламабсан.
Бўдубсан интизори бадраги санг,
Бу боисдан сани отингду балранг.
Бўлур мастур кўзингди куфру йимон,
Кўнгулга сидқ йўқ, отинг мусулмон.
Ҳаёти дойимидин бебахарсан,
Азони ишқ эшитсанг, гўши карсан.
Кўнайди дилда доим шаққу райбинг,
Дилинг аъмо учун, пушида айнинг.
Экибсан маъсиятни тухмидан чош,
Сабо маҳшарда сирринг бўлғуси фош.
Ўшал ғайбданки бўлсанг авлак огоҳ,
Қушойишлар бўлур маълуми боло.

Ҳ И К О Я Т .

Сафар қилди зимистон вақти Баҳлуд,
Йўлуқти ногаҳон йўлида бир гул.
Ўшал вақт пойи шайх эрди чу урён,
Савол этти у шайхдан марди нодон.
Деди: «Бу вақт ҳушунг бор жойдурсан?
Сабаб надур бараҳнапойдурсан?
Қаерга борасан, эй марди олай,
Зимистон сахтдур, рўз шамоли?»
Жавоб айди ўшал покиза устод:
«Дилимни танг қилибдур сардобод.
Ки бордур жойида золимни гўри,
Анга оташ тушубдур гарм шўри,
Борай, ибрат олай, дилни қилай нарм,
Совуқ ебман, оёғимни қилай гарм.
Ул ўртасун, тамоша айлайин ман,
Ки бўлсун манга ўз айбим муайян.
Бу йўлда шод танбеҳ топса Намруд,
Мутеъ бўлгай бу йўлда нафси мардуд.
Хато дарёсини ғарқоби манман,
Мусибат киштисини оби ман ман.
Дами умрумда кўрмабман ҳаловат,
Мудом қилгон ишим бўлди касофат.
Бу саргардонлигимга сўрма голим,
Мушаввашдур бу дард бирла ҳаёлим.
Ҳама андешадан мумтоз қолдим,
Йўқ эрди ҳимматим чун боз қолдим.
Етолмай олай ҳимматларга йиғлаб,
Муҳаббат риштаси кўнгулмга боғлаб.
Қадамни илгари қўйдим мани доғ,
Ажал урди мани юзумга тирноғ.

Кейин кетимки, ҳафтод сола роҳи,
Саримда нафси шаҳватни гуноҳи.
Бири шулдўрки, чун бори омонат,
Муни мавзилга элтсам беҳиёнат.
Бири бори гуноҳни жамъ қилибман,
Накулар ўртасидан айрилибман.
Берур ҳар соате жонимга ваҳдат,
Кўтордим бу амонат то қиёмат.
Юким енгил эмас, йўллар тай урсам.
Сани бирлаки, бир соат гапурсам.
Ҳама кетдию навбат бизга етти,
Қариб келди қиёмат, вақти етти».
Шунингдек айди ул гавси ягона,
Гўристон сорига бўлди равона.
Ўшал соилки айди: «Эй нақуор,
Тамошога мани бирла олиб бор.
Манам ибрат олай ҳар шўру шардин,
Муталлёл дилини айдай бу хабардин.
Урой ҳафтод гўристонига бошим,
Тўкай Жайҳунча гўристонга ёшим.
Ўзимга ўзим айтай хира рў мард,
Сақол оқарди ҳаргиз тобмадинг дард.
Қилай ман сури Исрофилни барпо,
Тамошо устига ул ҳам тамошо.
Гўристон аҳли то дардимни билгай,
Тамоми аҳли гўристон тирилгай.
Йигилгай гирдима чандин зану мард,
Нечуксан деб дилимини сўргани дард.
Тамоми бандларим ул дам очилгай,
Гўристон устига қоним сочилгай.
Дилимга жўш урар дарёи мотам,
Агар оламини кўйдирсам, ҳануз кам.
Киши огоҳ эмас махфий сиримга,
Сақар куйгай шарарлик хотиримга.
Мани водийдаи аҳли тариқ қил,
Жаҳон устодисан бир йўл рафиқ қил».
Забон очти ўшал покиза гавҳар:
«Рафоқатлик қилолманг, эй биродар.
Хизрга бўлмади ҳамроз Мусо,
Фироқу дард охирда тошиб роҳ.
Ики тан анбиё афзал эдилар,
Ки бир-бирин сирини билмадилар.
Дилингни ҳамчунон барканда қил хас,
Бу йўлда тобей магбуъга етмас».
Муни айдию гирён бўлди охир,
Деди: «Йўл юрмагин, бу йўл хавотир.
Не поконларки, бу йўлга юрубтур,
Тамоми хаслигини кўйдурубтур.
Сани суратга йўл юрмоғ ишингдур,
Қадам қўйсанг, тамоми қоҳшингдур».
Бошини қўйди шайх олдига ул зор,

Деди: «Ман мубталога сан харидор».
Ани ожизлигини шайх билди,
Ани ажзига лойиқ раҳми келди.
Олиб борди ани ўзи билан боз,
Дилига мункашиф бўлди улуг роз.
Хатарлик, ваҳмлик йўллардан ўтти,
Баногоҳ сайри гўристонга етти.
Дилини тарсу ваҳм этти мушавваш,
Назар қилдики, гўрдан чиқти оташ.
Дили беҳуд бўлиб, саргаштаи зор,
Кўзини дамба-дам элтар эди нор.
Ўшал Баҳдул дилини айлади нарм,
Ул оташга оёгини қилиб гарм.
Бу ҳам пайрав бўлуб, ул ерда ночор,
Оёгини узотса куйдурур нор.
Чунон тортиб олиб, куйғон оёгин,
Дилидин қанда қилмас эрди доғин.
Ўшал орифга айтди марди дилсоф:
«Авал бисёр урар эрдинг улуг лоф.
Чу дарё кўрмаган баҳрни на билсун,
Шакар ичгон киши заҳрни на билсун».
Кулар ҳар аҳл дардга бехабарлар,
Дилига дард теккан сўнг билурлар.
Сўгун бўлгай балойи ногаҳон ишқ,
Билинг аршдан улуг бори гарон ишқ.
У вақт беғам эдинг, роз айгур эрдинг,
Дилинг жамъи халалдан дур эрдинг.
Ўзинг сувратда одамсан, дилинг гўл,
Насим топгин бу йўлда мисли Баҳдул.
Дилиннга йўқу қувват, йўл югурма,
Аёгингни ўшал оташга урма.
Авал Баҳдул бўл, бийнадалиқ қил.
Худони даргоҳида бандалиқ қил.
Супургин хонани, баъд ила меҳмон,
Авал дард топ дилиннга, сўнгра дармон.
Бу оташ хомларни кўйдурур бас,
Кирар оташга ҳоло пухтадил кас.
Халилга оташи гуздор бўлди,
Худони лутфи анга ёр бўлди.
Бу йўлда, эй жигар, жони сабил бўл,
Бўлай десанг, муҳаббат йўлида бўл».
Бу сўзни шайх Баҳдулдин эшитти,
Бир охи сард билан Хаққа етушти.
Бил эмди анга ул асрори ориф.
Муайян бўлди анга қори ориф.
Худо навмидидин бедор бўлди.
Худо лутф этти, бир хўрдор бўлди.
Вужудига тушуб барқи шу раҳмат,
Бўлиб ҳам авлиё, нймон саломат.
Санам мардисану саъйи жадал қил,
Жаҳондин ибрат олгину амал қил.

Матонинг борида бир муштарий топ,
 Нурунган бахра олгай қоф то қоф.
 Бу манзилдан у манзилга етушсанг,
 Ўшал соҳиб мукамалга етушсанг.
 Ҳидоят нартави товлар юзунига,
 Қўрунгай арши Раббоний кўзунига.
 Бўлур охир тамоми потамоминг,
 Битарсан Аршни тоқга номинг.
 Нишонинг бўлмагай оламда маълум,
 Адам бўлдунг ўшал дарёга чун гум.
 Қадаҳ олдинг қўлунига офтоби,
 Ичарсан ҳавзу Кавсардан шароби.
 Ҳама илминг сани ойина бўлгай,
 Тамом бошдан оёғинг дийда бўлгай.
 Худо нурини тўккай қолабингга,
 Етуштурнгай тамоми матлабингга.
 Юборгай номаи аъмолингга* зуд,
 Бўлур маълум ҳама мақбулу мардуд.
 Ки жавзо вақтида мезон тарозу,
 Ҳама бежо кетибдур зўр бозу.
 Кимики мунда бўлса кибр ила зўр,
 Бўлур маҳшар қунида сурати мўр.
 Ки бу зўрингни сан соатга ҳам қил,
 Гирибонинг тутар вақти ажал бил.
 Маҳал ўтқормагин қобилигинг бор,
 Ажал келса, на маст қолгай, на ҳушёр.

Ҳ И Қ О Я Т .

Бор эрди шайх содиқ авлиёе,
 Дилига орзуи асиёе.
 Буюрди сўфийларга қутби аббор,
 Манга бир осие айланг чу тайёр.
 Чу эъзоз этилар бадри мунирни,
 Тутуб толиблари ул амри пирини.
 Қилиб хизматни толиблар бажойи,
 Чу тайёр этилар бир осийи,
 Ҳама дармондан ул қор бўлдук,
 Юдук қўл зиндалиқдин, балки ўлдук.
 Эшитти бул суҳанни ул дили пок,
 Гирибонини ҳасратдин қилиб чок.
 Жунун тегди ўшал ориф дилига,
 Гумондур тушти оташ манзилига.
 Муборак дийдаси қон бирла тўлди,
 Ўзидин кеттию беҳуд бўлди.
 Азизе деди: «Қилма оҳи бисёр,
 Фалонни юртига бир осие бор»
 Жавоб айдик: «Синди, хўб бўлди,
 Жафоя ранжу меҳнатдан қутулди.

* Б.: аъмолинг.

* Қ.: Насибанг бор гишти ним манидин.

Бутунлик вақти саргардон эди ул,
 Ҳамани қорига ҳайрон эди ул.
 Бузулгонларни сўрмаслар баяқбор,
 Назардан ташлагайлар охири қор.
 Қўюнг, йиғлай, балодур манга ҳасти,
 Манам тобсам эди йўлда шикасти.
 Кимики йўқтур олам офтоби,
 Тегар осон анга дурри хушоби».
 Бўлай десанг бу йўлда порсодак,
 Ўзуниги йўлга синдур оседак.
 Шикастинг зоҳирингга давлатингдур,
 Яқин билгилки, озоди хатингдур.
 Кимики халқ ичида жавҳари бор,
 Бошига қулли халқни лангари бор,
 Бу йўлда ким кўтарди бори вазмин,
 На дунё қўлига кирди ва на дин.
 Сабукрав бўлки, дарёдек шитоб эт,
 Ки қилсанг хонани мисли ҳубоб эт.
 Муқобил бўлмагай нақшинг азалга,
 Ҳама нақдош музтардир ажалга.
 Чунон беҳудагўсан мисли нақдош,
 Мабодо, кўркаман, айбиг бўлур фош
 Манидин кўрқасан, оби манидин.*
 Насибинг хишти хоми ним манидин.*
 Гуноҳ вазмину ҳоки гўр вазмин.,
 Чечук топгай гуноҳлик банла бу дин.
 Сабукравларки, чун раҳматга ботти,
 Ҳама нақди жаҳонни динга сотти.
 Хаёлидур бу нақши кўҳна дунё,
 Сафар осон эмас, эй кўру гумроҳ.

Ҳ И Қ О Я Т .

Низомулмулк зар фармойиш этти,
 Тамоми халқни дарқоҳиш этти.
 Деди: «Бу йўлда дўғоне қурунлар,
 Мани номимга зар сикка урунлар.
 Бу бўлсан манга шоҳликка аломат,
 Ки қолсун яхши номим то қиёмат».
 Бор эрди мулкида шўрида ҳола,
 Ўзи қутб эрдию соҳиб камола.
 Тамоми жойидан ул эрди огоҳ,
 Йўл устида йўлуқти анга ул шоҳ.
 Забон очти ўшал покиза кирдор:
 «Ҳамани жавринг охир қилди безор.
 Агар ном изласанг шохи гиёми,
 Адолат қилки, бўдур яхши номи.
 Нажосатдур бу дунё, асли бадном,
 Нажосат устида ҳайфи улуг ном.
 Эшит, зар ҳар кима бўлса муқаррар,
 Ани туфроғ остига кўмарлар.

Дема бу зарга нақш этмоғи беҳроқ,
 Эсиз номекя, тушса таҳти туфроқ,
 Нақуноми тиларсан, кори дин қил,
 Худони нурига дилни яқин қил».
 Бу сўзни англади озода ул шоҳ,
 Чинарди сийнасидин ногаҳон оҳ.
 Ҳамани корини бебарг билди,
 Хукуматишу шу боис тарк қилди.
 Жадал қилдию топти мақсудини.
 Худо кўрсатти роҳи беҳбудини.
 Аларга бор экан дарёи раҳмат,
 Имо бирла асар қилди насиҳат.
 Жароҳат кўҳна бўлди, кўн бўлур гам,
 Асар қилмасдур осонида марҳам.
 Гуноҳни заҳмидан носур эди дил,
 Бу носурдан мудом андишае қил.
 Даво етурса Луқмон учрағай зуд,
 Кўрунғай дийдаларга роҳи беҳбуд.
 Йиқилмас деб кўнгул хавфин унутти,
 Бу коза бемадор* эрди, йиқитти.
 Агар мардидусан бу қозадан чиқ,
 Туганмас ранжи беандозадан чиқ.
 Ки Маҳмуддин, Рафурдин излагин тож,
 Расул қилғай сани ҳамрози меъроқ.

ҲИҚОЯТ.

Хулоғу қилди Бағдод шаҳрига зуд,
 Шарият йўлини қилмоғга масдуд.
 Гадое бор эди ҳам кўру ҳам лағз,
 Ҳамша нафсе ила ул эрди даржавг.
 На оши бор эди, на тақяу нон,
 Қочиб борди ўшал сайри гўристон.
 Жунуне бор эди, кўнглида шўре,
 Йўлуқти анга ногоҳ кўҳна гўре.
 Ани маскан қилиб ранжур ўзига,
 Худодин ўзгани кўрмай кўзига.
 Қирилди етти лак халқ, бўлди помол.
 Ҳама ҳолига саргардон чу аъмол.
 Кашоли хотири йўқ эрди ҳоли,
 На фарзанд бор эди анга, на моли.
 Ҳама ўлгон сўғун чиқти байқбор,
 Топилди мардга ҳамхона бемор.
 Савол эттики: «Танҳо гард бўлдунг,
 Бу зулматхонадан қандог қутулдунг?»
 Жавоб айдик: «Ман марди сабуқрав,
 Гамим йўқ, кулли олам кўйса як жав
 Ризоқў халқга мотам чи қора?»

* Ҳар икки нуқтада: бемадора
 (вазнга тушмайди).

* Б.: қор.

Бузулса, зуд бузулсун, гам чи қора!
 Ҳамани ютти бу дунёу пурпеч,
 Бузулса, зуд бузулсун, эртаю кеч».
 Дуо қилди ўша гавси замони,
 Бориб бир гўшага бўлди ниҳони.
 Ҳаловат изласанг, нафси сақат қил,
 Агар мардсан, бу манзилни лаҳад қил.
 Ким узлат айлади, офат чи қора,
 Бузулган хонага зийнат чи қора?
 Ҳама васвоси, саргардонлигинг бор,
 Кўнгул андишаеи, водонлигинг бор.
 Киурсан марг хумдонига ночор,
 Бузулгонларни ташлаб охири нор.*
 Баси етмасму динингни камол,
 Назардан холидур сингон сафоли.
 Бу йўлда тутти ул шоҳни қаландар,
 Гуноҳ яхшими санга, сийм билан зар?
 Деди ул шоҳ: «Мани қайтарма йўлдан,
 Манга зар яхшидур, кулли гунаҳдан».
 Табассум қилди деди: «Урмагин лоф,
 Бу йўлда урмагин беҳуда қазоб.
 Сани сўзингга кўрмайман фуруғи.
 Бу сўзни айтмагин ҳоло дуруғи.
 Лаҳадга элтасан қони гунаҳни,
 Кетарда ташлаб ўт, бори гунаҳни».
 Шунидек айди ул шоҳ, тавба қилди,
 Жаҳондан шаҳ ўзини фард билди.
 Санам мардидусан, мардона бўлган,
 Ҳамани базмидан бегона бўлган.
 Тамом асордан кули баҳравар қил,
 Дилимга дард бер, пурчашми тар қил.
 Бу сўзлар кимёи аҳли дарддур,
 Кимики, кори Ҳақни қилди, марддур.
 Агар мардидусан айёмдан кеч,
 Фалак саркуби бўлгин, номдин кеч,
 Ҳидоят йўлида бир раҳмаму топ,
 Ҳиҷун даштига кир, бағрингя хун топ
 Қачон осон эрур тақвоу тоат,
 Чу осон билмади аҳли қаваот.

КИМЕИИ ДУВОЗДАҲУМ.

Азизо, асли билсанг йўл хатардур,
 Юкунгни юклагин, вақти сафардур.
 Адашмасдан буруироқ роҳбарни.
 Кўзунг борида ахтар ҳамсафарни,
 Байқборе адаштурди сани дев,
 Ярим йўлда қолурсан марди қолиб.
 Сани тақлидларинг ҳаргиз яромас,
 Адашган сўнг, киши санга қармас.
 Кетарсан кўрдил, чашминг очилмай,
 Бу дунёда заруратларни билмай.

Ушал донишни топ, сўнгра амал қил,
Қўлунгдан келса, кишти бармаҳал қил.
Абас ўтса сани умри баҳоринг,
Қабул қилмас сани нурдан коринг.
Бу ишни рўзи аввал тутмагин саҳл,
Саҳл тутгон киши бўлди Абу Жаҳл.
Нақулар суҳбатидин таълим олгин,
Таваккул раштасин бўйинунга солгин.
Кимяки жисму жони дардга тўлди,
Танига етти дўзах саод бўлди.
Бу йўлни ошиқисан, дардманд бўл,
Ўзингдан кечгину химмат баланд бўл.
Ўзингдан гардани нафси чолибдур,
Хама нисбатни химматдан топибдур.
Мунофиқларга ҳаргиз боргоҳ йўқ,
Паймбар айди: «Беҳимматга роҳ йўқ».
Карам дарёсидан раҳмат талаб қил,
Ани даргоҳидан химмат талаб қил.

ҲИКОЯТ.

Кетар бўлди жаҳондин хожа Муфлис,
Ибодат бобида монанди Идрис.
Ҳидоят боғидан заҳроба ютган,
Кўнгул мулкни зулматдин аритган.
Ажал келди гирибонини тутти,
Жаҳонни коридин дилини совутти.
Анга рў берди чандин беҳузори,
Ажал келдию кетти кўзни нури.
Тамоми ақрабоси мисли ҳезон,
Хама бад кўрдию бўлди гуризон.
Кетар вақтини билди олийҳиммат,
Азиз фарзандига қилди васият.
Деди: «Пайванд жоним, нури дийда,
Дилингни жумладан қил орамида.
Кўзунгни юм тамоми ақрабодин,
Талаб қил, ҳожагинг бўлса Худодин.
Отам муфлис кетубдур, дема зинҳор,
Йиғибман тоати, ҳарвор-ҳарвор.
Бадавлат кетаман ҳаргиз камим йўқ,
Жаҳонни сел агар олса, гамим йўқ.
Эшит қавлимни ҳаргиз бўлма тангдил,
Танамга қўхна қашшим мурдошўга,
Дарида саллани, эй марди тамкин,
Васият шулки, гўр қозонга бергин.
Тараддуд қилма дигар жустижўга,
Юборгин кўхна қашшим мурдошўга,
Ишорат айладим, эй марди оқил,
Ки мундан сўнграги ишларни сан бил».
Васият қилди фарзандига тақдор,
Хама мақсудни анга қилди изҳор.
Далида қолмади ранжи хавотир,

Кўзин юмди жаҳондин кетти охир.
Азиз фарзанди қолди термулиб зор,
Васиятларни қилди дилга тақдор.
Кели сармоийи сўзу гудози,
Кетурди ул дарида жойнамози.
Надарни руҳини олиб назарга,
Мусибатлиқ кафан бичти падарга.
Ҳариз кудратни билдурмоқчи Ғаффор,
Ғадое айланиб келди баяқбор.
Дилига нақш қилгон кулл сабақни,
Балавд айди эшикда номи Хақни.
Бу мардни сийнаси зардоб бўлди,
Дили мумлек эриди, об бўлди.
Асар қилди анга оху фиғони,
Ғадони чорлади ул навжувони.
Деди: «Мундин батар оламда ғам йўқ,
Мусибат дийдадурман ҳеч нам йўқ.
Ғадосан дилини шаҳрини тай ургин,
Келибсан, эмди мақсудинг ганургин».
Ғадо ўз ҳожагидан қилди талқин,
Деди: «Масжидга бор эмди муаззин.
Сари роҳида кўрдум бир ғариби,
Казо қилди ватандин бенасиби.
Кўзига ғамни туфроғи тўлубдур,
У мардни ўлғони уч кун бўлубдур.
Кафан муҳтождур бу йўлла музтар,
Келибман даргоҳингга, эй биродар.
Агарчи ҳеч ниманг йўқ, мард солор,
Бадавлат деб келибман, химматинг боғ.
Хориб чарчаб ҳалокатга етибман,
Масжидга мурдасини беркитибман.
Бу сўзларни ғадо айтгон баробар,
Жавонмард икки йўлда бўлди музтар.
Деди: «Қилсам ғадога мунча эҳсон,
Надар қонгай кўмулмай, дил паришон.
Бу мушкулдурки, бе хуршид кетса,
Ғадо ранжур бўлуб, навед кетса,
Кўнгул сарриштаси яқсар зуулгай,
Ғадо бечорани кўнгли бузулгай.
Тарик бандалиқдур манзил олмоқ,
Наямбардан қолибдур кўнгли олмоқ.
Тириклик бандани неку шикори,
Қилай бир йўлни охир ихтиёри.
Бу давлат хонадин беҳбуд кетсун,
Будур қасдим, ғадо хушнад кетсун.
Буқун химматни баҳрига чўмарман,
Надарни бурё бирла кўмарман».
Жавони порсойи аҳли тоат,
Ғадони дастига еткурди ҳожат.
Ғадо мақсудига чанг солди кетти,
Дуо қилди, кафанни олди кетти.

Қараб қолди муборак дийдаси ҳам,
Бу йўлда қолиб афсурдаси ҳам.
Буюрди ходимга жо-бажойи,
Кетур бир жойдин уч бўрйи.
Агарчи химмати қилди нагуном,
Кўрунг Ҳақдин Хизрга келди илҳом.
Кел эй, Хизро, кўнгиғ мулкин чаман қил,
Мани дўстумга сан гўру қафан қил.
Югин сан мурдасин дастанга тоза,
Ўқу чилтан билан анга жаноза.
Ҳама коридан огоҳ эрдиким ул,
Тамочи гавеларга шоҳ эди ул.
Агарчи зоҳири муфлис тамочи,
Тўқуб эрдим дилига кимёни».
Худо қудратни анга қилди тоҳир,
Кириб келди эшиқдин Хизр охир.
Қўлига хулдан жаннат муайян,
Ақибдин тамочи кутбу чилтан.
Етушти тоқи арш—уллоҳга номи,
Ажаб қавмга Хизр бўлди имоми.
Юди ўз қўли бирла тарру тоза,
Ўқудилар ҳақиқатлик жаноза.
Ўшал муфлисни гамдан пок қилди,
Хизр ўз қўли бирла хок қилди.
Васият қилди химматлик жанозага,
Қўшудини эй жигарбад, корвонга.
Дилинг лавҳу қаламдин манзил олди,
Бу уч қомилни қурби санга қолди.
Отанг чилтанга сардор эрди яқдил,
Бу сўзини англаб ол, фарзанди қобил.
Гадо ҳам хасталарни дастигри,
Ўлум вақтида чилтанин бириди.
Ғарибни ҳоли бизга равшан эрди,
Яқин билгин қатори чилтан эрди.
Бу уч суннат санга қолди муайян,
Буқун қилдук сани сардори чилтан.
Жувонмард айди: «Билдим тоатим йўқ,
Бу йўлда мўри лағман, ғайратим йўқ.
Улуг дарғаҳга бематлаб тушубман,
Алошиб тўғри йўлдан чан тушубман.
Мудом саркашлик айлар аждаҳорим,
Дилимдан қанда бўлмайдуру губорим.
Талабда гандалардан гандалурман,
Эгам даргоҳида оғиз эрурман».
Бу сўзлар Хизрга кўп хўш келди,
Муборак химмати даржўш келди.
Дедилар: «Санга бердук, шод қилдук,
Сани сардори кулл автон қилдук».
Кўтерди Хизрдин — дарёйи раҳмат,
Дилидан қанда бўлди кўхи зулмат.
Дили дарёйи пур раҳматга кетти,

Улуг нисбат билан ҳимматга кетти.
Қашиши бори раҳмат бўлди жони,
Ҳақиқатдан жило тошти иймони.
Улар ўз қорини битқорди кетти,
Яқин билгинки, навбат санга етти.
Дарига, тўғри йўлдан беҳабарсан,
Саринг тобутга еткон сўнг кўрарсан.
Талаб қилгинки, ўлмасдан бурунроқ,
Ажал бошинга етмасдан бурунроқ.
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
Кетарла бандани хушнуд қилгин.
Илоҳий, нафси саркашдан навоҳ бер,
Кетар вақти қулунга «кимё» бер.
Хусусан кимёйи дин балавддур,
Тамочи кимёлар мунда банддур.
Илоҳий, нафси саркашии забун қил,
Таассубни ҳаблимдан беруи қил.
Ҳамани айби келди зери нарда,
Қулунгни сақлагин роҳи хатерда.
Кўнгулни нахватини дур қилгин,
Қабри олами пурнур қилгин.
Кўнгулга ғайбдин сол жустиўйи,
Кетар вақтида бергин обрўйи.
Илоҳий, раҳматинга ошно қил,
Қадиқат сиррини кўнгулмга жо қил.
Қаманди ғайрати кўнгулмга ташла,
Ҳама умматни сан ўнг йўлга бошла.
Агарчи муштипар калдук, назар қил,
Дарахти сидқимизни нурсамар қил.
Каромат қил дуоим мустафодин,
Насиби бахшлагин шувдоғ дуодин.
Мунаввар айла рўзи нидимизни,
Қабул қилгин ҳама тақлимизни.
Набийни суннатиға айлайик дил,
Баробар бўлса ул вақт нашшау фил.
Қушода қил ҳамиша роҳимизни,
Дароз этгил яди кўтоҳимизни.
Баду неки жаҳондин боҳабар қил,
Дилимга дард бер, дийдамни тар қил.
Дилимга бахшлагин оқи асарвоқ,
Қийағ ёқамни махшар хавфдин чоқ.
Сийнамни махзан-ул-асрор қилгин,
Ман ўлмасдан бурун хушёр қилгин.
Замирини қудратдин жудо қил,
Ўзунгни раҳматинга ошно қил.
Ҳинг бедор қилгин хобимиздан,
Чиқоргин зулмати кирдоримиздан.
Агарчи ҳеч эрур бандангни қори,
Илоҳий, қилма, ё Раб, шармсори.
Ҳамага бори вазнин, бори баста,
Ҳама Ҳақ йўлида гардан шикаста.

Этилгон гардани озодаларни,
 Эгилмай сар, дарахт топмас, самарни.
 Кўнгулга гафлати келди ҳараж бил,
 Санам Ҳақ йўлида гарданига каж қил.
 Ки шояд беҳбуде кўнгулгига тушгай,
 Фигону нолаи зоринга тушгай.
 Етуштургай қаламга хатти номинг,
 Яқин бўлмай тамому нотамоминг.
 Каму беши жаҳонга боқма зинҳор,
 Сафар қаттиғду, марказ йўқту хамвор.
 Жаҳондин барқдек бўл, раҳгузар кет,
 Сафар бобида монанди қамар кет.
 Ажаб йўқтурки, мақбул бўлса тоат,
 Тулуй берса ўшал субҳи саодат.
 Муайян бўлса лутфи бегарони,
 Ёқилгай бандани шамъи йимони.

Ҳ И К О Я Т

Ўлар вақтида ул шайхи Хасанбоз,
 Бор эди гирдида минг соҳиби роз.
 Қилиб ханда чунон хурсанд бўлди,
 Хамани ақли охир банд бўлди.
 Хама таҳсин қилиб турди баякбор,
 Муридлар дийдаси хун бирла саршор.
 Саволе қилди бир марди жаҳонгар:
 «Ажал вақтида зори яхшидур, дард.
 Ажаб таҳсинки, эй давлатли банд,
 Вафотинг вақти лозим йўқту ханда.
 Хама махлуқ, безикри Худо йўқ.
 Санинглек шермардлан бу раво йўқ.
 Кимини дили чу гафлатга тўлди,
 Агарчи зиндадур, гўёки ўлди.
 Олибсан икки марғни доминингга,
 Иков тушти сани пайроҳанингга,
 Нечук мардидусан, умрингду барбол,
 Ажал бошинггалуб, сан мунда дилшод.
 Юбормабсавқи, манзилгоҳа тўша,
 Бўлбубсан гарқай гафлат хамиша.
 Гама йимонни е, эй марди диндор,
 Сабо чанди қуларсан охири кор.
 Дуруст кеттим дема, элтмай йимонни,
 Худони қаҳридин бўлмағ омони.
 Бу йўлда уқбай пуршўр бордур,
 Кўмилгонда азоби гўр бордур.
 Чунон бердинг жавоби босавоби,
 Ҳисобингни тилар рўзи ҳисоби.
 Агарчи зоҳирингга бу талаб бор,
 Етушган вақтида номангга гап бор.
 Тарозу бору мезони ажойиб,
 Узингдан кетмагин, эй шайхи гўйиб.

Бу йўлда ваҳми маҳшардан букулгин,
 Ким айтти санга марғ вақтида кулгин.
 «Сирот-ул-мустақим» олдингда тайёр,
 Баякбори йиқилсанг, сарнигунсор.
 Хатодур бунда кулмор, эй жувонмард,
 Баякбори йиқилса асни пургард,
 Йиқулгон сўнгра синар дасту-пойи,
 Каромат қилмага луғфи Илоҳий.
 У давлатхонага етгунча ғамдур,
 Гирибонинги чок этсангки, камдур.
 Етар санга шу ғам, эй марди диндор,
 Худони ҳикматиға ҳадди қим бор?
 Дилингни қилма бисёри паршон,
 Ўтар шодию ғам олдингдан ошон.
 Тўқуб кўз ёшини ёқангни қил нам,
 Раҳи мотамни тут, ғавси мукаррам». Эшитти сўфий қавлини ўшал мард.
 Дилини шўриши сар ври пурдард.
 Деди: «Эй сўфий маини беҳабарсан,
 Санам бу водийга етсанг қуларсан.
 Бошимга сояи Тубо дарахти,
 Кетурдилар манга ҳафтод тахти.
 Леги келгинки, чорлайдур сани пир,
 Сани йўқлайду ул шоҳи жаҳонгир.
 Бошимга соя қилгон нури жаннат,
 Ана олдимга тахту хури жаннат.
 Турунг энди зарофатлар ёнимда,
 Биҳиштү хур ила Кавсар ёнимда.
 Букун тўюнгду, ҳоло ханда қилгин,
 Худони раҳмати естингда билгин.
 Кими бандам деса Холиқ, на ғамдур,
 Боши аршдин ўтуб кетса, на ғамдур.
 Бу йўлда хуни дил бисёр юттум,
 Ибодатлар била хуноба еттум.
 Нидо келдики, эй давлатли банд,
 Ҳамиша йиғладинг, қил энди ханда.
 Етўр илҳоми Раббоний дилимга,
 Мани еткургай охир манзилимга.
 Мунаввар қилди хира хотиримни,
 Мутеъ қилди бу нафси кофиримни.
 Иноят соясн тушти бошимга,
 Хама хуру малак келди қошимга.
 Жаҳонни мотамидан шод қилгай,
 Умидим кўп, мани озод қилгай.
 Етуштиргай «шароби ан—тахуро»,
 Бўлур зоҳир билан ботин муҳайё.
 Муҳаббат ҳар кишига тонилур боз,
 Бўлур охир ибодатга сарафроз.
 Тўқулгай нажи маъни қолабинга,
 Етуштургай худойим матлабинга.
 На давлатдурки, на субҳи саодат,

Дилига ханда келса вақти рихлат.
 Ушандоғ ханда сад тоатдан ортуқ,
 Фарах еткурса Ҳақ жаннатдан ортуқ.
 Башарти комили ул роз келсанг,
 Бу йўлда раҳмат излаб боз келсанг.
 Худо еткурса чун нури фаровой,
 Бўлур бир қатраси сад баҳри Уммон.
 Висоле келса дарёи талотум.
 Бўлур ҳар айбу нуқсонлар, ҳама гум.
 Очилгай равази ризвони комил.
 Бўлур мўъминга аршуллоҳ чу манзил.
 Дили қайнаб чу келди дег даржўш.
 Нафас танг келдию шайх бўлди хомуш.
 Ушандоғ олий ҳиммат қутби автод.
 Ажал силласидан чун тегди барбод.
 Санам кетмам дема, охир кетарсан,
 Ушал манзили олийга етарсан.
 Башартики, дилинг оғоҳ бўлса,
 Мудом фарқобаи Аллоҳ бўлса.
 Ҳидоят кўчаси мўъминга яхши
 Риёзат ори соҳиб динга яхши.
 Агарчи дур эрур бу роҳи тамғид,
 Кўлунгдан келмаса, қилмангми тақлид.
 Қям айтти санга бундоғ худрў бўл.
 Жалад қилгин эронлар сориға йўл.
 Мурид улдурки, бирда бўлса доим,
 Пирини амрига зуд бўлса қойим.

Ҳ И К О Я Т.

Азизе гўша қилди нафъю исбот,
 Шабоне бас йироғдин кўрди ношод.
 Эғиб чун гарданини келди йиғлаб,
 Савол эттики шайхдин олий матлаб.
 Деда: «Билдим сани ғамгин дилафкор,
 Дилингга охиратни хавфи бисёр.
 Кетар вақтингда ман тарсингми билдим,
 Бу боисдан санга тақлид қилдим.
 Ани кўрди бу шайх, қилди дуо,
 Шубони пеш бўлди авлиёе.
 Илоҳий, хуррам этгин ийдимизни,
 Ўзунг мақбул қил тақлидимизни.
 Ҳама афтода излар сандин уммид,
 Каромат қил қулунгни қилма навмед.
 Ҳама олойишамдин пок қилгин,
 Кетарда соҳиби идрок қилгин.
 На бўлгай дарғаҳинга тахтаи хок,
 Бу раҳмат баҳрига қилсанг ани пок.
 Лекин кирдори хос—ул—хосимиз бор,
 Ўзинг ихлос бер ихлосимиз бор.

* Б.: Босойди халқ бир.

Танимда нафс бордур бир наҳанги,
 Шу ҳасрат бирла бормиз дилтанги.
 Қани собитқадам, йўллар тай ургай,
 Ҳақиқат кимёсидин гапургай.
 Муборақ сийнасидан очса маъни,
 Жаҳондин пок бўлгай ганда даъви.
 Бу йўлда маърифатни тоза қилгай,
 Ўлуклар охи сарлидин тирилгай.
 Даҳонидан тўқуб шаққарфишони,
 Очиб асрори Ҳақдин достони.
 Солиб шўришга толибларни ул пир,
 Қилиб бир неча кун «омин»ни тафсир.
 Оқизгай дийдадан жўйбори хунни —
 Ки, сармаст айлагай аҳли жунунни.
 Ҳазор оқили то девона қилгай,
 Тамоми гайрдан бегона қилгай.
 Жунун ҳар кимга тегди-топти анвор,
 Дили тонти бу йўлда ганижи асрор.
 Нафас беёди Аллоҳ чиқмади ҳеч,
 Жадал қилди у толиб эртаю кеч.
 Қани оқилки, кўн андиша қилса,
 Худони зоти покига йиқилса.

Ҳ И К О Я Т.

Азизе етмиш йил, ул қалби равшан,
 Риёзат бирда тотмай асли равшан.
 Ки чиқти хонақоҳдин ул накурўй,
 Димоғига етушти равшанин буй.
 Тазарру қилди ул нафси замоне,
 Забони ҳолидан деда ниҳони.
 Деда: «Эй шайх, мани барбаста қилдинг,
 Бу етмиш йилда ғамгин хаста қилдинг.
 На бўлгай манга очсанг лутф боби,
 Ки берсанг дуқмас манга қабоби».
 Чу ажзи нафсини ул шайх билди,
 Ушал кофирга шайхни раҳми келди.
 Дилида нафси шуми бўлди ғолиб,
 Қадам қўйди бу нафс йўлини олиб.
 Дилида бор эди юз минг пушаймон,
 Йўлуқти шайхни олдида зиндон.
 Қадам қўйди замоне илгароғи,
 Босийди бир* асас бандига доғи.
 Деда нафсига: «Бўлди бу сингори,
 Кабобе изладинг, мундан олиб е.
 Азизлар дуқмаси хуни ижардур,
 Санинг осойишинг бир дардсардур».
 Бу йўлга сазй қил, поёни бўлмас,
 Аламлик йўлларини сони бўлмас.
 Қаерда ранж кўндур, ганиж бисёр.
 Агар бўлсанг бу маънидан хабардор.

Мусулмон бўлди охир нафси саркаш,
 Ўшал ориф дили бўлмади мушавваш.
 Агар билсанг ҳақиқатдан хабардор,
 Ниҳоли боғи динига самар бор.
 Лекин санди хондур бу ҳазойин,
 Саги нафсингни ур, бўлгин бетамкин.
 Талаб бозорида бемагз қолма,
 Мусибат шаҳрида чун чүз қолма.
 Бу йўлда чилла ўлтурсанг чуин қил,
 Қадам қўйсанг, қиёматни яқин бил.
 Ўзиндан кетмагин, эй чашми баста,
 Ки борсан кўзай гарданшикаста.
 Хабар олсанг ўзундан, мисли хассан,
 Ибодат қилмасанг, мисли магассан,
 Залолат йўлини маҳкам тутубсан,
 Худойингни дилинган унутубсан.
 Мудом борсан бу дарддан орамида,
 Ёшинг саксонгаю, сан норасида.

Х И К О Я Т .

Гадое келди муфлис-даст кўтоҳ,
 Баланд айтти чунон «Аллоҳу-Аллоҳ».
 Фигони чиқти Маҳмудни дилидан,
 Бараҳнапой чиқти манзилдин.
 Бериб инъом анга ўтгуз синар зар,
 Худо исмини эъвоз этти ясар.
 Яна бир эрта ул дарбанд дунё,
 Баланд айтти чунон «Аллоҳу—Аллоҳ».
 Тақозо қилди Маҳмуд берса гавҳар,
 Аёзи деди: «Эй шоҳи диловар.
 Мунга бергон билан бу бўлмагай сер,
 Агар берсанг жаҳонни мулкини, ер.
 Чунон ойнадан равшан қилай ман,
 Манга қўйгин иложин зуд қилай ман».
 Бор эди шоҳге кўп эътибори,
 Мунга берди бу ишни ихтибори.
 Эшякка чиқти ул покиза тийнат,
 Гадога хушқлар қилди бағоят.
 «Ажаб келдинг,—деди,—эй марди ноком,
 Санга Маҳмуд ҳазина қилди инъом.
 Олиб кирдики, минг ботмон зар эрди,
 Ажойиб вазминчу бир ланга эрди.
 Кўторсан деб буюрди санга у шоҳ,
 Ана кўнглингча олгин моду ашё.
 Ки ҳирси маркаби бўйнига минди,
 Кўторгунча гадога бўйни синди.
 Шу хасрат бирла вобуд бўлди охир,
 Наҳосатни таҳида ўлди охир.

* Қ.: таридор

Азалдан зор эди, чун зор бўлди,
 Ўзи мурдор эди, мурдор бўлди.
 Виредар, зарга ҳорис бўлма зинҳор,
 Кимки аҳли ҳорисдур хатар бор.
 Ниҳоятсиз ўшал шоҳи қарамбахш,
 Иймонни номаларга айлагай нақш.
 Анингдек шоҳдан сан мунча гофил,
 Ўлуб кетсанг, на мушкул ҳирсга жоҳил.
 Илоҳий, тарқи нул қил комимизни,
 Ўзинг оғоз қил анжомимизни.
 Ҳама шери жаҳонлар ҳун ютарлар.
 Сани лутфундан уммиди тутарлар.
 Чу лутфунг бўлмаса банданга дастир,
 Иймонни нобуд айлар нафси кофир.
 Сани Ваҳҳоб отингни фард билдүк,
 Ду оламини кўнгулдан сард қилдүк.

Х И К О Я Т .

Бор эрди сўфийе чун ишққа бадном,
 Дилидин нозанине олди ором.
 Ҳамиша меҳрибон эрди нигори,
 Ўшал сўфийки саршори дийдори.
 Бориб кирмоғига афсана қилди,
 Нигорин кокилини шона қилди.
 Чу голиб бўлди дилга гуфтгўйе,
 Ўилди шонага маҳбуби мўйи.
 Қоқиб ташлаб сўфийни дастини боз,
 «Орийбер жоҳили сўфийи гаммоз».
 Забон очти тўқуб чун дийдайи тар,
 «Агар кетсам, сани ким шона айлар».
 У маҳбуб олдин бўлди равоне,
 Бориб бир гўшага бўлди ниҳоне.
 Хабар берди ўшал ширин забонга,
 Эсиз сўфийки, кетти ул жаҳонга.
 Дилини он қадар гамнок қилди,
 Гирибонини гамдан чок қилди.
 Фигон қилдики: «Эй соҳиб таъзим,
 Сани қадрингни билмодим, азвзим.
 Бузуб кетгин дилимни шод қилмай,
 Иморат бошладинг, обод қилмай.
 Лариге, офтоби шамси жоним,
 Ки бесан чун хазондур бўстоним.
 Дориго, йўлда гум бўлди нигиним,
 Қани озода дил ул ҳамнишиним?
 Дариго, сийналар хун бўлди бисёр,
 Кишим йўқ, токи зуд бўлгай хабардор.*
 Дариго, гамни саргадони келдим,
 Ҳамиша фарқан тўфони келдим.
 Ғарибман, ҳеч кима етмас фигоним,
 Қани ул сўфийи ширинзабоним?

Сабукборига бевақт айладим ноз,
 Қўлимдан пок кетти шамъи мумтоз.
 Дилимни дарднок этсам топилмас,
 Гирибонимни чок этсам топилмас.
 Ушандог нозанини хуш ифода,
 Йўлида ўттуз ҳаж қилди пиёда.
 Охир ҳажжига кўнгул шод бўлди.
 Хуло лутф айлади автод бўлди.
 Илоҳий, оқибат Маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин,
 Чунон лутф айлагин шоди қилай ман,
 Дилимни ишқдин автод* қилай ман.
 Сулаймондек дилимга шод бергин,
 Кетар вақтда хати озоди бергин.
 Тамоми неку бадан бохабар қил,
 Ки ғайб—ул—ғайбдан сан жилвагар қил.
 Нафас чиккунча соҳибдард қилгин,
 Бу ожизликни раҳовард қилгин.
 Улур йўлдан мани қайтарма, ё Раб,
 Дийдорингдур қўлунга асли матлаб.
 Бу сўзлар кимёйи ҳар ажамдур,
 Кимики дарди йўқтур ақли камдур.
 Бу маънига дилинг бўлса мувофиқ,
 Бўлурсан Ҳақни дароҳига лойиқ.
 Кетар вақтинг эрур, бемор кетма.
 Жадал қил, тохир ўл, мурдор кетма.
 Агар минг марта айтсам, гўши карсан,
 Дилингда маъни йўқ, қардин батарсан.
 Агар аслини айтсам, эй хунук рўй,
 Дуоғў топ, дуоғў топ, дуоғўй.

КИМЁИ СЕЗДАҲУМ.

Азизо, гинани дилдан бадар қил,
 Ўзунгни сан қатори яхшилар қил.
 Агар ҳамдамни топсанг, ҳамнафас бўл.
 Ки ҳар помондага фарёдрас бўл,
 Худо собирларини нур айлар.
 Хатарлардан, балодан дур айлар.
 Дами аввал, дами охири билгин.
 Чу Айюбек баалога сабр килгин.
 Ҳақиқатбин керак, бу йўлни билса,
 Қиёмат ваҳмини андиша қилса.
 Бу ҳасрат бирла тўкча чашми тарни,
 Кўзидан дамбадам хўни жигарни.
 Хамиша роҳи гўристочни тутса,
 Таманноларни хотирдан унутса.
 Ўзини қилса йўл устида хошок,
 Гирибонлар сақарни хавфидан чок,
 Мунигдек йиллагин мақсулга етгин,
 Камоли оқибат Маҳмудга етгин.

* В: автод.

Камоли оқибат маҳмуд бўлди,
 Бу кун сандан Худо хушнуд бўлди.

ҲИКОЯТ.

Бор эрди ҳожие марди батақво,
 Дилида орузйи Қазбатуллоҳ.
 Ёмоу яхшиларни кўн сўрарди,
 Тамоми ҳожилардан йўл сўрарди.
 Кўзига хас эди оламни моли,
 Дилига Қазбатуллоҳни хаёли.
 Чунон жорий эди чашмида оби,
 Бу хавфдин асли элтмас эрди хоби.
 Рибзатдин уруб нафсига теша,
 Дилига Қазбани ёди ҳамиша.
 Деди ўзига: «Охир бўлди нисбат.
 Ажал оламга бермас асли фурсат.
 Умидим бор хасе—ул—хое қилгай,
 Муриди хожайи Илёс қилгай.
 Урай, девори Қазбига саримни,
 Тўкай хунобали чашми таримни.
 Бу зори бирла Ҳақ бандам дегайму?
 Манидак мубталога ғам егайму?
 Қўлум деб, йўлга солгайму ҳамиша?
 Тутубдур тухми исён дилга реша.
 Хатарлик йўлгаман, осойишим йўқ,
 Ани хотидин ўзга ҳеч кишин йўқ».
 Сафар раҳтини боғлаб йўлга тушти,
 Таваккалту алаллоҳга ёпушти,
 Падардин қолиб эрди бир биродар,
 Кўрарди жоғи бирла ул баробар.
 Тўқуб хунобалик чашми тарини,
 Ёнига чарлаб олди доларини.
 Деди: Келгин, мени дийдамни оқи,
 Васият шулки, умрим йўқту боқий.
 Бу қолғонларга мушфиқ меҳрибон бўл,
 Келур вақтимгача сан посбон бўл.
 Дилимга тушти азми Қазбатуллоҳ,
 Мани қўлбамни ҳаргиз қилма танҳо.
 Жигарбандим, азим, меҳрибоним,
 Буларни англаб ол, изйиванд жоним».
 Забон очти, деди: «Ман хўб билурман,
 Тирикман, яхши хизматлар қилурман.
 Жудо бўлдам сани хоки дарингдан,
 Таковуз айламам айтганларингдан.
 Дуо айлайки, сан ҳам ғарқи нур бўл,
 Қўшудин ҳожиларга бохузур бўл.
 Васиятларки қилдинг, саҳл билмам,
 Тирикман—деганингни тарқ қилмам.
 Булардан бўлмагин хотир паришон,
 Илоҳий, лутф қилсун санга Раҳмон».
 Бу сўз бирла ани хушнуд қилди,
 Дари андуҳини мазбур қилди.

Узотти ҳамчунин хушбоши айлаб,
 Қучоглаб бир-бирин, кўз ёши айлаб,
 Узогиб қолди ул озода мардни,
 Алам кўрган, жафокаш аҳли дардни,
 Сухан охира меъёрига етти,
 Хама асбобини топшурди кетти,
 Бир ойдин сўнгра кўрким, ҳукми Раҳмон,
 Муни йўлдин чиқарди, деви шайтон,
 Чунон бир силли урди деви пурзўр,
 Дилига келмади андешаи гўр,
 Ёмон ишларга охир чанг солди,
 У авратни ёнига чарлаб олди,
 Такаллум қилди: «Эй ёри мувофиқ,
 Бўдубман муддати ман санга ошиқ
 На бўлғай хаста дилин шод қилсанг,
 Дилимни қайғудан озод қилсанг».
 Забон очти бу сўзга нек аврат,
 Деди: «Лаб очмагин, эй ганда нийят,
 Санга шунчамидур бу ҳаққи додар,
 Ки жон пайвандидур ёру биродар,
 Ёзингни роҳи расволикка солма,
 Бошинга лангари дўзахни олма,
 Дурўза умрга дилшод қилма,
 Иймонни гавҳарин барбод қилма,
 Мани сан қўйма чандин дардсарга,
 Гирифтор этмагин нори сакарга,
 Мисоли сомарийни шайхи Балъам,
 Ёзингни қилмагин аҳли жаҳаннам,
 Талабда Барсисодек канда қилма,
 Худони олдида шарманда қилма,
 Бу йўлда бўлма мард бу—л—фузули,
 Бошим кетса, кетар, қилмам қабули».*
 Бу сўзни англади ул ганда кирдор,
 Деди: «Қилсам керак охира сангсор,
 Хама жонингни пуриллат қилурман,
 Ҳақлингга бир неча тухмат қилурман,
 Қилурман охири бир неча расво,
 Сани айлай балолар бирла ҳамроҳ».
 Деди авратки: «Тухмат қилма, бадбахт,
 Танимга сард бўлди нори дўзахт,
 На давлатдуру дарё дил муриди,
 Бадавлат кетса дунёдин шахиди,
 Шаҳид халқига аршуллоҳ ватандур,
 Худони дўстига дўзах чамандур,
 Бу сўздан ўзга сўзни айтарим йўқ,
 Бошимга келса хавжар, қайтарим йўқ,
 Ёлиб кетсам, кетарман тўғри йўлга,
 Юқумни асли қўймам ўрта чўлга,
 Мани қоним сабил йўқдур, мўни бил,

*. Байт Қ. да йўқ.

Қўлингдан ҳар не келса, эртароқ қил,
 Сани учун хато йўлини олмам,
 Ёзумни дафъатан дўзахга солмам».
 Чиқиб кетти бу уйдин марди малъун,
 Тақабур нахвати кўнглига афзун,
 Ёзи расвоу ақли норасида,
 Қилиб ул неча шохидни ҳарида,
 Кўрунғ ул тўғри йўлдан эгри қайтти,
 Бориб бош урдию султонга айтти,
 Фигон қилдики: «Эй султони олам,
 Акам бор эрди, гўё жони одам,
 Ёзи бир мард эди тақво кунанда,
 Талаб бозорида чолок банда,
 Сафар қилдию Байтуллоҳга кетти,
 Мисоли қатрадек дарёга кетти,
 Манга қолди анинг молу маноли,
 Азиз фарзандларнию молу холи,
 Аничун аврати бисёр бадкор,
 Зино йўлини тутган ганда кирдор».
 Деди султонки: «Йўқ бизга муайян,
 Қани шохидки, қилгай бизга равшан».
 Кетурди шохидини қилди тайёр,
 Буюрди шоҳ: «Қилинғ бадбахтни сангсор»!
 Балую дарди меҳнатлар ёпушти,
 Бу тухматлар ани бошига тушти,
 Юрак баҳрини мотам бирла доглаб,
 Ки дасту пойини мазуб боглаб,
 Чиқардилар ани чун рўйи бозор,
 Йиғилади бошига чун халқи бисёр,
 Кўмуб аъзосидин сангсор қилди,
 Тамом аъзосини афгор қилди,
 Отиб бошига сағандоз санги,
 Бўдуб бечорани аҳволи танги,
 Шу музтарлик била қилди мўножот,
 Деди: «Донандан дарёйи ҳожот,
 Тирикдурман, ўликлардин батарман,
 Обғ остида қолгон муштипарман,
 Ёзунг донадасан, ҳовим билурсан,
 Қулунгга мағфират қилгин, гафурсан,
 Агар қаҳринга олсанг, юз Азовил,
 Бўлур минг тоату тақвоси ботил,
 Назар қилсанг бу баржомондаларга,
 Манияндек зору даргоҳ рондаларга,
 Илоҳий, сарни бехуршид қилма,
 Кетарда бандани навмед қилма,
 Нафас чиққунча то гапгин танимдин,
 Қаромат қил, ўшал бўйи насимдин,
 Самар пайванд қилгин жонимизга,
 Ки шайтон тегмасун иймонимизга,
 Мунаввар қил дили пуршўримизни,
 Қилиб раҳматга пурнур гўримизни».

Бу сўзни айдию аврат кумулди.
Хама айдики, дахл эрманлар ўлди.
Ёнидин кетти халқу дўсту душман.
Намов шом вақти ўтти, бўлли хуфтан,
Қилур эрди чунин афғони бисёр.
Ўтиб борур эли мушъуми тижжор.
Кўзи тушти адашгон мушгинарга,
Юрак бағри туташган бежигарга.
Деди: «Қандог гуноҳ қилдинг, гапургин.
Бўлибсан интизору хору гамгин».
Забон очти ўшал нокиъ кирлон:
«Гуноҳдан фориғ эрим, англа, эй ёр.
Эрим бор эрди, билгин, яхши банда.
Мукаммад мард эли таквонунада.
Ўзи кетти баройи Қазбатуллох,
Мани қўйди алам шахрига тағо,
Ани бир долари бор эрди балбахт.
Мани бошимга қилди туҳмати сахт.
Бошимга тушти шундоғ меҳнату ранж,
Эшит арзимни, эй марди суҳансанж».
Бу сўзни марди мушъуми англаб олди,
Ўзини ақлини ул йўлга солди.
Қўлидан тутти, деди: «Нури дийда,
Мани хонамдо ултур орамида.
Тутубман эмди роҳи амниятни.
Қилай бир неча кун ман тарбиятни».
Бу сўзни англади, дилбанд бўлди,
Дили вайронаси хурсанд бўлди.
Ани аси устига қилди сворий,
Дуосдан бўлуб умидвор.
Неча кун тарбиятлар қилди марҳам,
Тузолди, баягидек бўлди одам.
Қадим аслига келди некў рўйи,
Муанбар эрди мушъуми ҳар ду мўйи.
Мувофиқ рўй эди, бўлди мувофиқ,
Булам бўлди ўшал авратга ошиқ.
Ҳаёю шармини дилдин кўтарди,
Кўрунғ, охир галат йўлларга борди.
Тоғиб хилватга қилди охир изҳор,
У зан бўлди бў сўзлардин хабардор,
Булам деди: «Аё ёри мувофиқ,
Кўзумни оқисан, ман санга ошиқ.
Ҳанимат умрни қадрин билайлук,
Ки ўлмасдин бурун ишрат қилайлук».
Деди зан: «Ишрати дунё галатлур,
Мунга мағрур бўлгон хар сифатлур.
Жаҳаннамлур ўшал аблаҳни жойи,
У дунёю бу дунё рўсиёйи.
Жигарбандо, бугун кая йўлни олма,
Ўзунгни оташи дўзахга солма.

Бу поки доманим олуца қилма,
Танимни маъсиятлаб дуд қилма.
Гуноҳлик йўлга кирма, эй вақкур.
Бўдубман шахру сахроларда саянсор.
Бошим кетса-кетар, қилмам қабули.
Ки мағдан жигаранду Ҳаким расули.
Жигарбандим, бу йўлни саҳл билма,
Ки мўъмвисан, ёмон ақида қилма.
Кимики, зотини хозир биллибдур,
Ёмонлик кўчасидан айрилибдур».
Бу сўзлар чуч анга маълум бўлди.
Дилидан беҳи исён гум бўлди.
Деди: «Ман эмди даргоҳга йиқилдим.
Халалҳой жаҳоннамдин қутулдим
Сани ҳарфинг манга бўлди асароқ,
Дилимни юз халалдан айлали пок».
Пушаймонлиг анга рўй берди бисёр,
Кўздан оқабарди ашқи хунбор.
Қилай жон борица оллингда хизмат,
Мани гумроҳга сая қилгин васихат.
Туфайли сан қабул қилаймау Раҳмон,
Дилимдан қанда бўлғай нафси шайтон.
Қутулғайман мусибат пешалардин,
Тамоми дилда кая андишалардин».
Кўрунғ сармаст эди, ҳушёр бўлди,
Залолат хобидин бедор бўлди.
Очилди баъд аз он гулшанни боғи,
Дилига товлади иймон чароғи.
Қилиб бир неча кун уйига меҳмон,
Тўқуб неъматини олдиға фаровон.
Кўрунғ, анга чунон кўрсатти Холиқ,
Ушал занга гулом ҳам бўлди, ошиқ.
Тоғиб махфий суҳанлар қилди изҳор,
Залолат кўчасидан анга гуфтор.
Қул айди: «Ман адо бўладум ғамингдан,
Тутотиб қўйди жоним мотамингдан,
Дилимни олмасанг туҳмат қилурман».
Зан айди: «Қилма мунча бу-л-фузули,
Бошимни олсангам қилмам қабули.»
Қул айди: «Ман санга иллат қилурман,
Дилимни олмасанг, туҳмат қилурман.
Чиқорурман димоғингдин сани дуд,
Қилурман халқаро расвои мардуд».
Зан айди: «Асли қурқамдур балодин,
Бошимга келса андуҳу қазелин.
Мани ваҳим қиёматданду бисёр,
Бўлурман минг бало келса, харидор».
У қўлни роҳдан шайтон чиқорди,
Қадам қўйди, хатарлик йўлга кирди.
Бор эрди хожасига яхши фарзанд,
Кўзини оқидин ортиқ жигарбанд,
Ярим оқшом кесиб бошини ногоҳ,
Қилур авратни бистаргоҳидин жо*.

* Матнда қофия учун «жоҳ» ёзилган.

Зану шў кўрди уйғониб'баяқбор,
Ушал гаҳвораси хун бирла саршор.
Бало кўндур, бало мунлин батар йўқ.
Кўрар гўдакни чун тан бору сар йўқ.
Зану шўйга тушуб чандон хавотир.
Бу занни бистаринин тошти охир.
Зану шў айди: «Бердук санга равған,
Намак еб, бўлдуғ охир бинга душман.
Жавоб айди: «Бу йўлни билганим йўқ,
Қасам биллоҳки ҳаргиз қилганим йўқ».
Деди авратга: «Акчун кўп ганурма,
Худо ёринг бўсун, бу ерга турма».
Деди савдогар: «Охир йул юрибмиз,
Ҳамани бир Худога туштурубмиз.
Агар турсанг, дилим бўлғай паришон»,
Аёл ноқис айлар оху афгон.
Зақоти молидин сесади тилони,
Бериб авратга ул назри Худойи.
Кўзи бирла узотти хушу ҳуррам,
Деди: «Дилшод бўлгин, емагин ғам».
Дилини шод этиб хушбоши қилди,
Юроги қон бўлуб, кўз ёши қилди.
Дилига дарду ғам бўлди зиёда,
Юруди етти кун пойи пиёда.
Етушди манзилига охири қор,
Йўлига учради марди гунаҳкор.
Булуб мажруҳ тамома аъзоси хаста,
Ўзи дор остида гардон шикаста.
Ани кўргон замон холини билди,
Аламлик хастадур деб раҳми келди.
Асосларни қақирди вақти раҳмат,
Гуноҳқорегга борму деб шафоат?
Асаслар айдилар марғуб бўлубдур,
Шафёъ бўлсанг, бу дудга ҳўб бўлубдур.
Санаб берди тилони бодилу жон,
Ўлумлан айлади ул мардни осон.
Кўрунғ ул кори кирдом мувофиқ,
Ўшал авратга ул ҳам бўлди ошиқ.
Югурди кетидан чап йўлни бошлаб,
Ани роҳини бориб мазбут ушлаб.
Зан айди: «Бўлди осон ранжн бисёр,
Тур, эй мардак, аёлу аҳлинг бор».
Жавоб айдики: «Беҳроқ эрди ўлсам,
Бу давлат эрди манга хок бўлсам.
Аламлик ошиқингман, интизоринг,
Назар қил, борман умедворинг».
Деди аврат: «Кўтар дастинг дудин,
Худодин кўрқ, Худодин кўрқ, Худодин».
Ки мандин санга бўлди меҳрибонлик,
Келурму яхшиликка бу ёмонлик?»
Ақибдин чунон эргашди хасдек,

Шакар гирдига ёпушгон мағасдек.
Қадам айрилмас эрди, ногаҳони,
Йўлдуқти бир азимат карвони.
Ёқосин чок этиб кўп қилди фарёд,
Уруб бошин заминга қилди кўп дод.
Деди: «Қофиллага зудроқ етинглар,
Боротурган қанизни тўхтатинглар.
Отамдан қолгон эрди ёдгори,
Мани додимга бўлмайдуз шикори,
Муни сотмоқчман арзону қиймат,
Йўлуқса бир харидори баҳиммат.
Сари роҳини тутган қавми бисёр,
Тамоми фитнажўю деви маккор».
Фигону носаси суд этмади ҳам,
Ани корини беҳбуд этмади ҳам.
Охир сотти ани юз кимёга,
Балодин қочти, қолди кўп балаго,
Ҳамаси молу мардумхўру фосиқ,
Бўлуб яқбора ул авратга ошиқ.
Аларни кори охир лағвбози,
Қилиб ҳар жонибидан даст дарози.
Тўқиб аврат кўзидан ашқи дарё,
Худойига қилиб эрди тавалло.
Дер эрди: «Кулли халқни подшоси,
Санга маълум сафидию сисён.
Букун ҳоли паришонларга раҳм эт,
Алашган хонавайронларга раҳм эт.
Кўзум термултириб қўйма бу йўлда,
Юкумни қўйма, ё Раб, ўрта чўлда.
Омон сохла бу тўфонлик балосин,
Ўзинг қутқар бу заҳри аждаҳодин.
Бу ерда пардамизни йиртма, ё Раб!
Хами санди тилар охирда матлаб.
Сани чун дарғаҳинг дор-уш-шифодур,
Жароҳатлик кўнгулларга даводур.
Назар қил, мубталомиз холимизга,
Саодат боби бер иқболимизга.
Ҳама оламни кори Санга маълум,
Азиздур даргоҳингда охи мазлум.
Карам қилгинки, вақтим танг бўлибтур.
Бу йўлда ҳар ду пойим ланг бўлубтур.
Тушубман шўриши савдога бесар,
Ҳимоят бўл, букун, Аллоҳу акбар.
Етушти аршга мазлум фиғони.
Бўлуб, ҳар киштидан оташфишони.
Ҳамаси кўйди кетди, бўлди ахгар,
Сипанди рўга оташ узра мажмар.
Сиҳат қолиб эди бир заврақи хўб,
Чунон таскинки бўлди шўру ошуб.
Алардин қолиб эрди моли бисёр,
Солиб киштига саржамъ этти харвор.

Кийиб эгнида мардона либоси,
Тутуб роҳи мусибат ҳақшуноси.
Юруб манзил-баманзил насту боло,
Етушти шаҳрни ёнига ногоҳ.
Назар қилди ҳама аҳли халойиқ,
Келадур жойи дурдин марди содиқ.
Таваккул киштисига моли бисёр,
Югур танҳоки, йўқ олида сардор.
Йироғдин ҳеч ким таҳхис қилмай,
Ани асрорини ҳеч қайси билмай.
Сару рўйи алам кўрғонга ўхшар,
Либоси марду лекин занга ўхшар.
Таажжуб қилдилар кўп аҳли доно,
Югурди ақл гандин, насту боло.
Ахир қилди ани султонга маълум.
Хамани ақлу ироқи бўллуб гум.
Чақирди баъдазон олдиға султон,
Ки султондан сирини қилди пинҳон.
Деди султонки: «Қалгин манга равшан,
Сайидсан, хожасан, қайдин бўлурсан?»
Жавоб айдики: «Ман насли батаймор,
Раҳи ҳажга тушуб эрдим баяғбор.
Чунон ёғди балои осмони.
Рафиқлар жумла ғарқ бўлди ниҳони.
Ҳамага тахти дарё бўлди маскан,
Сихат қолдим бу давлатхонада ман.
Ўзум зоҳидман, аҳли кифоят.
Қилай дерман бу шаҳрга истиқомат».
Ани ҳолини ҳаргиз билмади шоҳ,
Буюрди шоҳ, қилинг бир қаср пайдо.
Чунон бунёд этиб қаср-бинойи,
Тузатти хўб қошич ошғани.
Кириб масжида ул аҳли кифоят,
Қилиб бир неча йил холис ибодат.
Дуо қилди ижобат бўлди охир,
Каромоти бўллуб ҳар ерда зоҳир.
Тузалди кўру шал, гунг бўлди гўё,
Ҳама хизматга бел боғлаб муҳайё.
Ушал манзилга хасс—ул—хос бўлди,
Ҳама қавлига турди, рост бўлди.
Ахир етти қазо султонга ногоҳ,
Кетар бўлди жаҳондин инчунин шоҳ.
Йиғилди олдиға солару-сафдар,
Шаҳар хурду калони жумла яқсар.
Забон очти ҳамаси нек ният,
Ўзинг ўлмай туруб қилгин васият.
Таниндин жон агар бўлса жудойи,
Нечук одам бўлур буюртини шоҳи?
Васият шулки: «Ҳалқ огоҳ бўлунглар,
Ушал зоҳидни мунга шоҳ қилинлар».
Кўзини юмди оламдан замоне,

Жаҳондан кетди ул шоҳи жаҳонни.
У шаҳни дағи этиб жамъи халойиқ,
Ҳама шоҳ сўзига бўлди мувофиқ.
Шаҳарни халқи олдиға йиғилди,
Ёмон-яхши ҳама олдиға келди.
Ҳама олдида қилди гарданин ҳам,
Тутуб авратни домонини маҳкам.
Дедилар халқ: «Сан жондин азиз бўл,
Қабул қилдур ҳама, султонимиз бўл.
Тур ўрнингдин буқун, эй нек бахти,
Санга қолди бу шоҳни тожу-тахти».
Деди зан: «Қулл ибодатдан қолурман,
Ки чиқсам тахтга, тоатдан колурман».
Вазирни жойига ўткорди охир,
Вакил бўлгин деди, марди ақобир.
Халифа ман бўлай, сан ноибим бўл,
Мани ҳукумга бўлгин, ўл десам ўл.
Вазир ул-вақт лашкарларни йиғди.
Ани қўлини олиб, тахтга чиқди.
Ҳама тобеълари, қулди сипоҳий,
Бўлиб чун шаҳр халқи жо-бажойи.
Вилоят бояғидек бўлди обод,
Тамоми шаҳру саҳро бўлди дилшод.
Ҳама раъят бўлиб тоатқунанда,
Ушал авратни фармонига баянда.
Азо кетдию келди вақти тўйи,
Ёйилди охирида обрўйи.
Уч йилдин сўнгра, ҳожи келди ногоҳ,
Қилиб манзилу маъвосин тамошо.
Ҳама вайронадур, саҳни чаман йўк,
Назар солди ҳама жонибга, зан йўқ.
Назар қилдики, додар нобинойи,
Сафиди топган ул чашми сиёҳи.
Савол қилдики ул кам химматидан,
Ушал ҳожи ўзини авратилан.
Деди гумроҳ: «Нобуд бўлди кетти,
Ёмон ишларга борди, ўлди кетти».
Тўқуб ҳар чашмидан ашки тарини,
Қўлини тутти гумроҳ доларини.
Эшиттим жойида бир яхши банда,
Дуоси мақбулу тоатқунанда.
Ани олдиға элтай, нур сочлагай,
Дуо қилса, санинг дийданг очилгай.
Олиб чиқди шаҳардин ташқорига,
Йўлиқти мард ул савдогарига.
Қаерга борасиз деб, сўрди ул ёр,
Деди: «Бир кўзи аъмо дедарим бор.
Ани ман элтаман дору-ишфога.
Дуо қилгайму чашми нобийнога».
Бўлам айдики: «Бир аҳвал кулум бор,
Ётибдур интизору шод кулум бор».

Иков бирга боролук анда боҳам,
 Бу шални дардига бўлгайми марҳам».
 Шу соат бор эди қадди букулғон,
 Ки шахсе келди обрўйи тўкулғон,
 Буларга чун булам ҳамранг бўлди,
 Хама пайванд бир-бирга қўшудди.
 Хама озардадил, хотир паришон,
 Қачон тушгай кўзига шахри Хатлон.
 Фироқу дарди ғам шундоғ ёпушти,
 Ахир авратни олдига етушти.
 Назар қилдики, кўрди чашми баста,
 Ироқдан келадур гардан шикаста.
 Таниди шўйини душманларини,
 Гувоҳқору гуноҳ қилгонларини.
 Келиб ўлтурди олдига шу соат,
 Дедилар: «Орифи соҳиб қаромат,
 Дуо қилгинки, мушкуллар очилсин.
 Бу баржомондаларга дур сочилсун»,
 Зан айди: Бас булар осий гуноҳқор;
 Гунаҳлари бу ерда қилсун изҳор.
 Гуноҳин айтмаса, топмас шифойи,
 Буларга ман қилолмасман дуойи».
 Деди доларга марди соҳибқор:
 «Гуноҳинг бўлса, зуд қилмасму изҳор?
 Забон очти ўшал соҳиб хижолат:
 «Қилибман авратинга онча тухмат.
 Бошига мардни бисёр қилдим,
 Кетурдим шахрга, сансор қилдим».
 У қул айдики: «Эй ёри мувофиқ,
 Бўлиб эрдимки, бир авратга ошиқ,
 Улғу тухмат қилиб, аҳдимчи буздим,
 Бегимни ўғлини бошини уздим».
 Деди гумраҳ: «Бир аврат чанг солди,
 Мани дор остидан ул сотиб олди.
 Ман анга нақд бадхоҳликни этдим,
 Ахир элтиму савдогарга сотдим».
 Қўлин очиб у зан қилди дуо,
 Хамаси топти меҳнатдин шифо.
 Кўторди нардлараян рўйидан зан,
 Деди шавҳарга: «Шундоқ авратинг ман».
 Эрига берди тахти подшоҳи,
 Вазирлик берди савдогарга шоҳи.
 Эрини доларин арбоб қилди,
 Агарчи бағрини зардоб қилди.
 Бериб ул қулга ҳам дарвозабони,
 Тегиб ул гумрага ҳам сорбони.
 Заифа айди: «Хуш қол эмди шавҳар,
 Хама кетмоқчидур дунёда яқсар.
 Уларким, тожи султонликка етти.
 Хама асбобини қул қуйди кетти.

* Асли: «кафандузид».

Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгини,
 Кетарда бандани хушнуд қилгини.
 Агар кўнгулнингадур ваҳми қиёмат,
 Адолат қил, адолат қил, адолат».

КИМЁИИ ЧАҲОРДАХУМ.

Кишига Ҳақ таоло берса тавфиқ,
 Очилгай сийнаси чун субҳи солиқ.
 Пушаймон рў берур афъоли баддин,
 Ки ҳар дилда мадад етса Аҳаддин.
 Келур чун айланаб аслига қобил,
 Етурмас йўлни тавфиқ топса ҳар дил.
 Урар девору дардларга сарини,
 Адашган ахтарур пайгамбарини.
 Талаблик халқ сира навмед қолмас,
 Қўлидан нақдини шайтон ололмас.
 Бўлур жони дили раҳматга пайванд,
 Кетар вақти йўлига тушмагай банд.
 Тегар бўлса кишига тожи шоҳи,
 Тааллуқ анга бўлмас садди роҳи.
 Бўлур ул тавба дарёсига саршор,
 Топар Холиқни излаб охири кор.
 Ки ҳар нуқсони бўлса айби мутлақ,
 Қарамлик айлару охир ёнар Ҳақ.
 Башарти эътиқодни рост бўлса,
 Бу йўлда соҳибни ихлос бўлса.

Ҳ И К О Я Т.

Бор эрди шахри Румда бир кафандуз*,
 Ўзи шабгир эди, ҳар ерда ёлғиз.
 Шаҳарда ҳар киши қилса қазойи,
 Етар эрди ўшал манзилга пойи.
 Қарар эрди кафанларга саросар,
 Ки ё кирбосу хоҳи, хоса мрамар.
 Ярим кеча борубон чанг соларди,
 Ўликлардан кафанларни оларди.
 Анга саттори айларди худойи,
 Муталлий бўлмас эрди мурғу моҳи.
 Йиғиб эрди чунон моли фаровон,
 Ани молига пур эрди биёвон.
 Тузотиб эрди нақшин козаларни,
 Қилиб обод дару дарвозаларни.
 Кишига йўқ эди аҳволи маълум,
 Ани номи акобирзодаи Рум.
 Зиёну судилин ул марди беҳуш,
 Қилиб эрди Худойини фаромуш.
 Қазодан қудрати вожиб таоло,
 Анга қудратнамойи қилди Мавло.
 Сабаб кўрсотгай дастини олгай,
 Бу баржомондани ўнг йўлга солгай.
 Тўқуб тавфиқини осий дилига,

Кўяр элтиб ҳақиқат манзилига.
Агарчи қилмади аввал талабни,
Худо еткурди охирда сабабни.
Бор эрди шаҳрда бир духтари хўб,
Ўзи тоатқунада эрди, марғуб.
Кўтарса юзидан ногоҳ ниқоби,
Ки андин рашк этарди офоби.
Қазо келди ани бошига ногоҳ,
Кетар бўлди жаҳондин инчуун моҳ.
Жаҳондин доманини қоқти кетти,
Хазон келди, гулистон вақти ўтти.
Отаси бор эди саркардан Рум,
У духтар марғи бўлди анга маълум.
Кафанга харж қилиб сесад тилони,
Азиз фарзанд учун қиймат баҳони.
Кафандуз бўлди холидан хабардор,
Дилига тушди кўб васвоси бисёр.
Дер эрди: «Қайси вақти чанг солурман,
Кафанчи мурлатин қанлок олурман?»
Дили андишаларга бўлди банди,
Ярим оқшом олиб белу қаланди.
Бу хорислик била давёга тошти,
Кўрунғ баббахтни гўристонни очти.
Ким урғи айлали нозик баландчи,
Муборақ қиёмидан олди кафанчи.
Ажаб равшан эли духтарни гўри,
Ани равшан қилиб тоатни нуби.
Кўзи тушти юзига бўлди ошиқ,
Ёмон савдога тушти марғи фосиқ.
Зино килмокчи бўлди охири кор,
Дидо дўхтар чу оғоҳ эрди белор.
Тутуб андомини ўнг қўли бирдан,
Кўлини кести ул макқори раҳзан.
Яна чап қўли бирла тутти охир,
Куданг бирла ушотти лудди бадгир.
Оёғи бирла беркитти байкқор,
Ушотти пойини ул лудди бадқор.
Бу васволикка элтти марғи шайтон,
Зино килди ани ул лудди нодон.
Кўрунғ ул мурданин ҳам келди овоз:
«Юзинга бўлмасин Хақ раҳмати боз,
Мани мурдор қилдинг, хор бўлгин,
Дуо қилдим санам мурдор бўлгин».
Бу сўзини мурданин ул англаб олди,
Пушаймон бўлди Хоқини уйдди.
Деди: «Ё Раб, илохий, бад қилибман,
Ўзумни холима захмат қилибман.
Ёмон эрдим, ёмон ишларга бордим,
Гуноҳдан қайттиму дастимни ювдим.

* *Матнда: бўладики (вазига тушмайди).*

Тазарруғ бирла дарғаҳга йиқилдим,
Ҳама кирдори баддан тавба қилдим.
Кетар вақтимда мақсудимни бергин,
Талабда роҳи беҳбудимни бергин».
Бу сўзини дедино бетоб бўлди,
Юрак бағри эзилди об бўлди.
Пушаймонликда ўртонди замоне,
Бу ғам бирла кўбрди устихони.
Аламга ранги бўлди қаҳрабони,
Бу мотамдан фалакка чиқти охи.
Деди: «Ғамгин дилимни кимга ёрай,
Ёкамни чок этиб Ҳазратга бораи.
Манга раҳм айлагайму Хақ расули,
Бу тавбам анга бўлғайму қабули?»
Бориб Ҳазрат ёнига зори қилди,
Кўзидин хуни ҳасрат жорий қилди.
Мани шармандага йўл бормукни деб,
Адашан бандга йўл бормукни деб,
Паямбар айдилар: «Эй дийда тирён,
Кўзингдин хуни ҳасрат мисли борон.
Ғапур, қилғон гуноҳингни ман англай,
Сан учун Ҳақни дароҳига йиелай».
Деди: «Ўмрум бу савдога қалилдур,
Кафандузлик қилурман неча йилдур.
Бор эрди духтари хўб порсойи.
Ки очтим қабрини, қилдим зинойи.
Ки дасту пойини сакротти духтар,
Кесиб ташлаб, қилибман қори ношар.
Дуо қилдики, балқирдор бўлгин,
Санам мандек нажас мурдор бўлгин.
Келибман дарғаҳинга бош уруб, шох,
Манга бир тавба бер, эй тавбафармо».
Расул айдики: «Санга борғаҳ йўқ,
Санга дўздаҳдан ортуқ ўзга раҳ йўқ».
Ки андин юз ўғурди шоҳи моҳроб,
Муборақ дийдасидан чарҳ уруб об.
Бу сўзини мард Ҳазратдан эшитти,
Бошин олиб биёбонларга кетти.
Неча вақт йўл юруб, ҳалқи қуруб ул,
Биёбонларга бошини уруб ул.
Нидо келди қудогига байхлос:
«Бу зорилар ила тавбанг эмас рос.
Бўлай десанг бу йўлга боймони,
Ани қабрига бўлгин гўрбони».
Бу сўзини олам—ул—гайбдин эшитти,
Тамом аъзоларини ларза тутти.
Қулоғи солди амри акбарига,
Қадам қўйди у гўристон сариға,
Ўн йил бўлди*, қабрга гўрбони,
Қилиб ҳар соате минг йўл фиғони.
Бошин ерга уруб, айлаб муножот,

Талаб айлаб Худодин қулли ҳожот,
 Дер эрдик: «Худоё, йўлдан оздим,
 Боротургон йўлдамга чоҳ қоздим.
 Сафар дуру дарозу марказим ланг.
 Бу душманларга май қандоғ қилай жанг.
 Ризоёғман, бу ишни сан билурсан.
 Сани банданг ману қандоғ қилурман.
 Агар афв айласанг, корим саҳалдур,
 Тугар бўлсанг мани ҳоло*, маҳалдур.
 Аёгим лангу баржомондадурман,
 У дунёю бу дунё рондадурман.
 Самарсий бораман монанди бийди,
 Яна бандангни қилма ноумиди.
 На булғай раҳматинг даржўш келса,
 Ки айни неш вақти нўш келса.
 Илоҳи, гулшан этгин гулханимини,
 Кўтор дил мулкидин моу манимви.
 Уруб нафсимга ғайрат тешасини,
 Арит дилдин такаббур решасини.
 Холос этгин, мани нафси шумимдан,
 Паноҳ бергин, заҳарлик каждумимдан.
 Каманди бандаликни бўйнума сол.
 Букун сандин тилайман тожи иқбол.
 Хабар бергин мани неку бадимдин,
 Пушаймонман гуноҳи беҳадимдин.
 Сарим тобутга етмай, зуд уйғот,
 Адашгон музтарингман, йўлни кўрсот.
 Ҳамиша хаста бандангни унутма,
 Карам қилгин, сирот устайда тутма.
 Адашмасдур сани берк ушлаган қул.
 Умидимдур очилгай манга ҳам йўл»,
 Бу сўзни дедию ул хаста бўлди,
 Кўзи чун ашқи хун олуда бўлди.
 Қулоғига лаҳаддин келди овоз:
 «Бағишланди гуноҳинг, соҳиб роз.
 Ҳақимга бениҳоят жабр қилдинг,
 Бағишлодим гуноҳинг сан йиқилдинг.
 Рафиқинг зоти бемованд бўлди,
 Дари дўзах юзингга банд бўлди.
 Баҳимдур мард экансан, боз келдинг,
 Бу дарғаҳла баланд парвоз келдинг.
 Бағишланди, гуноҳинг қолмади ҳеч,
 Бу иш маҳшарда қолмай бўлди пурпеч».
 Кишини ҳиммати болога элтар,
 Кетарда раббия—л—аълога элтар.
 Давон бу касал фарёду зори,
 Қилдур зори, ахир раҳматни жори.
 Дилингни гарқи дарду сўз қилгин,

* Қ: қўлум.

* Босма нусхада бу байт йўғ.

Бу мотамлик шабингни рўз қилгин.
 Ки ўлмасдан бурунроқ ўлмадук биз,
 Қатори бир кафандуз бўлмадук биз.
 Бу йўлда суду савдо деб югурдук,
 Тамоми жодаларни барҳам урдук.
 Тариқи бандаликда лофимиз бор,
 Ки Намрудмиз, қачон инсофимиз бор?
 Киши инсоф тошти шоҳ бўлди,
 Ҳамиша лойқи даргоҳ бўлди.
 Илоҳий, бадга қўшма отимизни,
 Қабул қил наф ила исботимизни.
 Букун сандан тиларман нафий исбот,
 Ўзинг йўл бошла, бергин манга мирьот
 Илоҳий, ерга урма отимизни,
 Ўзунг сайқалга элт мирьотимизни.
 Тамоми яхшиларга муштарий қил.
 Кудуратларни кўнгилдан бери қил.
 Етиштур боратургон манзилимга.
 Мухаббат шарбатин тўккин дилимга.
 Илоҳий, оқибат Маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Ҳамиша нафси саркашлан паноҳ бер,
 Кетар вақти кудунгга кимё бер.
 Ҳусусан кимёйи дин баланлдур,
 Тамоми кимёлар бунда баланлдур.
 Хато қилдим бу савдодин таришон.
 Баробар бўлди манга кўфри иймон.
 «Алиф» деб, «бе»га ўтмай хаста бўлдум,
 Овонд ерга туштум, баста бўлдум.
 Насиҳат қилди ул султони абдол,
 Қўлингдан келса, ҳар кимдан дуо ол.

КИМЁИИ ПОНЗДАҲУМ.

Ки бўлма, эй биродар, модарозор,
 Бўлдурсан оқибат сан доҳили нор.
 Кишига волида чун қиблагоҳдур,
 Аларни кўнглини бузмоқ хатодур.
 Агар норози бўлса қиблагоҳинг,
 Қабул бўлмас Худо йўлида оҳинг.
 Борур эрди талабда шоҳ Нақшбанд,
 Тугтошур эрди бир марг мисли исфанд*,
 Ушал соҳиб каромат ғавси даргоҳ,
 У гўрни бошига ўлтурди ногоҳ.
 Назар қилдики, кўп эрди азоби,
 Тўкулди шайхви чашмидин оби.
 Забони ҳол бирла сўрди ногоҳ:
 «Нечук офатга туштунг, марди гумроҳ?
 Бўлуб аз ҳад фузун ҳар дам азобинг,
 Бу йўлда хира бўлди офтобинг.
 На боисдан азоби саҳт тортинг,
 Гунаҳни борини бўйнунигга ортинг?»

Чунон келди аяниг дүридан овоз,
 Деди: «Күй кавлама, эй соҳибни роз,
 Мани номамга нурро-нур гуноҳим,
 Сабаб бўлди мани рўйи сиёҳим.
 Ки бир кун волида огриди мандив,
 Ани кўнглини буздим хавф-хашамдин.
 Ки бердим хотири покига озор,
 Худо қилди мани мундоғ гирифтдор.
 Ки шайтон найравига ёр бўлдум,
 Лаҳадга кирдим у хушёр бўлдум.
 Ахир бошимга етти шар бечисобим,
 Зиёда бўлди гўр ичра азобим.
 На бўлгай волидам олдига борсанг,
 Мани аҳволими анга ганурсанг,
 Мани шоядки, аҳволимини билгай,
 Болам, деб, нола айлаб, раҳми келгай».
 Муни билдию гава шоҳ Нақшбанд.
 Деди: «Осон эмас бу иш, жигарбанд.
 Деди бу сўзни дарёдил наймбар:
 «Худо розилигидур амри модар».
 Борай ман сан учун бийнанда тонсам,
 Башарти волидангни зинда тонсам.
 Очай дарду гамингдин достоне,
 Қилай аҳволи догингдин баёни».
 Тўқуб чун дийдасидин жўйи хунбор,
 Сафар қилди бу ердин гаиси мухтор.
 Дили афғору оромидасини.
 Чунон ахтордилар волидасини.
 Чу ботин бирла топтилар баянбор,
 Суханини анга қилдилар чу изҳор.
 Деди: «Гўр ичрадур фарзанд зоринг,
 Азоби саҳт бирла интизоринг,
 Бориб кўрдим гўрини фарқи хуни,
 Чиқодур осмонларга тутуни,
 Мани пандимни ол, андин ризо бўл,
 Ҳамиша боз машғули дуо бўл.
 Ани гўрига жаннатдин очилгай,
 Ки қабрини устига нурлар сочилгай».
 Деди: «Дунёда фарзанд изламамдур,
 У баббахтдин сира рози эмамдур».
 Деди: «Кўнглини чобук уйғотай ман,
 Югургин, қабрини зуд кўрсатай ман».
 Бу сўздин ҳамчунон дилтанг бўлди.
 Аёл эрдик, ақли ланг бўлди,
 Кўшулди шоҳ Нақшбандига яқсар,
 Бориб гўрини кўрди тоби аҳгар,
 Чиқор эрди ани гўридин оташ.

* Б.: қилсанг.

** Падар-модарни рози этмай, эй жон,
 бўлса маънан боғланади.

Бўлуб волидаси хотир мушавваш,
 Уруб бошини ерга, йиғлади чун,
 Оқиб чун дийдасидин жўйи нурхун,
 Дилига товлади чун меҳри фарзанд.
 Деди: «Холинг нечукдур, эй жигарбанд?
 Бу йўлда оживу бедасту поман,
 Болам, акиун бугун сандин ризоман».
 Камоли нури иймон тоза қилди,
 Ани гўрига раҳмат поки тўлди.
 Ки ҳар мўъминга дил пайванди даркор,
 Адашганларга чун Нақшбанд даркор.
 Агар руҳингла чун қобилдининг бор,
 Бу йўлда бўлма ҳариз модарозор.
 Ба жон қилгин аларни хизматини,
 Тоная десанг Худоно раҳматини.
 Адабдур гавҳари иймон зиёси,
 Адабиндур иймонни қимёси.
 Наямбар беадабни деди малъун,
 Ҳадиси мустафо келди бу мазмун.

ҲИКОЯТ.

Бор эрди олими шаҳри Нишонур,
 Дили чун илму донишдин эди нур.
 Такаббурни гурури зўр қилди,
 Ғурури илм чашмини кўр қилди,
 Дили чун санги хоро, гафта ачушт,
 Ки бир кун волидасини урди бир мушт.
 Ахир кўринки, аҳволи на бўлди,
 Аёли муштилар бир муштга ўлди.
 Танидин чиқти лекин жонни поки,
 Ани қилдилар оҳир дафни хоки.
 Бу муддатинки қирк йил ўтти ноғоҳ,
 Эшитгил бир талаб бўлди у гумроҳ.
 Сад у ҳафтод бирга борди яқсар,
 Қўлини ҳеч қомил олматилар.
 Адаб тарк этти беҳуршед бўлди,
 Улғу даргоҳидин навмед бўлди.
 Азалдин йўқ эди покиза жони,
 Қўлидин кетти гавҳарлиқ иймони.
 Шундоғ илм ани жисмига урди,
 Қўлидин дурри мақсулдин егурди.
 Агар бўлсанг* Худо йўлда хушёр,
 Амалдин асли холий бўлма зинҳор.
 Билиб қўйгин қаламни жойига сан,
 Мабодо тушмагайсан чоҳига сан.
 Ки ҳар одамки жоҳил беамалдур,
 Кетар вақтида иймонга халалдур.
 Амалсиз халқга дўзах эрур чоҳ,
 Кетар чоҳ остига, тасирида ноғоҳ.
 Падар—модар жаҳондин кетмай, эй жон.**

Киши ҳаргиз бўлолмасдур мусулмон.
Алабдур гавҳари нури Илоҳий,
Ажаб позикду орифларни кори,
Кимикӣ яхшиларга ёр бўлди,
Бу гафлатдин дили бедор бўлди.
Тошай десанг чунин ганики муайян,
Кишини кўнглини оғритмагин сан.
Дедилар бандалар кўнглини бузмоқ,
Иймонни нахлини беҳидин узмоқ.
Кимики қилмади Холиқни корин,
Сияҳ қилди бу йўлга рўзгорин.
Азизо, бормагин чап йўлга ногоҳ,
Мабодо бўлмагайсан радди даргоҳ.

Ҳ И Қ О Я Т .

Ҳалаба беадаб мард бор эди чун,
Ки давлат бобиди монанди Қорун.
Ки ул бир қавлига ҳеч турмас эрди,
Надарни амрига йўл юрмас эрди.
Надар дилгир эди шундоғ писардан,
Ичарди қувда сад қоса захардан.
Дуойи бад қилур эрди баякбор,
Йўлиқти олдига бир соҳиби кор.
Деди: «Тавфиқ талаб қил, эй биродар,
Дуойи бад эрур оламда ништар.
Дуойи нек қилгин эй, жиягарбанд,
Кераклиқдур санга ҳам, наслу фарзанд».
Деди: «Мундин топибман чашми тавбеҳ,
Тирикликдин бу фарзанд ўлгани беҳ».
Жавоб айди анга ул марди комил:
«Бўлур андин калимағуёи ҳосил.
Агарчи нодурустдур ҳам ёмондур,
Ба ҳар навъийда ул мардин ишондур,
Мунингдек ганда нийят қилма зинҳор,
Ният бад бўлди, охир одати бор».
Деди: «Ман ҳамчунин гаммозидурман,
Ёмонни ўлганига позидурман.
Ки бадни суҳбати минг аждаҳодур,
Ки андин мардлар қочмоғ раводур.
Хазон келди дарахт бошини бурқар,
Дарахт боди хазон келгонда титрар.
Иймонни қатлидур ҳамсойи бад,
Агарчи бошига зар тўкса беҳад».
Дуо қилди ўшал фарзанд бузулди,
Охирда риштаи умри узулди.
Кўринг, ул мард бепайванд кетти,
Ахир* чоғида бепарзанд кетти.

Ёмон фарзанд нуқсон аҳли дивга,
Дуо қил, эртароқ кирсун заминга.
Ўшал Канъовки, Нуҳ фарзанди эрди,
Набийни ҳамчунон дилбанд эрди.
Кўшулди неча жоҳилларга охир,
Паямбар насли қандоқ кетти кофир?
Насихат олмади, мурдор ўлди,
Бўлуб тўфонга гарқ чун зор ўлди.
Қилолмай қолди ҳаргиз Нуҳ тадбир,
Азалдин бор экондур кори тақдир.
Ажаб таҳсинки, андоғ гавҳари дин,
Ўшандоғ пок дил пайғамбари дин.
Тугар бўлса на мушқул, саҳт бахти,
Ки анга бўлмаса иймонни рахти.
Бу сўзлар кимёйи ҳар аҷамдур,
Дигар ғамларни қўйгин, ҳам шу ғамду
Жаҳон зиндон, чандин матомидур,
Ҳама мўъминга иймонни ғамидур.
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
Кетарла бандани хушнуд қилгин.
Расулга қил, мувофиқ қоримизни,
Амад мулкида қил тақроримизни.
Хусусан кимёйи дин баланддур,
Тамоми кимёлар муяда банддур.
Агар элтай десанг маҳшарга иқбол,
Талаб қилгин, қўлунига кимё ол.
Мудом ҳамравги макри дев кетма.
Бу йўлда тавба қил, мурдор кетма.
Чунон умр ўтти ҳар соат-басоат,
На қилсун мушти хоки бебизоат.
Бу йўлда фикр қил, озод кетгин.
Чунончи шод келдинг, шод кетгин.
Таваккал йўлдин қайтарма юзья,
Оч эмди, ҳар замон ибратга кўзья.
Қўлингдан берма нафсга ихтиёриг,
Урар охирда захри аждаҳоринг.
Жудо бўлгин мунингдек душманидин.
Қутулгин нафси саркаш арманидин.
Ки борма нафси саркаш бирла зинҳор,
Амални илгари қил, марди хушёр.
Қиёмат мулкида собитқадам бўл,
Агарчи сарбаландсан, мунда кам бўл.
Сухан поёни йўқ, эй марди дивдор,
Киши собитқадамдур, дард даркор.
Қани бобоу аждоди калонинг,
Ҳама кетти ёнингдин қорвонинг.
Агар минг марта айтсам, гўшқарсан,
Дилиннга маъъни йўқ, қардан батарсан.

* Б. ахирда

КИМЕЙИ ШОНЗДАХУМ.

Қиёмат кун, ажаб шиддатли кундур,
Ани қаттиғлиғи аз ҳад фузундур.
Қимми бўлди оламдин жудойи,
Анга маълум бўлур рўзи жазойи.
Жаҳон зиндони мўъминдур, аё шох,
Надомат яхшидур, бас нолау оҳ.
Ғаҳи чашмидадур ашки надомат,
Анга осон эрур рўзи қиёмат.
Чунон асҳобига айди паямбар,
Қиёмат ваҳмидин у шоҳи сарвар.
Деди: «Боди қиёмат турса ногоҳ,
Бу кўҳлар пашм рангин бўлғай аммо.
Замину осмон гар тонса табилл,
Баробардур у вақтда пашшау фил.
Писарлардин падарларга хабар йўқ,
Бировни ҳолидин ҳаргиз асар йўқ.
Ҳама ўз ҳолига раиятур зорий,
Надомат ашқидур кўзларга жорий.
Чақарғай анда олимларни ногоҳ,
Силарга илм бердим — мавж дарё.
Силарни айладим доноу комил,
Адашганларга айтсун деб масоил.
Чиқоринглар амални танжини чун,
Ки (но) сармоянғиз бўлғай бу акнун.
Ҳама айтурки, биз амрингни билдук,
Азонча ҳукму фармоишни қилдук.
Келур чун рабб—ул—иззатдан нидое,
Силарнинг коринғиз барча рийёе.
Агарчи кулл амалдин бохабарсиз,
Амал вақтда ҳамчун кўру карсиз.
Бўлудсиз халқ аро комил мударрис.
Тамоми коринғиз макр эрди—талбис.
Биринғиз қозию биртаси муфти.
Тамоми макри шайтон бирла жуфти.
Қилурсиз халқга чандон ҳийлаларни,
Ғараз қилмоқ учун кўп молу зарни.
Чунон жамъ айлағай донойи довар,
Жаҳаннамга буюрғай охир Акбар.
Агар Ҳақ ёпса пок, айбимизни,
На билсун халқ айби ғайбимизни.
Биродар, дилни Ҳаққа муштарий қил,
Амал қилсанг, ажалдин илгари қил.
Буларни навбати ўтгай баякбор.
Чақирғай анда қориларни Раффор.
Дегай: ҳал сийванғизга бўлди номим,
Силарга хатм эди рангин каломим.

* *Босмада: худи*

Буюрдим ҳамчунон айланг тиловат,
Ҳамага ўргатинг деб неча оят.
Даҳонни гоҳи каж, гоҳи қилиб рост,
Мани қори десун деб. айюҳаннос.
Силарни қилдим оламини нигини,
Бўлуд золимларимни ҳамнишини.
Сотиб Қуръонни уч-тўрт жуббаига,
Бўлуд дохил Азозилини раҳига.
Урар ҳар ояти Қуръон анга неш,
Ки ҳар бир нешига дил бўлгуен реш.
Алар айтурки, оётингни билдук,
Тиловат айладук, шукрингни қилдук.
Келур ғайбдин аларга бир нидое:
Мани бандам эмас марди рийёи.
У вақтда суд қилмас оҳу нола,
Кидур чун жониби дўзах кашола.
На лозим бир қисм ҳокига авсоф,
Илоҳий, бандани айбини сан ёй.
Агар Қуръон тиловат қилсанг, ёй ёр,
Ишингни яхши қилгин эй, накукор.
Мабодо қўрқаман зулматга ботма,
Ду рўза дунёга илмингни сотма.
Аларни навбати чун бўлди охир,
Ҳамани айби анда бўлди зоҳир.
Чақирғай анда Ҳақ гаммозиларни,
Сабо маъшар кунда ғозиларни.
Дегай Ҳақ: неъмат ашқим сер бердим,
Вилоят бердиму шамшир бердим,
Қани қилгон ишинг даргоҳа лойиқ?
Мани ғози десун кулли халойиқ.
Югурдунглар (ва) нобул бўлдингизлар,
Мисоли хирсу хуклек ўлдингизлар.
Бўлиб чандин Азозилини муриди.
Қўюб чун мурдасин отин шаҳиди.
Алар айтурки, биз жонбози қилдук,
Қўнғилни дарғаҳига ғози қилдук.
Бўлуд ул соати ул баида муштар.
Ки айбин ёпса чун Аллоҳу акбар.
Зий бергин мани рўзу шабимга.
Етуштургин, Илоҳий, матлабимга.
Ҳисоб олгон сўғун ул вақт Раҳмон,
Қурулганда тарозу бирла мезон.
Содулар ул замон аъмомимизни,
Жудо қилмоқ учун мисқолимизни,
Тарозу бору мезони адолат,
У кун даркордур ҳайру саховат.
Тамоми коримизни, боримизни,
Ки тортарлар улду кирдоримизни.
Биров омил бўлуд, қилгон сужуди,
Бировдур мағруру сармаст хўби.*
Ҳама кори жаҳонда баста бўлгон,

Мисоли кўзан шикаста бўлгон.
У вақт Парвардигорим қўлни олғай,
Муриди хосия ўнг йўлга солғай.
Ҳама ўз пирига ортилса ногоҳ,
Кимики бўлди бепир, тоғмали роҳ.
Ўзинг дастгир бўл дармондаларга,
Бизингдек занги баржо мондаларга.
Ўшал мушқилки, тушса қоримизга,
Ўзинг лутф эт дили афгоримизга.
Амал қилсанг дуруст қилгин бажое,
Иймонни куйдурур кори риёе.

Ҳ И К О Я Т .

Бор эрди Шиблийга ихлосманд мард,
Йўқ эрди баҳраси ихлосидин гард.
Хабар етти берай, нон дастаҳойи,
Давомат Шиблий дейдур новвойи.
Чу шайх айди: «Ани ихлоси суздур,
Мани ёд айламоғи нодурустдур.
Бу йўлда бўлса ихлоси бажони,
Ани қилмоқ керак бир имтиҳони».
Ўшандоғ шайх Шиблийдек накукор,
Ани олдидин ўтти вақти бозор.
Чунов комилки, бир йўл чанг солди,
Дўқондин шайх тўққиз нонни олди.
Ки шайтон пок қайтарди йўлидин,
Ки нонни тортиб олди, шайх қўлидин.
Ўшал комилки, мундин ўтти ногоҳ,
Биров килди ани Шиблийдин огоҳ.
«Ўшал Шиблий эди бир турфа доно,
Тамоми ирш эди кўзга хувайдо.
Дер эрдинг шайхга ихлосманд эрурман,
Пирингни ним нонга олмадинг сан.
Санингдак марддин қочмоқ раводур,
Ишинг доим сани қони риёдур».
Эшитти бу суҳавни марди бевоб,
Қилиб чун жомасин сар то қадам чок;
«Дариго, бизмадим, қадр пиримни,
Азизим, меҳрибону дастгиримни».
Югурди кейнидин ул новвойи,
Хабардор эрди анда авлийи.
Ўзини айбни ул мард билди,
Бориб шайхни оёғига йиқилди.
Дилини мулкига чанг солмадилар,
У новвойни қўлини олмадилар.
Дедилар: «Қилма кўнгилини паришон;

Бу оқшом ман бўлай уйингга меҳмон.
Агар қилсанг таоми хўб қилгил».
Уйунгни ҳамчунов жоруб қилгил.
Худо йўлига ним нон бермаган мард.
Ду сад тиллони ул яқбора харғ қард.
Ўшандоғ мардга пир бўлди меҳмон,
Қилиб эрди маҳозирлар фаровон.
Биров сўрдики: «Эй марди бетаълим,
Бу йўлда жаннати ким, дўзахи ким?»
Тутибсан мардни доманини мард,
Агар солиқдусан андин юқар гард.
Агар қаззоб бўлсанг, динхароби,
Кўрунмасдур иймонни моҳтоби.
Бу йўлда бандалики неш тутгин,
Кудуратларни кўнгилдан унутгин.
Қадам қўйсанг бу лабгаҳа,* дуруст қўй.
Ки санга ноумиде бермасун рўй.
Ўзингни яхшиларга хамнишин қил,
Сафар вақтида жонингни яқин қил».
Жавоб айли ўшандоғ раҳнамоғи:
«Бу сохибхонани дўзахду жоғи.
Худо йўлига бермайдур ярим нон,
Манга харғ айлади моли фаровон.
Мунингдак касни куйдурмак раводур,
Хулони душмани, аҳли риёдур».
Риё ботиндадур монанди қайғудм,
Урар ҳар соате ништар ўшал шум.
Анинг нишига бордур юз минг офат,
Етар маҳшарда анга турдүк офат.
Қиёматда риёлик халқни рўйи,
Туқулгай рўзи маҳшар обрўйи.
Агар оқилдусан, савдое бўлма,
Заволи заҳри мори бирла ўлма.
Ўзингни хок қил, раҳбарга ташла,
Дилингни руҳи пайгамбарга ташла.
Умардек бут ушат, собит қадам бўл,
Ҳақиқат ичра шоҳи муҳташам бўл.
Кимики фақр бўлди, шоҳ бўлди,
Ҳақиқат сирридин огоҳ бўлди.
Дилига маърифатни жазм қилди,
Исодек осмонга азм қилди.
Хусусан, пиру устозви дуоси,
Азизлар айдилар иймон зиёси.
Чароғи хушк бўлмас асли равшан,
Ки ғайбдин топмасе бир қатра равшан.
Ҳаводин ёғмаса бир қатра борон,
Дуо даркор мунда, чашми гирён.
Дуодин узма кўнгилни, биродар,
Рафиқ бўлғай санга чун рўзи маҳшар,
Агар юз марта айтсам гўшкарсан,
Дилиннга маъни йўқ, қардин батарсан.

* *Матнда: дарёга.*

КИМЕЙИ ҲАФДАҲУМ.

Талабда шайх Абдуллоҳи Шомий,
Муридлар олдиди таҳсия тамоми.
Ҳама айдики: «Эй соҳиб каромат,
Ки бизга хатми Қуръон эрди одат.
Намоз шом эдию ул соҳиби тахт.
Келиб тушти у қабристонга бевақт.
Юродук деди ногаҳ илгароғи,
Бу гӯристонда топилмас чароғи.
Яқин билгин муви эй соҳиби дарк,
Бу оқшом хатми Қуръонинг бўлур тарк».
Жавоб айди буларга гавси ақдас,
Мудом пурнур қабри, боймон кас.
Бу ётгон шерларга нури бисёр,
Тамашо айлагудек дийда даркор.
Силар маътал бўлунглар, йўл кўрай ман,
Буларни қабридин нур охторой ман.
Ҳама айдики, бизлар банд бўлдук,
Сани қавлинг билан хурсанд бўлдук.
Кўтарди чашмидин зулматни абрин.*
Вориб бир-бир тамашо қилди қабрин.**
Дилига нури раббоний ёлушти,
Кўзи бир шерни қабрига тушти.
Назар қилди чароғе кўрди равшан
На пилта анга бордуру на равған.
Тутубдур арши аъзамни зиёси,
Топилди мунда шайхни муллоаси.
Очиб Қуръонни гавси пурдастгир,
Бу кеча мунда бир хатм этти охир.
Дари раҳмат чунон бўлди қушода,
Муридлар тобти андин истифода.
Кеча сабр этти, бўлди рўз равшан,
Бўлб хуршиди машриқий муайян.
Бу тил бирла деди султони аброр;
«Нечук қабре экондур гарки анвор.
Сўролук шод бир дилбанд бўлғай,
Узига жонишин фарзанд бўлғай.
Дарахт хўб бўлса, хўб бўлғай самар ҳам,
Ки асли найшакардиндур шакар ҳам».
Ҳама айдики: «Эй султони иқлим,
Назар аслида охтармоғду дозим».
Муридларни юберди ҳар қабна.
Деди: «Ковлаб тошинг андин нишона».
Худо бандам деди, иқболи чопти,
Ани ўғлини сҳир шайх тобти.
Ҳар илмда муътабар кўрли ани пир,
Карам бўстониқин шер берди дастгир.

* матнда: абрини, ваэнга тушмайди.

** матнда: қабрини, ваэнга тушмайди.

Бақувват бўлди райбдин жисму жони,
Тараққий тобти жавҳарлик иймони.
Савол эттики кори модаридан,
Кўзини гавҳари дилпарваридан.
Булам кўнгулни бўстониқ тай урди,
Ки охир кори модардин гапурди.
Бу йўлда кўб азизлар гам едилар,
Ҳамадин хайрни аъзам дедилар.
Агар мардсан, бу сўзни тахтига ет.
Кўзингни нури кетмай яхши хайр эт.
Агар мўъминга мақбул бўлса тоат,
Чароғи гӯридур хайру саховат.
Бадавлат мард эрур маъмур кетса,
Ки гӯри нурга пуро-пур кетса.
Бу нури кимки элти шера марддур,
Ани оҳига дўзах гард - гарддур.
Удеки, элтмади бир зарра нуре,
Нечук бўлғай кетар вақтида гӯри?
Дариғо, турфа мушкул коримиз бор,
Бу йўлда уқбаи душворимиз бор.
Ки йиғлаб доимо бўл, холи гамга,
Ки номахрамга йўл йўқтур Харамга.
Илоҳий, гарм қил бозоримизни,
Қабул қилгин тамоми коримизни.
Илоҳий, тутма баржо мондалармиз,
Узунг йўл бошла дарғаҳ, рондалармиз.
Ётарда, йўл, юрарла килма бекор.
Ўзунг қилгин ҳама иштин хабардор.
Даҳонлар бастадур, гуфторимиз йўқ,
Сани лутфунга дойиқ коримиз йўқ.
Хамани ҳолини равшан билурсан,
Ҳама сир санга маълум, сан билурсан.
Илоҳий, бандани Сансан павоҳи,
Ҳама шоҳу гадони такагоҳи.
Бу сўзлар кимейи аҳли тақво,
Ки ҳар бир байтидин минг маъни пайдо.
Бу сўзлар кимейи ҳар аҷамчур,
Ажам улдур, дили гарқоби гамдур.
Хусусан кимейи дин баланддур,
Тамоми кимёлар мунга банддур.
Илоҳий, нафси саркашдин паноҳ бер,
Кетар вақти қўлумга кимё бер.
Мунаввар қил, дили фаҳмидамизни,
Ўзунг лутфунг била оч дийдамизни.
Илоҳий, гандалардин ганда қулман,
Агар лутф этмасанг, шарманда қулман.
Бағайр аз нода дигар, коримиз йўқ.
Даҳонлар бастадур, гуфторимиз йўқ.
Агар қилсанг букун бандангни яқдил,
Қачон гирдиға келгай минг Азозил.
Илоҳий, бандани собит қадам қил,

Дилимга хавф бер, жаҳлимни кам қил.
Ҳамани ҳолиди равшан билурсан.
Қулунгмаи, ҳарна қилсанг, сан қилурсан.
Бу сўзни айдилар султони иқбол.
Қўливиғдин келса, ҳаркимдин дуо ол.

КИМЕИИ ҲИЖДАҲУМ.

Насиҳат асли билсанг кимедур,
Яқин бил, кулли иллатга даводур.
Насиҳатдур ҳама иймонга ҳосил,
Худо дутф этмаса олмоғи мушкул.
Нубувват бобида дарё эди, кўҳ,
Тузотмай кетти ўз фарзандини Нух.
Ушандог баҳри вақтдин хушк қолди,
Худо бошқармади, бемушк қолди.
Карам боронидин навмид эди санг,
Киши то хок бўлмоғи, топмади ранг.
Насиҳат марди огоҳга на ҳожат.
Масжидга бормагай аҳли жавобат.
Кимики бўлса иймондин пиёда,
Бўлур айтгон билан жаҳли зиёда.
Насиҳат вақти бўлғай кўр ҳам ланг,
Чидолмас ҳақ суҳанга марди дилтанг.
Кетар кажликга мисли Бу Лаҳабдак,
Кишини наҳминдин парвойи йўқ сак.
Лабиянни баста қил, эй ҳожа Айюб,
Тузолмасдур бу малҳамларга маъюб.

ҲИКОЯТ.

Ки биби бор эди Собира номи,
Талаба духтари сардори Шоми.
Бир ўғли бор эди сардори олам,
Тамоми аҳли илмлардин муқаддам.
Муаллимлурки, тақводин ками йўқ,
Бағайр аз марг кўнглида гами йўқ.
Ки роҳи нафси каж йўлга борарди,
Ани Собира йўлдин қайтарарди.
Давомат чашми гирён эрди модар,
Ғами фарзанд учун дойим дилабтар.
Мулом мотамлардур молерни жочи,
Ки то фарзанд бўлгунча калони.
Падар ҳам рўйи фарзанддин эмас сер,
Мудом ўғлум мани қобил бўйсун дер.
Дарахтни офатидур шоҳан бад.
Кесар ул бегбон, бегдин қилур рал.
Писар ноаҳл бўлди бад дарахтдур.
Жигарда рессаси, кесмоғи сахтдур.

* Метода: чиқорди.

Ани кесгон замони дард қилғай,
Қани мардики, кўнгул сард қилғай.
Бу сўзлардур сани нафсинга танбех,
Ёмонни бўлгонидин ўлғони беҳ.
Ани Собирага дарди ёвушти,
Хавоийи ҳаж ани бошига тушти.
Сафар рахтини боғлаб қилди тайёр,
Чақирди* ўғлини гамгин дилабгор.
Шакар лабни очиб қилди насихат,
Деди: «Қавлимни ол эй некхислат».
Деди: «Балқор жоҳилликни олма,
Амални кейнидан зинҳор қолма.
Сани илминга маълум, ҳўб ҳам зишт.
Кўзунгни нури кетмай, айлагин кишт.
Кишини нафси чун полуда бўлди,
Дили зулматга тушти, луда бўлди.
Ёмон ишлар урар андин чу сарбар,
Бўлур шармандаи расвойи маҳшар.
Балам, зинҳор хардек лойга ботма,
Саҳл дунё учун иймонни сотма.
Ушал вақтики, илминг урди дилга,
Сабақомуз бўлдинг Жабраилга.
Бу илминг пеши пайгамбарга элтар,
Сани фирдавси пуранварга элтар.
Бу илмингда ки андак бўлса хоме,
Бўлур номинг сани шайтонни номи.
Ки илм одамга мисли аждаҳоддур,
Агар ул танга ургон сўнг, балодур.
Азовилдек кишини ронда қилди,
Бу йўлда ланги баржоманда қилди.
Ибодат бобида бор эрди мағрур,
Бутуз кетти ани сели такаббур.
Болам, зинҳор беандиша бўлма,
Амирларга мулозимпеша бўлма.
Ки ҳар ноҳиссегу кейиндан югурма,
Ўзунгни оташи дўзахга урма».
Насиҳатларни қилди анга такрор,
Болам айрилма деб, зинҳор-зинҳор.
Юкини юклади хушбоши қилди,
Қучоқлаб бир-бирин кўз ёши қилди.
Дили Каъба сари бўлди равона,
Қўйиб кетди насихатлар нишона.
Муборак руҳи охир ҳажга етти,
Ватандин доманини қоқти, кетди,
Кел, эй Машраб, муаллимдин гапургин,
Ушал дованда олимдин гапургин.
Кимики руҳи раҳбардин жудодур,
Ки ул хуреки чандин аждаҳодир.
Дарахтни асли дарёдин жудодир,
Ани бошига офоти ҳавадур.

Ҳаво ургон сугун навҳа на даркор,
 Қуруди, мевасидин қолди бекор.
 Ки бераҳбарга бу дувси малъун,
 Ҳамиша кўрсатур ранги гуногун.
 Ёмики, рангларга баста бўлди,
 У йўлдин қолди, пойи хаста бўлди.
 Кишини пири йўкдур — потамоми,
 Юругон чўлда асби белажоми,
 Лажомидин жудо бўлганда ҳар асб,
 Қилолмас асли йўл юрмоғини касб.
 Уч йилдин сўнгра шундоғ аҳли тақво
 Алашти тўғри йўлдин, бўлди гумроҳ.
 Ёнида йўқ эди қайтаргудек пир,
 Ани бўйнуга шайтон солди занжир.
 Ғам ила эрди нафси аждаҳори,
 Заҳар солмоқға кўшиш қилди мори.
 Ҳавоии жоҳу мансаб дилга тушти,
 Алашти тўғри йўлдан, жардин учти.
 Бузуб тақвони беандиша бўлди,
 Бориб шоҳга мулозимнеша бўлди.
 Қўлидин кетти тақвони низоми,
 Тамоми луқмаси бўлди ҳароми.
 Қани раҳбарки, музтарликда тутгай,
 Дилидин чиркиватларни аритгай.
 Етуштўғри бурунги манзилига,
 Муҳаббат нурини тўкти дилига
 Талаба кимки раҳбардин жулодур,
 Тирифтори бу дарди бедаводур.
 Уч йил Собира турди Қазбага ҳам,
 Муайян ўғлини кўрди бир оқшам.
 Назар қилдики, бир вайронанга,
 Тушубдур қўб ваҷосат хонаига.
 Киши йўқтур миёна чанг солгай,
 Хари ланғни бу гилдин тортиб олгай.
 Буни кўрди ажаб бетоб бўлди,
 Юрак-бағри эзилди, об бўлди.
 Бўдуб ғамгин, юраги пора-пора,
 Дилига солди мотам истихора.
 Дилига жо кишиб авдуҳу ғамни,
 Ватан жовибига кўйди қаламни.
 Юруди неча кун манзил-бамазил,
 Баробар эрди анга* пашшау фил.
 Етушди охири ғамгин ватанга,
 Ҳамон авдуҳу мотамлик ҳарамга.
 Етушти, кўрди тарзи кору бори,
 Тамоми кўшиқи вақшин, зарнигори.
 Димоғинди чиқиб ҳасратли дуди,

* *Восмада: манга*

** *Восмада: ўзим.*

Кийиб эғнига мотамлик кабуди.
 Биров айдики: Аҳволинг на бўлди?
 Ҷавоб айди анга: «Фарзандим ўлди.
 Ўзи** олим эди, дин офтоби,
 Емон бўлгон сўғун, ул, йўқ ҳисоби.
 Муҳаббат боғини беҳидин уздум,
 Бу фарзанддин ман умидимни уздум.
 Ҳамон билдимки, нобуд бўлди, кетти,
 Ҳаре гилга йиқилди ўлди кетди.
 Умид айлаб эдим соҳиб самар деб,
 Мани помондага ўғлум ярар деб.
 Бошимга вазмини ортидди кўҳдек,
 Сафар йўлини тутти насли Нуҳдек.
 Қуярман меҳнатимга ҳар замони,
 Мушаққатлар билан қилдим қалони.
 Ахир чоғида ул бебаҳра бўлди,
 Бўлур гавҳар дедим, хармуҳра бўлди.
 Бориб айтгинки, ман безор андан,
 Мани наслим эмастур, манга душман».
 Бориб олимни олдига ўшал мард,
 Гапурди модаридин соҳиби дард.
 Деди: «Дўзахга сан муштоқ бўлдуғ,
 Ўшандоғ волиданга оқ бўлдуғ,
 Келибдур волиданг ҳаждин хабар ол,
 Бўлудур мурғи руҳи бепару бол.
 Сани доғинг билан ул чашм баста,
 «Болам» деб оҳ урар, гардан шигақта.
 Суханни манга такрор этти равшан,
 Бориб айтгинки, ман безор андан,
 Суханни мағзини олим эшитти,
 Тамоми устахонин ларза тушти.
 Тешилди бағри ғамдин раҳча-раҳна,
 Югурди «волидам» деб побараҳна.
 Бориб кўрди аламли муштинарни,
 Қўзидин оқузуб хуни жигарни.
 Булам кўрган замони бўлди бетоб,
 Қўзидин жорий айлаб ашки зардоб:
 «На бўлди мунча саргардон бўлубсан,
 Улуг савдо билан хайрон бўлубсан.
 Забон очди ўшал покиза кирдор,
 Сани дардинг мани айлабду афгор.
 Талаба роҳи кучликларни туттуғ,
 Равиши раҳравонларни унуттуғ.
 Киши ўз олдица дарё бўлолмас,
 Ки бераҳбар балаид-боло бўлолмас.
 Умидим бор эди, оҳанг қилсанг,
 Авадла нафси бирда жанг қилсанг.
 Дариго, ҳайф беандиша бўлдуғ,
 Ки шаҳдарга мулозим неша бўлдуғ».
 Муаллим сўзни побини билди.

Гурур айлаб дилига жаҳл қилди.
 Бузуб эрди ишиги дев гаддор.
 Соғайтурмас кишини захрлик бор.
 Кўзунг охир азоби сахта кетти.
 Адашди роҳдин, дўзахга кетти.
 Барасларни танига солди Иблис.
 Тўқулди қашу мужгонн бўлди песс.
 Ҳам андин ронда, мулдин монда бўлди.
 Азалдин ронда эрди, ронда бўлди.
 Илоҳий, илм бер, соҳиб амал қил,
 Кетарда коримизни беҳалал қил.
 Айирма бора турган корвондин.
 Насиб этгин тажаллийн иймондин.
 Қабул қил тақлиду кирдоримизни,
 Тузат вақти кетарда коримизни.
 Муаллимдек ҳавоиб нафига солма,
 Кетарда гавҳари иймониди олма.
 Илоҳий, оқи беандоза бергин,
 Ки руҳи пок қилиб тоза бергин.
 Шу оғаҳликда олгин жонимизни,
 Ҳузунг парварда қил иймонимизни.
 Адашган қулларинга йўлни кўрсат,
 Равиши бандаликни бизга ўргат.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Бу сўзлар кимёи ҳар акамдур.
 Дигар ғамларни қўйгин, ғам шу ғамдур.
 Хусусан кимёи дин баланддур,
 Тамоми кимёлар мунга банддур.
 Агар аслиннга боқсанг, эй хунукрў,
 Дуоғў топ, дуоғў топ, дуоғў.

КИМЁИ НУЗДАҲУМ.

Кишининг руҳи қобулдур, адашмас,
 Адашса, йўл топар, чап йўлга тушмас.
 Бўлур бир тавбадин иймонга лойиқ,
 Ани навмид этиб қўймасду Холик.
 Билур ҳар қонига юз минг пушаймон,
 Дилига тарс бўлса лутфи Раҳмон.
 Бўлур ваҳми қиёматдин дили мум,
 Ҳар ишни нуқси бўлмай анга маълум.
 Дилига дарбадарлардин бўлур сард,
 Бишига рўзи қилса ғайблин дард.
 Дили жони бўлур тоатга мойил,
 Ани қалбига раҳ топмас Азозил.
 Хабар топса қиёмат мотамидин,

* *Дуод — (ўғри) сўзи баъзи ўринларда «дуз» ёзилган, шундай қолдирдик.*

Бўлур қадди дуто маҳшар ғамидин.
 Кирар ўнг йўлга охир бора-бора,
 Бад ишни ёнига келмас ду бора.

ҲИКОЯТ.

Бор эрди дузди марди қалтабони,
 Ки маълум йўқ эди суду зиёни.
 Етушти шахрига вақти зимистон,
 Ул оқшом бўлди бир мунъимга меҳмон.
 Сахий мард эрди, муҳтожи дуойи,
 Тамоми молу ашёси худойи.
 Мусофир деб ани кўп қилди иззат,
 Қилиб ҳар лаҳза гуноғун зиёфат.
 Ани тўккуз лаганди бор эди ҳўб.
 Ҳама тиллоий аҳмар эрди марғуб.
 Лаганларга у дуз*ни кўзи тушти.
 Дилини элтти дунё, жар дин ушти.
 Миниб бўйнига шайтон, қилди васвос,
 Дарундан макр этиб васвоси ханнос.
 Ярим оқшом эди ҳалдидан ошти.
 Лаганларни кўтариб, шабла қошти.
 Бўлди ул соҳиб хона хабардор,
 Бу ётгонларни яқсар қилди бедор.
 Деди: «Ул дузки манзилга егги,
 Лаганларни бағалга солди кетти.
 Асаслар бор эди андин хабардор,
 Ҳамаси несбон эрлине белор.
 Қаронгу кеча эрдию замин тар,
 Тушуб кейинга чандон қувладилар.
 Назар қилдики дуз, шаб торикистон,
 Йўлиқти олдига қўҳна гўристон.
 Ки борон ул кеча шиддат кетурди,
 Узини дуз гўристонга урди.
 Шу музтарлик бида қайтди асаслар,
 Бўлди навмед қўб озода каслар.
 Дили мунъимки ҳайратдин парিশон,
 Зиён теккан киши бўлмасму гирён?
 У гўристонга дуз кирган замони,
 Кўрунди тўда-тўда устухони.
 Йигиб бир қуняга чандин каллаларини,
 Ҳузини маргидин олди хабарини.
 Деди: «Бўлсам керак охир манам хоқ,
 Юрубман қўйи расволикда бевоб,
 Бу оқшом мурдалардин ибрат олай.
 Бу саркаш Намрудимки йўлга солай».
 Қиларди навҳау бисёр зори,
 Кўзидин ҳуни ҳасрат бўлди жорий.
 «Ёмон ишларни мунда саҳл билдим,
 Кишини молига қўб жабр қилдим.

Кеча тоғи отса, бўлса рўз равшан,
Берай молини элтиб эрта бирлан».
Пушаймонликда ғамгин эрди тангдил,
Етиб келди шу манзилга Азозил.
Миниб бўйнига деди: «Марди гумроҳ,
Агар молини берсанг, ўлдурур шоҳ
Бошинга шўриши бисёр атарлар,
Сани ўлгунчаким, сангеор атарлар.
Бўлур занжир сани пойингга мазбур,
Думоингдин чиқар ҳасрат била дуд.
У вақтда юз пушаймон суд этмас,
Сани доинг у вақт ҳеч ерга етмас.
Қурулгондур йўлунгга маргин доми,
Ишингни яхши қилгин, бўлма хоми.
Ўшал мургеки, зуд парканда бўлди,
Гўдакни қўлига ул банда бўлди.
Ўлуб кетса кетар, бўлмасду озод,
Балои ногаҳондур доми сайёд.
Бу ботил сўзни шайтон анга айди,
Авалги ниятидин зуд қайтти.
Дилини ҳам чунон гирдоб элитти,
Ўшал манзилда дузни хоб элитти.
Бор эрди дузни бобой калони,
Ҳақиқат йўлида агвас замони.
Кўрунғ дузд туш кўруб ўз матлабига,
Ўзини кўрди дўзахни лабига.
Кўруб ваҳм этти мотамлик сақарни,
Осиған кўрди чандон фирқаларни.
Дилига тушти бисёре хавотир,
Улғ бобоси пайдо бўлди охир.
Деди: «Кўрдунгму бу бемузларни,
Жаҳаннам хоки бўлгон дузларни?
Болам, зинҳор бу йўлни саҳл билма,
Ўзунгни ҳолинга кўи жабр қилма.
Жаҳаннам оташи осон эмасдур,
Хазорон дузлар оташга ҳасадур.
Иномайсан дигар бор ўргатай ман,
Савга чандон қарашма кўрсатай ман.
Сафарни шиддати қилгин томошо,
Назар қилгин нечуқдур дузди гумроҳ».
Ғараз кўрсотди ул Парвардигори,
Чиқиб келди хама дўзахни бори.
Ки ҳар дандошга ўн етти лак кас,
Ки чайнаб ўтга ташлаб эрди яқдас.
Ки мудин қолди, дигар мор оларди,
Ба навбат аждаҳолар чанг соларди.
Назар қилди ажаб меҳнат ёнушти,
Бир ўғри етти минг мориға тушти.

* олдинда «бу» сўзи бор. вази кўтармага-
ни учун олиб ташладик.

Қузидин тўккай эрди дам-бадам ёш,
Деди: «Бобо, манга қолмади бардош.
Мани нафсим калон эрди ва фарбех,
Шукур дерманки, бовақт топти танбех».
Залолат хобидин бедор бўлди,
Ки ул сармаст эди, ҳушёр бўлди.
Бу шўриш бирла қилда ёқасин чок,
Бошига соча берди тўдаи хок.
Талабда роҳи ожизликни тутти-
Авалги коридан дилни совутти.
Кўрунғ даҳшат билан кўрқуб Аҳаддин,
Бу йўлда қўл кўторди кори Баддин.
Тулуз берди кўзига субҳи шоди,
Яқин келди саодат бомдоди.
Лағандларни чунон қўйинга солиб,
Дили муштоқ, уэр айтмоққа толиб.
Мисоли барқдек чобук югурди,
Бориб ул дам эшикни тақ-тақ урди.
Югуруб чиқти мунғими дилабтар,
Паришон ҳолу ғамгин, дийдаси тар.
Назар қилди эшикда дуз турибдур,
Йўқолган колаларни келтирубдур.
Кетурди олдиға қўйди жигархун,
Кўзидин ёш тукуб, монанди Жайхун.
Деди: «Эй нури дийдам, чанг солгин,
Манга даркор эмас, мөлийгни олгин.
Букун келдимки, мотамдиг, халос эт,
Ризо бўлгин жаҳаннамдан халос эт.
Агарчи бад эрурман, ганда кирдор,
Шарикдин дурман мўъминлигим бор.
Бу йўлда гарчи кори бад қилибман,
Ўзини жонима захмат қилибман».
*Уэрлар бирла жаҳди бўлмади кам,
Қучоқлаб ёқасини тутти маҳкам.
Ғами дарёи бепойнга етти,
Уруб, боғлаб ани султонга элтти.
Савол эттики султон: «Эй гунаҳдор,
Қўлунгга тушуб эрди гачжи бисёр.
На боисдан муни қайтиб кетурдинг,
Ўзунгни ҳамчунон зиндонға ўрдинг?
Кимки, ўғри бўлди, бўлмас иқрор,
Ки сан иқрор бўлдуғ ҳикмати бор.
Ғапурдин ончи мақсудинг билайлук,
Сани корингга лойиқ иш қилайлук».
Жавоб айди ўшал дузди шикаста,
Шаҳаншоҳ хизматида ласт баста.
Деди: «Келтурмас эрдим олганимни,
Кўзум бирла кўруб келдим жаҳимни.
Олиб келдим Хулудин кўрққаннимдан,
Мухаммад мустафодин кўрққаннимдан.
Ўшал вақтики гўристонға кочтим,

Алардин ибрат олдим, ман тутоштим.
Улуг боболарим сохиб дуойи,
Аларни руҳи бўлди раҳнамои.
Манга кўрсатдилар ҳафту сақарни,
Ҳақиқатдан бугун тоштим хабарни».
Шаҳаншоҳ бу сўхани англиди рост.
Ки муҳлиси бўлдию ҳам қилди ихлос.
Дилини айлади қайғудин овод,
Бериб ҳади, дилини айлади шод.
Деди: «Ҳиммат баландман чанг солмам,
Ҳаҳонни нақди танҳо текса олмам».
Ҳамадин айлади кўнглини махлас,
Ки шохни ҳаҷасидин олмади хас.
Бу ердин доманини йиғди кетти,
Талаб йўлига тушти чиқди кетти.
Уйига борди ногоҳ марди зардор.
Тамоми аҳли байти сиёна афгор.
У мард айдики: «Кетгонлар топилди,
Тамоми обрўйимиз ёпилди».

На лозимдурки, тутмоқ мунда мотам.
Келиб шоди чилимиздин чиқиб гам?»
Зан айди: «Мунда сан маҳрамлигинг йўқ.
Ҳақиқат йўлида одамлигинг йўқ.
Агар одамлигиндан бўлса таълим,
У дузини шохга элтоминг на лозим?»
Санам манзилга турма, жойига ет,
Ҳамаин таркини айлаб кейнидан кет!»
Асарлик сўзни мард завдан эшитти,
Ани кейнидан охир чиқти кетти.
Бориб топтики Зунвуч қошидан ҳам.
Бўлуб эрди муриди Ғавс—ул—Аъзам.
Бўлуб дохил булам кулл аҳли хайли,
Баҳона бўлди ул дуз чун тўфайли.
Эшитти шох мунъим тарк этибдур,
Сўраб бу дузини кейчидан келибдур.
Вазир айдики: «Виз ҳам йўл олайлук,
Ҳамани тарк этиб, йўл ахтаролук».
Вазир айдики: «Дарёдил керак—мард,
Кўнгулни мулклардан айлагай сард».
Бу сўздин жумлани тарк айлади шох!
Вазир ҳам бўлди ул шох ила ҳамроҳ.
Тилаб гавхарни ул Жайҳунга кетти,
Алар ҳам хожани Зунвунга кетди.
Буларни бўлди чун саркардаси дузд,
Югургон асли қолмас хушк бемузд.*
Илоҳий, бандаларга ибрата бер.
Агарчи мури лангмиз, ҳиммате бер.

Илоҳий, оқибати маҳмуд қилгин,
Кетарда бандани хушнуд қилгин.
Бу сўзлар кимейи ахли дарддур.
Кимикни кори Ҳақни қилди марддур.
Хуусан кимейи дин баланддур.
Тамоми кимёлар мунга банддур.
Ушнал дуздак қабул кил зоремизни,
Улуг раҳматга элт кирдоримизни,
Вазиру шох, мунъимдак дами бер.
Жароҳатларга, ё Раб, марҳами бер.
Қилиб қўйма бизи дунё била банд,
Тирикмиз, яхшиларга айла пайванд.
Зиё боғишла дил пуршўримизга,
Ҳақиқат нурини тўк гўримизга.
Муҳаббат йўлида собитқадам қил,
Ҳама пастликларимни сан адам қил.
Шу оғаҳлик била элтгин жаҳондин,
Насиб эт жумлага нури паймондин.
Ҳамани холини равшан билурсан,
Қулунгман, ҳарна қилсанг, Сан қилурсан!
Бу сўзни айдилар султони Аброр,
Дуойи нек ол, зинҳор-базинҳор.

КИМЕЙИ БИСТУМ.

Ки токи сан* гирифтори ҳавосан,
Яқин бил, ҳар замон гарқи гуноҳсан.
Талаб қил роҳи Ҳақдин рўшноий,
Дилинга жўш урар сирри Илоҳий,
У дарёдин, кетарда хушк қолма,
Мисоли аблаҳи бемушк қолма.
Хато йўлига кирдин—ўлдунг охир,
Чунон афтода нобуд бўлдунг охир.
Замона гардишидур турфа бир фан,
Ўзундан кеч, ўзундан кеч, ўзундан.
Ўлар вақтида етти хожани Мунъим,
Ки уч кун йиғлади, жон этти таслим.
Ки бир суфий деди: «Эй мард бағоят,
Нега йиғларсан, эй соҳиб каромат?»
Жавоб айди бу сўзга хожани зор,
Кўзидин тўка берди ашқи хунбор:
«Чу қўймайман нетай, пойим мани ланг,
Лаҳад бисёр эмиш муъминга чун танг.
Ажаб кечти мани ғурбатга солим,
Ки уч кеча нечук кечгай бу ҳолим?
Ўлук қўрқар эмиш уч кунгача боз,
Лаҳадга хўй қилгувача у шаҳбоз.
Ман ўлгон ерга чун тайёр бўлунглар,
Тепинглар бошима, чанлон сўкунглар».
На учун охиратга тонмадинг дард,
Уруб бошимга айтилг, бесафо мард.
Ки уч кеча чунон зинҳор—зинҳор,

* Босмада: гумроҳ.

** Матнда: ман.

Мани қабримни устига боринглор.
 Уқинг Қўрьон то қўрқмай лаҳадга,
 Ки уч кеча чунон сўйи Аҳадга».
 Ки бир суфий деди: «Эй пири комил,
 Бу айтган сўзларингда йўқту ҳосил.
 Агар пймон санга бермаса Холиқ,
 Мувофиқсан, мувофиқсан, мунофиқ».
 Чунон, айдики, товлаб дилга хуршед,
 Тамоми сўфийлардин узди уммед.
 Деди: «Е Раб, атобахшу хатоёўш,
 На бўлгай раҳматинг чун урса даржўш.
 Ҳазорон ташналарни сер қилсанг,
 Бу рўбоҳларни мунда шер қилсанг».
 Нида келдики: «Ҳоло айладим сер,
 Ҳузурда бўлгани жонингни тез бер.
 Сани бандам дедим, қилдим қабули,
 Қўнартурдум хорингдан бу гулли».
 Алар зорига ўлди, сан ҳам ўлгин,
 Агар мардсан, мудом зовида бўлгин.
 Илоҳий, ҳамчунон соҳиб нафас қил,
 Иймон бирла чу булбул дар қафас қил.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани ҳушуд қилгин.
 Бу сўзлар кимёйи жону дилдур,
 Насиҳат олмаган марди бахилдур.

КИМЁЙИ БИСТУ ЯКУМ.

Азизо, бу суҳанни нек билгин,
 Ки солибсан, назора дилга қилгин.
 Бу дунёдурки толибларга хошок,
 Халаллардин дилингни айлагин пок.
 Кўнгул мулки халалдин пок бўлди,
 Гунаҳлар куйдию хошок бўлди.
 Хақиқат толибига гап дарундур.
 Муҳаббат аҳлига матлаб дарундур.
 Агар йўл ўртада оқилингни бор,
 Азизим, сан дарундан бўл хабардор.
 Кўнгулни ҳамчунон ойна қилгин,
 Сийвангни соф қил, бегина қилгин.
 Кўнгулда роҳ тобса кибру гина,
 Бўлармиш гарқи зулмат мулки сийна.

ҲИКОЯТ.

Борурди ҳаж сарига шайхи Бистом,
 Муридлар бирла ул марди накуном.

* Мисра вазига тушмайди.

** Матнда «ўрганган», маънан боғланмайди.

Баякборе мукаммал Мисрга тушти,*
 Ани домонига халқлар ёпушти.
 Ки бўлди шуҳрати комил баландтар,
 Бу тил бирла дедилар гавси раҳбар:
 «Мани кўргон киши дўзахдин овод,
 Бўлур чун нури Ҳақдин гўри обод».
 Чиқорди жумлаи халқни бар аъло.
 Йиғилди гирдига то шаҳру саҳро.
 Ани кўргон киши дарёча тўлди,
 Қаромоти валийдин қутб бўлди.
 Бор эрди шаҳрида чанд марди нопок,
 Сияҳ дил эрдилар бисёр шаккок.
 Бу баҳрдин аҳли шаклар хушк қолди,
 Мукаммал мардин бемущк қолди.
 Улеки шайхга мазбут килди ихлос,
 Тонар мақсудича ул қурби Илёс.
 Иймони бандаларни қил саломат,
 Саодатдур, саодатдур, саодат.

ҲИКОЯТ.

Бор эрди хожас аҳли жаҳаннам,
 Қилиб эрди ҳама лаззатни барҳам,
 Ки даргоҳига борди тонмади роҳ,
 Бўлуб навмед қайтти ради даргоҳ.
 Етолмай қолди ақли фалсафини,
 Азалдин Хаққи хушк этти кафини.
 Тамоми аҳли шаҳр чун бад кўрорди,
 Ани чун гарқан иллат кўрорди.
 Киши бўлмас эди олдида ҳамдам,
 Ҳама айтур эди: аҳли жаҳаннам.
 Эшитти номи султон Боязидни.
 Муборак рўйи ул шайхи рашидни.
 Дили бўлди чу сўйи пирга майдон,
 Оқиб кўздин баса монанди найсон.
 Деди: «Дарди дилимни кимга ёрай,
 Нечук юз бирла шайх олдига бораёй?
 Бўлубдур халқ аро номим сияҳрўй,
 Турушрўй мардан бадрўй, бадхўй.
 Жаҳолат тортаман феъли бадимдин,
 Хабарсизман қабулимдин, радимдин.
 Тамоми халқ аро номимду гумроҳ,
 Манингкед русияҳга бормукини роҳ?»
 Кўзини ёши чун дарёйи Жайҳун.
 Гаҳи зардоб оқарди, гоҳида хун.
 Гирибон чок эди чашми пуроби,
 Дили мотамга ўргангон** — кабоби.
 Дуто эрди қади андуҳу ғамдин,
 Бўлуб эрди фано кўҳи аламдин.
 Лекин дойим даровон йўглар эрди,
 Бари хавфи пймондан йиғлар эрди.

Бу йўлда, орий, одам беуюб йўқ,
 Баҳар навъида чун навмед хўб йўқ.
 Умидим бор ул Ғаффор отидин,
 Деди: навмед эмам «лотақнату»дин.
 Бориб даргоҳи қомилга урай бош.
 Тўқай ҳар соате ман дийдадан ёш.
 Умидим бор шояд афв этгай,
 Мани лабташпа то ул сувга етгай.
 Ахир бордики шайх олдига йиғлаб.
 Кўзидин хуни ҳасрат жорий айлаб.
 Ўн икки лак киши ҳам рўбароҳи,
 Қилайди ҳолига дам-дам нигоҳи.
 Дедилар: «Оҳ этармиз бўлди барҳам,
 Етушти базмига аҳли жаҳаннам».
 Деди: «Отинг нима, эй марди аъзам?»
 Деди: «Отим мани шайхи жаҳаннам.
 Хама иқлимга номимдур мени пур.
 Жаҳаннамликда номим борду машҳур.
 Келибман дарғаҳинга.. эй нақухоҳ,
 Мани бадбахтга ҳам бормукин роҳ?
 Жаҳонни гандасидин гандадурман,
 Яқин бил номуборак бандадурман».
 Чу шайх айдики: «Кўниг узмагин, ёр,
 Аламлик бандаларга лутф бисёр.
 Умидинг узма, бир оти Каримдур.
 Хама дардларга марҳамдур, муҳимдур».
 Кўлини олдилар ул шайхи даргоҳ,
 Нидо келтурди ул вожиб таоло.
 Нидо келди: «Ҳақиқа бир дуо қил,
 Мани бандамни манга ошно қил».
 Анга шайх от қўйди, жаннати ном,
 Керак қилгай анга жаннатни инъом.
 Деди, даркор эмас бу ҳашт жаппат,
 Ўн икки лак киши бўлмай бараҳмат.
 Бу сўзни англагин шайхи мукаррам,
 Алар жаннатга кирмай асли кирмам.
 Ки химмат бобидур чун вақти таслим,
 Деди шайх: «Жумлага жаннатни бердим».
 Туфайли интизори бир гунаҳкор,
 Хама олам бўлиб раҳматга саршор.
 Азизо, ҳимматингни ҳамчунон қил,
 Ўзингни мақбули «ҳаққулмубин қил.
 Бу кимё бўлди ҳаққинга байтмом.
 Ўқусунлар тамоми хос ила ом.
 Илоҳий, оқибат маҳмуд қилгин,
 Кетарда бандани хушнуд қилгин.
 Бу сўзлар кимёи ҳар аҷамдур.
 Агар қон йиғласанг, ҳолингга камдур.
 Агар аслингга боқсанг эй хунук рў,
 Дуогў тоб, дуогў топ, дуогў.

КИМЁИИ БИСТУ ДУВУМ.

Ўзингни кам тут, эй марди накуном,
 Баробардур бу йўлда қуфру Ислому.
 Кимники мунда қилди нафъи исбот.
 Кўзига жилвагар бўлди ҳамон зот.
 Қўли ҳар арши аъзамга илингай,
 Ёду неки жаҳон анга оилинган.
 Киши уз нафсига оулди шинос,
 Агар бир қатра бўлса, бўлди дарё.
 Очили ҳар кишига жон қулоғи,
 Муайяндур анга жаннатни боғи.
 Намуду сенамуди пир булган,
 Ҳама олам анга тасхир булгай.
 Талабда Боязиди қўтби автод,
 Талаб қилди пиридин хатти иршод.
 Деди: «Кимия кўрай десанг жаҳонни,
 Топиб келгин ўзингдан сан ёмонни».
 Мукамалдин бу сўз толибга етти,
 Ҳамани ташлади, чиқтию кетти.
 Тутуб пир амрини жондин зиёда,
 Биёбонига тушти по пиёда.
 Анга маълум йўл эрди ҳеч асрор,
 Йўлиқди йўлида хуке баякбор.
 Дилига келди бу мандин ёмондур,
 Ўзи бадрўй, расвойи жаҳондур.
 Қулоғига етушти хукдан овоз:
 Тилингни сақлагин, эй соҳиб роз.
 Агарчи зоҳиримда нургирихман,
 Баҳар навъида сандин анча беҳман.
 Ман ўлдум кеттиму бўлдум туроби,
 Манга йўқтур қиёматни азоби.
 Сан ўлсанг, бошинга гавғойи бисёр.
 Йўлунг устиди чандин ўқбалар бор.
 Дарунигда ҳазорон хук урар жўш,
 Сира манман дема, эй марди боҳўш.
 Бу сўздан Боязид дилтанг бўлди.
 Етушмай ақли мунда ланг бўлди.
 Талабда мундин ҳам ўтти баякбор,
 Йўлукти дийдасига чўғзи бисёр.
 Деди: бул баднамо не иллоти бор,
 На боисдин яратти они Ғаффор?
 Забон очти бу ерга анга лойиқ.
 Бизи ҳам халқ этибдур мунда Холиқ.
 Жавоб айди Язилга чўғзи доно:
 Нечук бизлар ёмон, эй шайхи аъло.
 Агарчи бағномимиз, иллатиймиз.
 Расулulloҳга биз ҳам умматиймиз.
 Забон очти бу сўзни англади чўғз,
 Деди: лоф урмагин эй марди бемағз.

Кўрарсанким, агарчи вақ-вақ эрди,
Бу вақ-вақ йўқ эди, зикри Ҳақ эрди.
Мани чун вақ-вақим бежиз эмасдур,
Буларни кўрасан зикрига мастдур,
Ки бизга шиддати рўзи жазо йўқ,
Ки форигбол юргонмиз гуноҳ йўқ.
Санингдек лойиқи ашё эмасмиз,
Баҳар ҳолида ўз зикрига мастмиз,
Деги чун Боязид: рост айтасан чуғз,
Ўзумдек йўқ экан оламда бемағз,
Буларни мунда тошлаб, ўтти-кетти,
Ки мабразхонага боз етти.
Тутуб бурини ўтти охири қор,
Димоғим бузди деб бадбўйи бисёр.
Нажосатхонадан ҳам келди овоз:
— «Бу сўзни англагин, эй соҳиби роз.
Эшитгин, неъмат ризвои эдик биз,
Чунон лойиқи дастурхон эдик биз.
Санидек гандани оғзига туштук,
Қасофатларга, иллатга ёпушлук.
Ўзунг биздан ёмон, бадхўю бадбўй,
Агар оқилдусан қайтармагин рўй.
Нима деб мунча беҳроқ тошадурсан,
Агар аслиннга боқсанг, шошадурсан,
Келибсан эми чун кўп қилма ҳўей,
Сани чун масканингдур роҳ бўйи.
Онангги қорнида дуқманг эди хай»,
Нечук бўлдуңг бу йўлла соҳиби файз.
Бу йўлда хоҳ фақирю хоҳ ганийсан,
Ки аслинғ қатраи оби маннийсан.
Маний* даркор эмас оби маннийга,
Манийлар тонгла дўзахлур танига.
Ҳавонй тошлагин, кўб бўлма ҳорис,
Сабо маълум бўлур кимё била мис.
Бу сўзни англади бетоб бўлди,
Юрак-бағри эзилди, об бўлди.
Дилига дард найдо бўлди андак,
Ки мувдин ўтти, кўрди саргини сағ.
Қоқиб ўтти оёғини баяқбор,
Ки жомам бўлмасун деб мунда мурдор.
Дилига келтуруб дерди суҳанни,
Чунон олдила кўрди пиразанни.
Ҳамон саргини сағни йўлдин олди,

Тавоф айлаб, яна қўйнига солди.
Деги: уч кун бўлур ман охтарордим,
Тамоми аҳли доғишдин сўрардим.
Сани дийданга бу, саргини пору,
Мани дийдамга, носурларга дору.
Дили комилга шўриш тушти ошиб,
Деги: саргини сағ ҳам бўлмалин деб.
Бориб пир олдига қилди муайян,
Ўзимдек гандани ҳеч топмадим ман.
Ки бу оламда мандин баттарч йўқ.
Ҳама яхши эрур, манда асар йўқ.
Забон очти ҳамондам гавис яздон.
Деги: комилга нав бўлдуңг мусулмон.
Кимики ишқ йўлида адамдур,
Саҳлтар манзили лавҳу қаламдур.
Ташуб чун жониби пирлиғ ғиҳоги,
Ки бўлди Боязид ҳам авлийи.
Қўлига тегди охир пирдин иршод,
Жаҳаннамдин тарғини қилди овод.
Ушот гарданни тақдирга тан бер,
Кимчи тақдирга тан берса, бўлур шер.
Ба ҳаққи ояти асвоби Куръон,
Мусулмон қил, мусулмон қил, мусулмон.
Илоҳий, дийдан дилини бийно қил,
Карам айлаб ўзунга ошно қил.
Худо дегинки, дилин нур қилсун,
Ҳамани кўнглини маъмур қилсун.
Бу хушк дийдаларни об қилсун,
Бу зулматхонани маҳтоб қилсун.
Илоҳий, оқибат маҳмуд қилсун.
Кетарда бандани хушнуд қилсун.
Бу сўзлар кимёйи хар ажамдур,
Ажам улдур, дили ғарқоби ғамдур.
Хусусан кимёйи дин баланддур,
Тамоми кимёлар муңга банддур.
Илоҳий, бандани собит қалам қил,
Дилига хавф бер, жаҳлини кам қил.
Агар элтай десанг маҳшарга иймон,
Талаб қил, нафени ўлдур, бўл мусулмон.
Бу сўзни айдилар султони иқбол;
«Қўлингдан келса хар кимдин дуо ол».
Худовандо, қулунг бечорадурман,
Ҳамалин кам бўлуб оворадурман.

* маний — манманлий маъносида

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР.

- Абас — беҳуда, фойдасиз, бемаъни.
- Абдол — валийларнинг махсус бир гуруҳи.
- Абр — булут.
- Аброр — азизу пок кишилар.
- Абтар — узилган, юлиқ; наслсиз маъносида ҳам келади.
- Авбош — безори, саёқ.
- Аввал — ибтидо, бошланиш.
- Авж — юксалмоқ, кўтарилмоқ.
- Авло — бурунги; яхшироқ.
- Аврат — тананинг уятли ерлари; хотин.
- Автод — миҳ, пона.
- Ададсиз — саноқсиз, беҳисоб.
- Адам — йўқлик.
- Адам мулки — йўқлик олами.
- Адо — ўташ, бажариш.
- Ажам — 1) гайри араб; Эрон, эронлик; 2) мусикада бир куй номи.
- Аждар — аждаҳо.
- Ажз — кучсизлик, заифлик; ожизликни бўйинга олмоқ ва камтарлик маъноларида ҳам келган.
- Ажр — тўлов, мукофот.
- Азим — улуг, катта.
- Азоб — қийналиш, уқубат.
- Азозил — шайтон, иблиснинг номи.
- Айб — нуқсон.
- Айн — кўз.
- Айн—ул—яқин — бирор нарсани моҳияти билан кўриш ва аниқлаш.
- Акбар (кўпл. ақобир) — энг катта, энг улуг.
- Акмал — энг етук, энг тўлиқ.
- Акрам — энг қарамли, энг қарим.
- Алам — 1) ҳасрат, қайғу, ғам; 2) байроғ, туг.
- Алаф — ўт, хашак, ем.
- Алим — аламли, дарднок.
- Ало — юксалиш, олийлик.
- Алтоф — лутфнинг кўплиги.
- Амал (кўпл. аъмол) — умид, тилак, орзу; иш ҳаракат ақиданинг бажарилиши, мансаб.
- Амин — 1) сақловчи; 2) ишончли.
- Аммор ва аммора — буюрувчи, ундовчи. Нафси аммора— ақлга ғолиб келувчи нафс, бузуқ нафс.
- Амома — салла.
- Аморат — амирлик, амирга қарашли, мансабдорлик, ҳукмронлик.
- Авбар — бир навъ атриёт.
- Авбуҳ — 1) кўп сон-саноқсиз, 1) аломон, тўда.

Анвар
 Анвор
 Ангабин (ангубин)
 Андеша
 Андом
 Андух
 Анкабут
 Авосир
 Арасту

 Арвоҳ
 Арш

 Асас
 Асо

 Асп
 Асҳоб

 Атиор
 Афгор
 Афсурда
 Ахгар
 Ахтар
 Ашк
 Аъзам
 Аъло
 Аъмо
 Аъмол

 Ақаба
 Ақраб
 Ағвас
 Аҳад
 Аҳвал
 «Аҳсон—ут—тақвим»

 Бада
 Бадал
 Бадар
 Бадгӯҳар
 Бадкор
 Бадр
 Баложў (баложўй)
 Балокаш
 Банда
 Барас
 Бараҳна
 Баржаста

 Барин

— энг нурли, энг равшан.
 — нурнинг кўнлиги.
 — асал.
 — фикр, ўйлов; хавф-хатар.
 — бадан, қомат, қиёфа.
 — ғам, қайғу.
 — ўргимчак.
 — унсурлар (сув, ҳаво, тупроқ, ўт).
 — юнон файасуфи Аристотел (мелодгана
 384-322).
 — руҳнинг кўнлиги.
 — осмоннинг энг юқори қавати. Илохий
 айвон маъносида ҳам ишлатилган.
 — тун соқчиси.
 — ҳасса, асоий калим—Мусо пайғамбар
 нинг таъри.
 — ёт.
 — саҳобанинг кўнлиги.
 — таврнинг кўнлиги, хулқ маъносида ҳам
 ишлатилган.
 — яраланган, мажруҳ.
 — чириб битган, эски.
 — чўғ.
 — юлдуз.
 — кўз ёши.
 — энг улуг, энг катта.
 — энг юқори, энг юксак.
 — кўрлик, сўқирлик.
 — амалнинг кўнлиги, яхши ва ёмон
 ишлар.
 — огир тоғ йўли, қийин иш.
 — яқин кишилар, қариндош-уруғлар.
 — энг мададкор, энг ёрдам берувчи.
 — бир.
 — гилай.
 — «Энг чиройли шакл. сурат» (Қуръон,
 ат—тин сураси, 4-оят).
 — ёмон.
 — эваз, алмашмоқ.
 — чиқ эшикдан ташқарига, йўқол.
 — зоти паст.
 — ахлоқсиз, бузуқ.
 — тўлин ой.
 — бало тиловчи, бало изловчи.
 — балога мубтало, жафокаш.
 — қул, мен (камина).
 — нес.
 — яланғоч.
 — қабариқ; бўртиб турган, кўзга
 кўринарли.
 — ўхшаш.

- Барий
 Барф
 ʒасир
 Баста
 Батаймор
 Батар
 Вебадал
 Бағал
 Баҳр
 Бегарон (бекарон), бегарона (бекарона).
 Бебахра
 Бедасту пой (по)
 Бемузл
 Берк, берик.
 Бешарар
 Ёҳамвият
 Бийд
 Байнанда
 Бирру бор
 Бист
 Бистар
 Бистом
 Бих
 Бозий
 Бомдод
 Боргоҳ, боргаҳ
 Бори вазмин
 Борий
 Борон
 Ботил

 Боязид Бистомий (авф. 875)
 Ботин
 Буду нобуд
 Ёурҳон
 Бў, бўй
 Боз
 Бешумор
 Бу—л—фузул

 Валий
 Ваҳдат
 Ваҳҳоб
 Вирд (кўпл, аврод)
 Вобаста
 Вожгун
 Волида
 Ворида
 Восил
 Воҳид
 Воқиф

 — айбсиз, холи, покиза, тоза, озода.
 — қор.
 — ўткир кўззли, кўрувчан; зийрак.
 — 1) боғлиқ, боғланган; 2) ёпиқ, берк.
 — қайгули, азоб чеккан, дардли.
 — ёмопроқ.
 — тенгсиз.
 — қўйин, қўлтиқ.
 — дарё; денгиз, кўл.
 — чексиз, чегарасиз, баҳосиз.
 — бечора, бенасиб.
 — қўл—оёқсиз; ожиз.
 — текин, ҳақ тўланмайдиган.
 — қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ.
 — алангасиз.
 — бефарқ, лоқайд.
 — тол дарахти.
 — кўрувчи, тамошабин.
 — Тангри.
 — йиғирма.
 — тўшак, ўрин.
 — қар, Боязид Бистомий.
 — томир, негиз.
 — ўйин, алдов.
 — тонг, саҳар.
 — шоҳ даргоҳи.
 — оғир юк.
 — Тангри, яратувчи.
 — ёмғир.
 — 1) беҳуда бўлмагур; 2) бузилган, ўтмайдиган.
 — машҳур, авлиё, сўфий.
 — ички, яширин, сирли.
 — бору йўқ, бор эди, йўқ бўлди.
 — далил, ҳужжат.
 — ис, ҳил.
 — очик, очип.
 — ҳисобсиз, санақсиз.
 — серган, беҳуда нарсалар билан шугуланувчи.
 — 1) эга, соҳиб, 2) авлиё.
 — бирлик, ёлғизлик.
 — саховатли, сахий.
 — тинимсиз қайтариладиган вазифа, ду
 — боғланган, карам.
 — тескари, чапна.
 — она.
 — кериб келувчи, етиб келувчи.
 — эришувчи, етишувчи.
 — бир, ягона.
 — хабардор.

Гавҳарфишон

Гайда

Гард

Гардан

Гарданда

Гардун

Гарм

Гармрӯ

Гарон

Гаронбор

Гаронмоя

Гарибон

Гариҳ

Гиромий

Гом

Гузаргоҳ

Гум

Гумраҳ

Гуризон

Гуфтор

Густоҳ

Гӯш

Гуҳарсанж

Дабдаба

Дабир

Дав

Давлатнапоҳ

Давр

Дайр

Далил (кўпл. далоил)

Далолат

Дамор

Дамсоз

Дар

Даргоҳ, даргаҳ

Дариго

Дарк

Дармонда

Дароз

Дарун

Дастор

Дафина (кўпл. дафойин)

Даҳр

Даҳсола

Даҳўм

Девонавор

Дигар

— гавҳар сочувчи.

— чирик, сассиқ, ёмон.

— чанг, губор.

— бўйин.

— айланувчи, кезувчи.

— осмон.

— иссиқ.

— иссиқ юзли.

— 1) оғир; 1) қимматли, арзон эмас.

— юки оғир.

— қимматбаҳо.

— ёқа.

— 1) тугуй, чигил; 2) машаққат.

— қадрли, азиз.

— одим, қадам.

— ўтадиган жой, йўл.

— йўқолган; сув тўпланган жой.

— йўлдан адашган, йўлини йўқотган.

— югурувчи, қочиб кетувчи.

— сўз, суҳбат, нутқ.

— сур, адабсиз, андишасиз, тортинмайдиган.

— қулоқ.

— гавҳарни билувчи, қадрига етувчи; доно, сўзамол.

— тантана, шов-шув, ҳаддан ортиқ ҳашамат, савлат.

— котиб.

— югуриш.

— подшоҳ, ҳукмрон.

— вақт, замон.

— бутхона, ибодатхона, майхона.

— ҳужжат, асос.

— йўл кўрсатиш.

— илдиш; йўқ қилиш, нобуд қилиш.

— мослашувчи, дўст, ҳамдам, улфат.

— эшик.

— бўсаға, остона, сарой.

— Э вой! Э дариг! Ҳой аттанг! Афсу!

— фаҳм, идрок.

— кучсиз, нотавон.

— узун.

— ичкис жон, юрак.

— салла.

— хазина, ерга кўмилган қимматбаҳо нарсалар.

— замин, дунё.

— ўн ёш.

— ўниччи.

— телбаларча, телбалардек.

— бошқа, бўлак.

Дийда
 Дилафгор
 Дилгир
 Диловар
 Дилозурда
 Дилреш
 Дилсўз
 Дод
 Додар
 Додгар
 Дом
 Доман
 Донанда
 Дохил
 Дувоздзахум
 Ду
 Дуд
 Дузд (дуз)
 Дун
 Дур
 Дуруд
 Ду рўза
 Дуто ёки дутоҳ
 Душвор
 Дароз

 Ездаҳум
 Жаббор
 Жабин
 Жабал
 Жабҳа
 Жав
 Жавонмард
 Жавоҳир (жавҳарнинг кўплети)
 Жалла
 Жалил
 Жалоя
 Жанда
 Жаҳим
 Жаҳонгард
 Жибиллий
 Жибрил
 Жигарриш
 Жигархун
 Жиржис (303 йили ўлдирилган)

 Жилвагир
 Жовид
 Жойиз
 Жом

— кўз.
 — ғамгин, қайғули, ўйчан.
 — бўғилган, ранжиган, ғамгин.
 — мард, жасур.
 — озор тонган, ранжиган.
 — кўнгли яра.
 — жонкуяр, меҳрибон.
 — адолат; қасос; ёрдам чақириги
 — биродар (ака-ука).
 — одил.
 — тузоқ, тўр.
 — этак.
 — олим, билимдон.
 — қирувчи, кирган; тегишли.
 — ўн иккинчи.
 — икки.
 — тутун.
 — ўғри.
 — паст, разил (разил дунё).
 — йироқ, олис.
 — салом, ишорат ёғочи.
 — икки кунлик.
 — икки буқилган.
 — қийин, оғир.
 — узун.

 — ўн биринчи.
 — бўйсундирувчи, мажбур этувчи.
 — манглай, пешона.
 — тоғ, қудратли.
 — олд томон; пешона.
 — арпа.
 — саҳий, мард.
 — қимматбаҳо тошлар, гавҳарлар.
 — улуг, юксак, билагон (Аллоҳга ишора)
 — улуг, атоқли, шонли.
 — улуглик.
 — жулдур кийим, дарвишлар тўни.
 — жаҳаннам.
 — дунё кезувчи.
 — тугма, табиий.
 — Жаброил.
 — кўнгли яра, аламли.
 — бағри қон.
 — Юнон подшоҳи Дақлитёнус (284-303)
 даврида Анатолия ғарбидаги Кабуний
 да амир бўлган муқаддас киши.
 — жилва қилувчи.
 — абадий.
 — ўринли, мумкин.
 — қадах.

Жониб
Жорий
Жоруб
Жоҳил
Жуябиш
Жунуб
Журм
Жуш
Жўй
Жустужў
Забихуллоҳ

Забон
Забун

Заврақ
Зайл
Залил
Залолат
Замир
Зан
Зар
Зард
Зариф (кўпл. зурафо)
Зарифа
Заҳира
Заҳролуд
Зеҳн
Зинда
Зино
Зидоат

Зокир
Зону
Зоҳид
Зоҳир
Зухд
Ибодат
Ибтидо
Ижобат
Изор
Изтироб
Икром
Иксир

Илож
Иложсиз
Илоҳим
Илтижо
Илтифот
Имдод

— томон, тараф.
— оқувчи, оқиб турувчи.
— супурги.
— водон.
— ҳаракат.
— гуноҳкор.
— гуноҳ; жиноят.
— қайнаш.
— ариқ.
— қидириш, ахтариш.
— Аллоҳ йўлида сўйилган (Исмоил пай
гамбар лақаби).
— тил.
— енгилган, асир бўлган; заиф, кучсиз
бечора.
— қайиқ.
— этак; бир нарсанинг охири.
— насткаш, тубан.
— тўғри йўлдан озиш.
— юрак, кўнгил.
— хотин.
— олтин.
— сариқ.
— зийрак, ақлли ўткир, хуштабъ.
— ўткир сўз, доно фикр.
— аҳтиётдан сақлаб қўйилган нарса.
— заҳарли.
— фаҳм, идрок.
— тирик.
— бегона аёл билан алоқа қилиш.
— экин экиш, деҳқончилик, кўпроқ тоат
ибодат маъносида келган.
— эсловчи; зикр қилувчи.
— тизза.
— тарки дунё қилган киши.
— кўриниб турган, аён.
— художўйлик, таркидунёчилик.
— сирғиниш.
— бошланиш, бошда, дастлаб.
— қабул қилиш, мақбуллаш, рози бўлиш
— ич кийим, иштон, лозим.
— ҳаяжон, нотинчлик.
— иззат, ҳурмат.
— ҳар қандай нарсани олтинга айлантира
оладиган фалсафий тош.
— 1) даволаш, 2) дори, 3) чора.
— 1) давосиз, 2) чорасиз.
— Худойим.
— яличиш, ёлбориш.
— лутф қилиш.
— ёрдам, кўмак, мадэд.

Иккилик	— 1) айримлик, 2) шубҳа.
Иноят	— ғамхўрлик, илтифот.
Интиҳо	— тугаш.
Инқироз	— тугалланиш.
Иршод	— йўлга солиш, ўргатиш, раҳнамолик қилиш.
Исмат	— номус, иффат, айбсизлик.
Испанд	— исирик.
Истинжо	— ювиниш.
Истиғфор	— тавба қилиш.
Итоб	— маломат, таъна.
Ифто	— очиш, фош этиш.
Ихбор	— хабар бериш.
Ихлос	— 1) холислик, самимият, 2) тавҳид (бирлик) сураси.
Ихрож	— чиқиб кетиш.
Иштибоҳ	— янглишиш, шубҳа.
Иқтибос	— кўчирма, кўчириб олиш.
Иқтидо	— тақлид қилиш, эргашиш.
Истихора	— туш орқали фол кўриш.
Кабир	— улугвор, улуг мартаба.
Кавн	— борлик, дунё.
Кавсар	— жаннат сувининг номи.
Кадхудо	— хотинли киши, эр, ҳукмрон, подшоҳ.
Кадар	— ғам, ғусса.
Каж	— эгри, қинғир.
Кадомин	— қайсиқим.
Кабуд	— кўк, кўкимтир.
Кажрафтор	— 1) эгри кўнгил, аблах, 2) хулқсиз киши.
Камин	— панажой, пистирма.
Каззоб	— ёлгончи.
Камингоҳ	— пойлаб туриш жойи.
Кандан	— қазиш, қовлаш, чиқариб ташлаш.
Каниз	— чўри, хизматкор қиз.
Канора	— қирғоқ, чет.
Карам	— саховат, олийҳимматлик.
Карбос, кирбос	— пахтадан ишланган юнқа мато, дақа.
Кардигор	— ярагувчи, холиқ.
Карим (кўнл. киром)	— меҳрибон, сахий.
Кафандуз (тўғриси: кафандузд)	— кафан ўғриси.
Кашон	— торталиган.
Кибр	— такаббурлик.
Кисват	— кийим, уст-бош.
Кизб	— ёлгон, уйдирма.
Кишт	— экин.
Кишти	— кемалар.
Кода, коло	— мол-мулк, асбоб анжом, ашё.
Комсиз	— мақсадсиз, тилаксиз.
Кох	— қаср, сарой.
Кор	— иш, юмуш.

- Корсоз
 Куфр (кўпл. куффор)
 Колив
 Коҳ
 Коҳиш
 Коҳил
 Кудом, кудомин
 Кудурат
 Куланд
 Кувж
 Кулл
 Кунун, акнун
 Кушода
 Кушола
 Кўтоҳ (кўтах)
 Кўҳсор
 Лабашна
 Лавлок

 Лавҳ

 Лақ
 Лагадкўб
 Лангар

 Ларзон
 Лаъин
 Лолагун
 Ломакон
 Лағзиш
 «Ло тақнат»
 Ло чак
 Лоҳут
 Мабраз
 Маҳбут
 Мавж (кўпл. амвож)
 Мавзун
 Мавлавий
 Маврид
 Мавт
 Магас
 Мадфун
 Мадҳ
 Мадҳуш
 Мажзуб

 Мажид
 Мажмар, мижмар

 — иш бажарувчи.
 — динсизлик.
 — ҳаяжонланган, ақлдан озган.
 — сомон.
 — озайтириш, камайтириш.
 — сует, секин.
 — қайсиси, қайси бири.
 — 1) алам ташвиш, 2) ҳижолат.
 — чўкич, метин.
 — бурчак.
 — ҳамма, барча, бутун.
 — энди.
 — очиқ.
 — чўзилган, узун.
 — қисқа, қалта.
 — тоғлик.
 — чанқоқ, сувсаган.
 — агар сен бўлмасанг: — ер ва мавжудотнинг Муҳаммад пайгамбар туфайли яратилиши ҳақида ҳадис.
 — 1) тахтача, ёзув тахтачаси; 2) лавҳа, тош, қабр тоши.
 — юз минг.
 — оёқ ости қилинган, помол қилинган.
 — лангар; йўловчилар кўниб ўтадиган жой. камбағал, етим-есирга овқат бериладиган жой. ғарибхона.
 — титроқ, қалтироқ.
 — лаънати, малъун.
 — дола ранг, қизил.
 — 1) муҳим ери йўқ; маконсиз; 2) Тангри.
 — тойиш, қокилиш.
 — «ноумид бўлмаг» (Қуръон, 11/46).
 — чакки бўлмаган.
 — илохийлик.
 — ҳожатхона, холажой.
 — ҳайрон, ҳайратда қолган.
 — тўлқин.
 — текис, хушбичим.
 — донишманд.
 — кириш ери; кириш пайти.
 — ўлим.
 — пашша.
 — кўмилган, дафн қилинган.
 — мақтов.
 — ҳушдан кетган, қўрққан.
 — ақлдан озган, ҳақиқий ишқ жозибасини бошдан кечирган (киши).
 — шонли, шарафли.
 — исриқ солиб тутатиладиган идиш (манқан).

Мажнун	— телба.
Мажус (мажусий)	— оташнараст.
Мазаллат	— 1) ҳақорат, 2) пастлик.
Мазаммат	— тергаш, ёмонлаш.
Мазбут	— мустаҳкам, маҳкамланган.
Маъхаб	— 1) дин; 2) таълимот; 3) йўл, йўналиш.
Майгун	— май ранг, қизил.
Маййит	— ўлик, мурда.
Маллоҳ	— денгизчи.
Малак (маловка)	— фаришта.
Малоҳат	— ёқимлилиқ.
Манил	— мол-мулк.
Мансух	— бекор қилинган.
Марғ	— ўлим.
Мардона либос	— эркакча кийим.
Мардуд	— 1) рад этилган; 2) лаънати.
Маркаб	— миниладиган ҳайвон (от, туя, эшак)
Мароҳил (марҳала)	— манзил босиб ўтмоқ.
Марғуб	— ёқимли, сеvimли.
Масдуд	— тўсилган, боғланган.
Мастур	— ёзилган битилган.
Маъзан	— хазина.
Махлас	— қутулиш, озод бўлиш.
Маъво	— бошлана.
Маъсият	— гувоҳ.
Мағфират	— кечириш, гуноҳларни кечириш.
Маҳзар	— 1) ҳозир бўлиш, 2) мажлис.
Маҳмуд	— мақталган.
Маҳол	— қийин, мушкул.
Маҳрам	— яқин дўст, сирдош.
Маҳфил	— 1) йигин, мажлис; 2) йигин, мажлис жойи.
Маҳшар	— қиёмат куннда одамлар йигиладиган жой.
Мезон	— 1) тарозу; 2) ўлчов, оғирлик.
Маъмур	— тўкин, етарли.
Меҳр	— 1) муҳаббат; 2) офтоб, қуёш.
Минвол	— қояда, йўсин, равиш.
Мукаммил	— охирига етказувчи, мукаммал қилувчи.
Миръот	— ойна, кўзгу.
Миқроз	— қайчи.
Монавд	— ўхшаш.
Мор	— илон.
Мужда	— хушхабар, суюкчи хабар.
Музтар	— мажбур бўлган, ночор.
Мумтоз	— тавланган, сараланган.
Мункир	— инкор қилувчи, рад этувчи.
Мунодий	— жарчи, чақирувчи.
Муножот	— ёлбориш.
Мунофиқ	— икки юзламачи.
Мунтаҳий	— охирига етувчи, тамомланувчи.

Мунъим
Мурдаш
Муршид
Муртал
Муस्ताфо

Муस्ताқим
Мустахаб
Мусҳаф
Муталиъ
Муттако
Муфлис
Мухтор
Мушавваш
Муштарий
Муштигил
Муқаллид
Муҳра
Мў (мўй)

Набий
Набуд
Навард
Навбат
Навид
Навмид
Навҳа
Надам
Нодир
Нажас (нажосат)
Нанг
Нарм
Насим (кўпл. насойим)
Нахват
Нигорон
Нисманд
Низомулмулк
Ним
Нисо
Нисф
Ниҳон (ниҳоний)
Нодира
Нолон
Номаҳрам
Номдор
Нор
Носих
Носут
Нотавон
Нохун
Нохий

— сахий, олийжаноб, неъматпарвар.
— гассол, ювувчи.
— муридларнинг маънавий раҳбари—пир
— диндан қайтган.
— сайланган (Муҳаммад пайгамбарнинг
сифатлари).
— тўғри.
— севилган, ёқтирилган.
— Қуръон.
— хабардор.
— суянадиган нарса.
— камбағал, фақир, ночор.
— сайланган, ишонарли.
— паришон.
— сотиб олувчи, харидор.
— бир сиқим лой.
— тақлид қилувчи, эргашувчи.
— мунчоқ
— соч толаси, тук.

— пайгамбар.
— бўлгани йўқ.
— уруш, жанг.
— 1) дафъа, гал, 2) қоровуллик.
— севинчли хабар, хушхабар.
— умидсиз.
— йиғи, нола.
— пушаймон.
— камёб.
— кир, булганган, ифлослик.
— уят, номус, шарм.
— юмшоқ.
— энгил шабада.
— гурур, кибр-ҳаво, мутакаббирлик.
— термулиб кутувчи, интизор.
— 1) муҳтож, 2) ўтинувчи.
— салжуқийлар вазири (1018—1092).
— ярим.
— аёл.
— ярим.
— яширин.
— ягона, ёлғиз.
— нола қилувчи.
— ёт, бегона.
— машхур.
— шуъла, ўт, олов, дўзах.
— насиҳат қилувчи.
— инсонийлик, инсон табиати.
— заиф, қувватсиз.
— тирноқ.
— тараф, томон, жой.

Ноқис
Нубувват
Нун ва — л — қалам

Нухустин, нухуст
Нухум

Об
Обид
Озар
Одойиш
Омий
Омил
Омода
Омуравиш
Ориф
Осиё
Осий
Оташфишон
Офият
Ошуфта
Оқил

Пайгон
Паймона
Паёнапай
Пайрав
Палид
Панд
Панж
Парастииш
Паришон
Партав
Партов
Парҳезгор
Пираҳан
Пиша
Писанд
По, пой
Побаст
Пайгом
Пойдор
Покдомон
Помол
Понздаҳум
Порсо
Пору
Пошикаста
Пурпеч
Пушида
Пуршӯр

— нуқсонли.
— пайгамбарлик.
— «нун» (ҳарфи) ва қалам (Қуръон, қалам сураси, 1 оят).
— илгари, аввал, биринчи.
— тўққизинчи.

— сув.
— ибодат қилувчи, сиғинувчи.
— ўт, олов.
— кир қилиш, булғаш.
— 1) умумий; 2) саводсиз.
— хизматчи, хизматдаги киши.
— тайёр, ҳозир.
— гуноҳни кечиш, афв этиш.
— билимдон, доно, донишманд.
— тегиримон.
— гуноҳкор, итоатсиз.
— олов сочувчи.
— соғлиқ, эсонлик.
— паришон.
— ақлли, эсли.

— ёй ўқлари.
— жом, умр жоми.
— кетма-кет, муттасил.
— эргашувчи.
— ифлос.
— ўғит.
— беш.
— сиғиниш.
— тўзилган, ёйилган.
— нур.
— улоқтириш.
— тийилувчи, парҳез қилувчи.
— кўйлак.
— касб.
— маъқуллаш.
— оёқ.
— 1) асир, 2) ошиқ.
— хабар.
— барқарор, маҳкам.
— ифбатли, пок.
— оёқ ости.
— ўн бешинчи.
— тақводор, художўй.
— сунриди, гўнг.
— оёғи синган.
— чигал, кўп ўралган.
— ёшиқ, яширин.
— серғавго.

Рабб (кўпл. арбоб)
Раббано
Работ
Рабуд
Раванда
Равза (кўпл. рибз)
Равзан
Раг
Раззоқ
Ранжур
Раста
Расул (кўпл. русул)
Расудуллоҳ
Рафраф
Рафтар

Рахт
Раҳгузар
Раҳим
Раҳмон
Раҳнамун
Рев
Ризвон
Розиқ
Румуз (бирл. рамаз)
Рухуламин
Рухуллоҳ
Рўбоҳ
Рўгардон
Рўз
Рўзгор
Рўзий
Риё
Сабаб
Сабукбор
Сад сола
Сазо
Самар (кўпл. асмор).
Сансор
Сано
Сарбаланд
Сарвар
Саргин
Сард
Сарқўб
Сарнигун
Сарнигунсор
Сархам
Сақар
Сақат қилмоқ
Саҳв

— 1) хўжа, эга; 2) Тангри.
— эй бизнинг Тангри.
— карвонсарой, мусофирхона.
— тортиш.
— юрувчи, кезувчи, мусофир.
— 1) бог; 2) жаннат.
— тўйник, тешик, дарча.
— томир.
— **ризқ берувчи (Худо).**
— касалманд, дардман.
— 1) саф, қатор; 2) овоз бўлган, қутулгач.
— элчи, пайғамбар.
— Аллоҳнинг элчиси.
— қанот қоқиш, парвоз қилиш;
қазрати Алининг оти, муомала.

— буюм, йўл юки, кийим-кечак.
— 1) йўловчи; 2) ўтиш йўли.
— раҳм қилувчи.
— Худонинг номи.
— йўл кўрсатувчи.
— мақр, ҳийла.
— жаннат, жаннат боғи.
— ризқ берувчи (Худо).
— имо-ишора, яширин белгилар.
— Жаброил алайҳиссаломнинг лақаблари
— Исо пайғамбарнинг лақаби.
— тулки.
— юз ўгирган.
— кун.
— 1) замона; 2) ҳаёт.
— ризқ, насиба.
— мунофиқлик, икки юзламачилик.
— бонс, вая, баҳона.
— енгил юкли, чақдон, илдам.
— юз ёш.
— 1) муносиб, лойиқ; 2) жазо.
— мева.
— 1) тошлоқ ер; 2) тошбўрон қилиш.
— мақтов.
— боши юқори, юксак, атоқли.
— етакчи, йўлбошчи.
— ахлат, ҳайвонлар гўнги.
— совуқ.
— қалъа устидаги баландлик.
— боши қуйи тўнтарилган, шарманда.
— остин-устин, огдарилган.
— боши эгик.
— дўзах.
— майиб қилмоқ.
— хато.

Саҳл	— енгил, осон.
Сидқ	— тўғрилиқ, ростлик.
Сийм	— кумуш.
Сийрат	— юриш-туриш.
Силли	— шавалоқ.
Силсила (кўпл. салосил)	— 1) занжир; 2) шажара.
Сипанд	— исриқ, исриқ уруги.
Синехр	— фалак, осмон, қуёш.
Сиришк	— кўз ёши.
Сиришт	— яратилиш, табиат.
Содиқ	— чин сўз, садоқатли, вафодор.
Солиҳ	— тўғри табиатли.
Субҳ	— тонг.
Суд	— фойда, манфаат, наф.
Сўзон	— ёндирилган, куйдирилган.
Табдил	— ўзгариш, алмаштириш.
Табор	— насл, насаб.
Таважжух	— 1) юзланиш; 2) диққат.
Таваккул (таваккал)	— ишониб қўйиш, таваккал қилиш.
Тавоно	— кучли, қодир.
Тавҳид	— 1) бирлаштириш; 2) Худонинг бирлиги га эътиқод қилиш.
Тажаллий	— жилоланиш, жилваланиш.
Тажрид	— 1) айрилиш; 2) ёлғизлаш.
Таймор	— гамхўрлик, гам ейиш; қайғу, азоб- уқубат, жабр-жафо.
Такфин	— ўликни кафанлаш.
Талх	— ачкиқ.
Талқин	— тавсия этиш, ўғитлаш.
Тамоил	— мисол келтириш, ўхшатиш.
Тавҳогард	— якка кезувчи.
Тар	— ҳўл.
Тараб	— хуррамлик, шодлик, завқ, шавқ.
Тариқат	— йўл, маслак.
Тафрид	— ёлғизланиш, четланиш.
Тақво (тақвий)	— пархезкорлик, художўйлик.
Тақсир (кўпл. тақсирот)	— айб, гувоҳ иш.
Таҳайюр	— ҳайратда қолиш, ҳайрон бўлиш.
Таҳаммул	— сабр, чидам.
Таҳур (таҳуро)	— пок, тоза, муқаддас.
Тийнат	— табиат, хулқ, феъл, атвор.
Тийра	— қоронғи.
Тобон	— порлоқ, нурли.
Тойир	— 1) учадиган, учувчи; 2) қуш.
Тахти пойи	— оёқ ости.
Таъжил	— тезлатиш, шошилиш.
Ташхис	— ажрата билиш.
Тазарруъ	— ёлбориш, яливиш.
Тамасхур	— масхара.
Тунд	— тез, қаттиқ, шиддатли.

Туроб	— 1) тунроқ; 2) гўр.
Турфатул—айн	— бир зумда.
Тусий Насируддин Муҳаммад (1201-1273)	— файласуф, диний—сиёсий арбоб.
Тўша	— озиқ-овқат, йўл озиғи.
Уммон	— денгиз, океан.
Устувор	— маҳкам, кучли, бақувват.
Устухон	— суяк.
Уқбо	— нариги дунё.
Фавж	— гуруҳ, тўда.
Фаж	— тоғлар орасидаги йўл.
Фалак (кўпл. афлок)	— осмон.
Фараҳбахш	— хурсандчилик, бағишловчи.
«Фатҳан қарибо»	— «яқинда бўладиган ғалаба билан».
Фатила	— пилик.
Фаш	— салланинг учи, печи.
Фарсмут	— унутиш.
Фақир	— камбағал.
Фигор	— 1) яраланган, мажруҳ; 2) қийналган, чарчаган.
Фиканда	— ташланган.
Фироқ	— айрилиқ.
Фосиқ	— фисқу фасодчи.
Фузул	— кўп, ортиқ.
Фузули	— ортиқча ва беҳуда сўзловчи, эзма.
Футур	— 1) чарчаш, тушкунлик; 2) зарар.
Хазина	— бойлик.
Хайл	— тўда, гуруҳ.
Халидуллоҳ	— Алдоҳнинг дўсти, Иброҳим пайгамбарнинг лақаби.
Халлоқ	— яратувчи, Тангри.
Хар	— эшак.
Харвор	— бир эшак кўтарадиган юк (18 пудга яқин).
Харж кард	— сарф қилди.
Харкурра	— эшак боласи, хўтик.
Хармуҳра	— эшак бўйнига илинадиган мунчоқлар.
Хасм	— душман.
Хилқат	— яратилш.
Хирад	— ақл.
Хиром	— бир-бир босиб ўтиш.
Хирс	— айиқ.
Хирқа	— жанда.
Хоб	— уйқу, туш.
Хок	— 1) тунроқ; 2) мамлакат.
Хокистар	— кул.
Хоклик	— камтарлик.
Хук	— чўчқа, тўнғиз.

Хун
Хуноба
Хуршид
Хуффош
Хушк
Хў (хўй)
Хўб
Хўрок

Чарх
Чашм
Чашми тар
Чаҳор
Чолок
Чирк
Чиҳил
Чорагар
Чуст
Чуз
Шаб
Шабафрўз
Шабгард
Шабохун (шабихун)
Шайтон (кўпл. шаётин)
Шакарбор
Шакл (кўпл. ашкол)
Шамоил (кўпл. шамила)
Шамс
Шарар
Шариф (кўпл. ашраф)
Шаръ
Шария
Шафеъ
Шафоат
Шаш
Шашад
Шақоват
Шаҳд
Шермард
Шиблий

Шикам
Шикан
Шиква
Шикоф
Шичосо
Шивовар
Ширк
Шойиста
Шохир

— қон.
— қонли ёш.
— қуёш.
— кўршапалак.
— қуруқ, амалсиз.
— одат, феъл, қилиқ.
— чиройли, яхши.
— овқат, егулик.

— фалак.
— кўз.
— кўз ёшли, кўзи доим намда.
— тўрт.
— 1) келишган, хушбичим, 2) чаққон.
— кирли, ифлос.
— қирқ.
— иложини топувчи.
— тез, чаққон.
— бойқуш, бойўгли.
— кеча.
— кечани ёритувчи.
— тунда айланувчи, тунги қоровул.
— тунда тўсатдан қилинган хукум.
— иблис, шайтон.
— 1) шакар ёғдирувчи; 2) ширин.
— расм, кўриниш.
— 1) сифат, фазилат; 2) кўриниш, шакл.
— қуёш.
— аланга, учқун.
— шарофатли, зоти тоза.
— шариат қоидалари.
— ҳимоячи.
— шафқатли, марҳаматли.
— ҳимоя қилиш.
— олти.
— олти юз.
— 1) бахтсизлик; 2) бало.
— бол, асал.
— ботир, паҳлавон.
— Абу Бакр Дулаф (945—816)—машҳур сўфий Хуросондаги Шибла қишлоғидан. Бағдолда вафот этган.
— қорин.
— 1) синиқлик, буралиш; 2) жнгалак.
— шикоят.
— ёриқ, дарз, тешиқ.
— таниш, билиш.
— сувда сузишлик.
— 1) кўп худолок; 2) динсизлик.
— дойиқ, муносиб.
— шукр қилувчи.

Шонзда	— ўн олти.
Шош, шоша	— сийдик.
Шубон	— чўпон.
Шўбайб	— Қуръонда зикр қилинган пайгамбар.
Шў, шўй	— эр.
Шўр	— ғавво, тўполон.
Шўрбахт	— бахти қаро, бахтсиз.
Эваз (иваз)	— бадал.
Эзид	— Худо.
Эмви	— сақланган, омон.
Эрон	— мардлар, эрлар.
Эъжоз	— мўъжиза кўрсатиш.
Қабз	— олиш, тутиш.
Қабиҳ	— жирканч, ярамас, разил.
Қавл (кўпл. ақвол)	— сўз, гап.
Қалар	— 1) вақт чегарасини билдирувчи сўз, 2) тақдир, қазо.
Қазо	— тақдир.
Қалил	— оз.
Қаллоб	— фирибгар, алдамчи.
Қариб	— яқин, қариндош.
Қатл	— ўлдириш.
Койим	— тик, оёқ устида турувчи; ухламовчи.
Қуддус	— пок, муқаддас.
Қуде	— пок, муқаддас.
Қур	— ўрама белбоғ.
Қолиб	— қолип, шакл, бадан тузилиши.
Қулзум	— қизил, денгиз, умуман денгиз.
Қут (кўпл. авқот)	— овқат, емак.
Ғайб	— йўқлик, ғойиблик.
Ғозий	— ғазот қилувчи, уруш қилувчи.
Ғаш	— нохушлик.
Ғавс	— мадаккор, ёрдам берувчи.
Ғайр	— ўзга, бошқа.
Ғалат	— хато.
Ғамзада	— ғамгин, қайғули.
Ғаммоз	— сир очувчи, чақимчи.
Ғафур	— кечирувчи, Аллоҳнинг сифати.
Ғорат	— талон-тарож.
Ғурбат	— ғариблик, мусофирлик.
Ғулом	— йигит, хизматкор.
Ғул	— банд, кишан.
Ҳалаф	— вишон.
Хулайдо	— аён, равшан, очиқ.
Ҳажар	— тош.

Ҳайзан	— виждонсизлик, диёнатсизлик, инсофсизлик билан.
Ҳорис	— ер ҳайдовчи деҳқон.
Ҳабба	— уруғ, дон.
Ҳабиб	— дўст.
Ҳазор	— минг.
Ҳамд	— мақтов.
Ҳафтум	— еттинчи.
Ҳаштум	— саккизинчи.
Ҳезон	— ҳезлар.
Ҳиждаҳум	— ўн саккизинчи.
Ҳубоб	— қатра, томчи; осмон гумбази.
Ҳулла	— кийим.

М У Н Д А Р И Ж А .

БОБОРАҲИМ МАШРАБ ВА УНИНГ «КИМЕ» АСАРИ	3
«Кимё»	9
«Кимё» нинг қўлёзма ва босма нусхалари	11
«Кимё» нинг тил хусусиятлари	13
Луғат ва изоҳлар ҳақида	14
К И М Ё	16
Кимёйи аввал	16
Кимёйи дујум	17
Кимёйи саввум	18
Кимёйи чаҳорум	20
Кимёйи панжум	22
Кимёйи шашум	24
Кимёйи ҳафтум	26
Қимёйи ҳаштум	28
Кимёйи нуҳум	32
Кимёйи даҳум	34
Кимёйи ёздаҳум	36
Кимёйи дувоздаҳум	39
Кимёйи сездаҳум	45
Кимёйи чаҳордаҳум	50
Кимёйи понздаҳум	52
Кимёйи шонздаҳум	55
Кимёйи ҳафдаҳум	57
Кимёйи ҳиждаҳум	58
Кимёйи нуздаҳум	60
Кимёйи бистум	62
Кимёйи бисту якум	63
Кимёйи бисту дувум	64
ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР	66

Бобораҳим МАШРАБ

К И М Ё

Муҳаррир:	Одилжон НОСИРОВ.
Тех. муҳаррир:	Баҳромжон ЙУЛЧИЕВ.
Мусаввир:	Алихон МАМАТОВ.
Мусахҳиҳ:	Алижон РАҲМАТОВ.

Теришга 4.11.99 й. да берилди. Босишга 25.11.99 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90 1/16. Газета қоғозига юқори босма усулида чоп этилди. 5,25 босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 1534. Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават.
Чуст босмаховасида терилиб чоп этилди. Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.